




ИСЛОМ НИҚОБИ ОСТИДАГИ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ УЮШМАЛАР

МАЪЛУМОТЛАР ТҶПЛАМИ



66.3(54)3

4та

111-48

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ
ИСЛОМШУНОСЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ
ДИН ИШЛАРИ БЎЙИЧА ҚЎМИТА

ИСЛОМ НИҚОБИ ОСТИДАГИ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ УЮШМАЛАР

(Маълумотлар тўплами)

Қайта нашр

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2017

УЎК: 323.285
КБК: 66.3(5Ў)3
Ш 48
Шермухаммедов, К.

Ислом ниқоби остидаги экстремистик террорчи уюшмалар [Матн] : маълумотлар тўплами / К. Шермухаммедов, Ж. Каримов. - Тошкент : Тошкент ислом университети, 2017. - 160 б.

Тузувчилар:

Комилжон Шермухамедов, Жамолиддин Каримов

Масъул муҳаррир

Ортиқбек Юсупов, фалсафа фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

Аҳаджон Ҳасанов, тарих фанлари доктори, профессор
Абдумутал Закурлаев, юридик фанлари номзоди, доцент
Иброҳим Усмонов, тарих фанлари номзоди, доцент

Китобда бугунги кунда ислом ниқоби остида фаолият кўрсатаётган мутаассиб, экстремистик ва террорчи ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи, уларнинг асосий мақсади, гоявий-ақидавий асослари, молиявий манбалари, фаолият услублари ва ғайри исломий моҳияти маълумотлар тўплами шаклида ҳар бири алоҳида бандлар орқали очиб берилган. Шунингдек, китоб таркибига замонавий кўринишдаги оқимлар томонидан тарғиб қилинаётган гоя ва тамойиллар ислом дини моҳиятига умуман ёт эканини асослаб берувчи машҳур уламоларнинг фатволари келтирилган.


Китобни тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг маълумотлари ва амалий тақриф-тавсияларидан фойдаланилди.

Маълумотлар тўплами соҳа мутахассислари учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг №675-сонли хулосаси асосида тайёрланди.

ISBN 978-9943-4827-4-6

© «Тошкент ислом университети»
нашриёт-маъбаа бирлашмаси, 2017.
© Тошкент ислом университети Ислом-
шунослик илмий-тадқиқот маркази, 2017.



КИРИШ

Ҳозирги кунда инсон онги ва қалби учун кураш кескин тус олаётган экан, мафкура майдонида турли қарашларнинг ҳукмронлик қилиши табиий ҳолатдир. Ғоя ижобий моҳиятга эга бўлганда улкан бунёдкорлик қувватини намойиш этса, бузғунчи мазмунни ифодалаганда даҳшатли вайронкорлик қудратига эга бўлади. Иккинчи гуруҳга хос бўлган бундай бузғунчи ғоялар дин ниқоби остида фаолият кўрсатаётган экстремистик ва террорчи ҳаракатлар томонидан тарғиб қилиниб, кишилар қалбини забт этиш мақсадида ҳар қандай разил йўллардан фойдаланиш ҳоллари авж олаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Бундай кучларнинг динимиз асосларини, Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг асл моҳиятини бузиб талқин қилиши, жамият ҳаётига таҳдид соладиган ишларни ислом билан боғлашга уриниши эса уларнинг ҳар қандай қабихликдан тап тортмаслигидан далолат беради.

Ушбу масалаларга тўхталиб, Биринчи Президентимиз Илом Каримов 2014 йил 31 августда «Шаҳидлар хотираси» хиёбонида ўтказилган маросимда уламолар, жамоатчилик вакиллари ва зиёлилар билан суҳбат чоғида таъкидлаганларидек, «Диний қадриятларнинг, эзгуликнинг, инсониятнинг душмани бўлган ёт ғояларнинг асл моҳиятини очиб бериш, бузғунчи оқимларни жиловлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, мана шундай тинч, мусаффо осмон остида бунёдкорлик меҳнати билан банд бўлиб, шукрона келтириб яшаётган олижаноб халқимизнинг тинч ҳаётини ҳар қандай бало-қазолардан асрашга ўз ҳиссамизни қўшиш – бугунги кундаги энг долзарб вазифамиз бўлиши керак»¹.

¹ Аждодлар хотираси муқаддас // «Халқ сўзи» газетаси. 2014 йил 1 сентябрь, 169-сон.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси асрлар узра мусулмон маданияти ривожига катта ҳисса қўшиб келган, қолаверса, унинг марказларидан бири бўлиб хизмат қилган. Шу боис, бузғунчилик ақидаларини тарғиб қилаётган турли радикал оқимларнинг минтақага ўз ғояларини сингдириш мақсадида интилаётгани тасодиф эмас, албатта. Минтақада асосан, «Ҳизбут-тахрир ал-исломий», «Туркистон ислом ҳаракати», «Акримийлар», «Нурчилар» «Исломий жиҳод иттиҳоди» каби гуруҳларнинг фаолияти кузатилганини ҳисобга олиб, тўпламда мазкур оқимлар атрофлича ёритилди. Шунингдек, ғоялар кураши авж олган XXI асрда дунё ҳамжамияти барқарорлигига таҳдид солаётган «ал-Қоида», «Толибон», «Ироқ ва Шом ислом давлати», «Жабҳат ан-Нусра», «Мусулмон биродарлар», «Боко ҳарам» каби бир қатор экстремистик ва террорчи ташкилотлар ҳақида маълумотлар берилди.

Бугунги кунда диний-экстремистик ва террористик ҳаракатлар ўзларининг мудҳиш фаолиятини давом эттираётгани замонамиз уламолари ҳамда ислом оламининг йирик ташкилотларини ҳам мазкур масалага такрор ва такрор муурожаат қилиш ва бу йўлнинг хато эканини исботловчи, асл ҳақиқатни очиб берувчи фатво, қарорлар қабул қилишга мажбур этмоқда. Тўплам иловасида келтирилган фатволар эса бу каби ҳаракатларнинг ғайриисломий моҳиятини янада теран англашга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Шу нуқтаи назардан қараганда, К.Шермухамедов, Ж.Каримов, Ж.Алиев, Д.Турдиева, Ш.Жўраев, Ж.Мелиқўзиев, Ж.Нажмиддинов, Ж.Шодиев, А.Аҳмедовлардан иборат муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланган маълумотлар тўплами соҳа мутахассислари учун фойдали манба бўлиб хизмат қилишига ишонамиз.

«САЛАФИЙЛИК»

Харакат номи. «Салафийлик» тушунчаси араб тилидаги «салаф» сўзидан олинган бўлиб, «аввал яшаб ўтганлар», «аждодлар» маъноларини англатади. Ҳадисларга кўра, Пайгамбар Муҳаммад (алайҳис-салом) замонлари ва ундан кейинги икки даврда яшаган мусулмонлар тушунилади. Ислом мужтаҳид уламолари илк мусулмонларни «салафи солих», яъни «солиҳ аждодлар» деб ҳисоблашда яқдилдир. Улардан кейинги даврларда яшаган мусулмонларга нисбатан «салаф» ёки «салафий»лар тушунчалари асло ишлатилмайди.

Бироқ сўнгги вақтларда «салаф солихларга эргашиш» шиори остида «салафийлик» мафкурасини байроқ қилиб олган, ўзларини гўёки «салафларнинг издошларимиз» деб ҳисоблайдиган мутаассиб, сохта салафийлар пайдо бўлганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ҳозирги кунда «салафийлар» бир неча гуруҳларга бўлиниб кетган. Уларни умумлаштириб, икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси, давлат бошқарувида шариятнинг устуворлигига эришишда жангу-жадаллар билан ҳаракат қиладиган радикал салафийлар. Бу тоифадаги сохта салафийлар «жиҳод» ғоясининг мазмунини бузиб талқин қилиб, унга жангарилик тусини бермоқда. Улар нафақат бошқа дин вакиллари, балки мусулмонларга қарши зўравонлик, қўпоровчилик ҳамда босқинчилик хатти-ҳаракатларини асослаш ва оқлаш учун «жиҳод» тушунчасидан фойдаланмоқда.

Иккинчиси, ўзларини гўёки давлатдаги мавжуд қонун-қоидаларга бўйсунадиган ва уларга қарши чиқмайдиган қилиб кўрсатадиган, жангарилик фаолияти билан шуғулланмайдиган «мўътадил» салафийлар. Улар ўз мутаассиб фикрларидан қайтмаган ҳолда, бошқа қарашларга нисбатан хур-

мат билан қарайдиганлар гуруҳига мансуб бўлиб, муайян мазҳабга мансуб бўлишни ёқламайдилар.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Сохта салафийликнинг зарур ғоявий асосларга эга бўлиши суриялик Ибн Таймия (1263-1328) фаолияти билан боғлиқ. Унинг ғоялари кейинчалик турли мутаассиб гуруҳ ва ҳаракатлар етакчилари қарашларига асос бўлиб хизмат қилди. Жумладан, XVIII асрда тарихий адабиётларда «ад-даъватуд дамавия», яъни «қонли даъват» номини олган ҳаракатлар пайдо бўлди. Сохта салафийлик XIX асрнинг иккинчи ярмидан ўз олдига халифаликка асосланган ислом давлатини барпо этиш вазифасини қўйган «ислоҳотчилик», «панисломизм» ниқоби остида янгидан жонланди. Абул Аъло ал-Мавдудий, Ҳасан ал-Банно, Сайид Кутб, Абдусалом Фараж, Абдурахмон ал-Кавокибий, Айман аз-Завохирий, Усома бин Лодин каби шахсларнинг радикал фикрлари сохта салафийлик мафкураси ривожига катта «ҳисса» қўшди. Улар томонидан «мусулмон халқларининг диний-сиёсий иттифоқи» ғояси ишлаб чиқилди. Бу ғоя остида анъанавий мазҳаблардан воз кечиш ва исломнинг илк даврига қайтишга даъват қилинди.

Ҳозирги кунда сохта салафийлик ҳаракатига мансуб «Фатҳ ал-ислам» (Ливан), «Ҳумаат ад-даъва ас-салафия» (Жазоир), «Ҳаракат аш-шабаб ал-мужаҳидин» (Сомали), «Толибон» (Афғонистон), «ат-Тавҳид вал-жихад» (Фаластин), «Ат-талиъа ал-муқатила» (Сурия), «Жайш ал-Қудс ал-исламий» (Иордания), «Жайш Аби Бакр ас-Сиддиқ ас-салафий» (Ироқ), «ал-Жихадия ас-салафия» (Марокаш), «Туркистон ислом ҳаракати», «Исломий жиҳод иттиҳоди» каби юздан ортиқ ташкилот, оқим ва гуруҳларни санаб ўтиш мумкин.

Ташкилот ғоялари. Сохта салафийлар қуйидаги ғояларни илгари сурадилар:

– Куръон ва суннада ёзилган қоидаларни сўзма-сўз тушуниб, кўр-кўрона амал қилиш орқали бошқа манбаларни ботилга чиқарадилар;

– «жиҳод»ни исломнинг олтинчи аркони деб ҳисоблайдилар;

– «такфир» (куфрда айблаш) ва «ҳижрат» (ватанни тарк этиш) масаласини илгари сурадилар;

– фикҳий мазҳабларни инкор қилиб, мазҳабсизликни тарғиб қиладилар;

– тасаввуф, урф-одат ва миллий қадриятларни инкор этадилар;

– ғайридинларга ўта тоқатсиз муносабатда бўлиб, диний бағрикенгликни ёқламайдилар;

– ҳар қандай янгиликни «бидъат» деб ҳисоблаб, уни рад этадилар.

Айниқса, сохта салафийлар томонидан тарғиб қилинаётган мазҳабсизлик ғояси, асрлар давомида шаклланган диний анъаналарни издан чиқариб, бир юрт мусулмонлари ўртасида парокандаликни юзага келтирмоқда.

Фаолият услублари. Сохта салафийлар ўз ғояларини ёйишда яширин «хужралар» тизими фаолиятини кучайтириш, унда асосан ёшларни ўқитиш ва уларга диний мутаассиб ғояларни сингдиришга асосий эътибор қаратилади. Жумладан, сохта салафийликка мансуб «Туркистон ислом ҳаракати» террорчи гуруҳи Марказий Осиё минтақасида ўзининг бузғунчи ғояларини тарғиб этишда яширин «хужралар» ёрдамидан фойдаланишга интилиб келган.

Бугунги кунда сохта салафийлар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида техника тараққиёти ютуқларидан фаол фойдаланишга интилмоқдалар. Жумладан, улар интернетни ўзларининг ёвузлик қуролига айлантириб, унинг воситасида глобал тармоқда виртуал жамоат ташкил этиб, диний мутаассиб қарашларни тарғиб қилишмоқда. Сохта салафийларнинг ёшлар онги ва қалбини эгаллашга қаратилган бундай ҳаракатларидан асосий мақсад ўз сафларини янгидан-янги жангарилар билан тўлдиришдан иборат бўлмоқда.

Тадқиқотлар ҳозирда жаҳон интернет тармоғида сохта салафийларнинг тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш учун очилган бир неча мингдан зиёд веб-сайтлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Уларга асосан диний асосдаги низоларни келтириб чиқарадиган маълумотлар, диний экстремистик ва террорчи ташкилотлар раҳбарларининг турли баёнот ва мурожаатлари жойлаштирилмоқда. Шунингдек, сохта салафийларга тегишли сайтларда «мина портлатиш ишлари», «шаҳарлар ва тоғли ҳудудларда жанг олиб бориш санъати», «заҳарловчи моддалардан қурол тайёрлаш ва ундан фойдаланиш», «махфий операциялар ўтказиш услублари», «ўз жонига қасд қилиш йўллари» каби кўпуровчилик ва террорчиликни тарғиб қилувчи саҳифалар мавжуд.

Минтақадаги фаолияти. Ҳозирда сохта салафийлик ғояси остида асосан Шимолий Африка, Яқин Шарқ, Кавказ ва Марказий Осиёнинг айрим ҳудудларида фаолият олиб борадиган ҳаракатлар жамиятдаги эътиқодий бирлик, барқарорлик ва тараққиёт учун реал таҳдидга айланганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Сохта салафийларнинг фикрича, ҳукуматга хизмат қилаётган давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва ҳарбийлар «динсизлар» тоифасидан ҳисобланади. Бу йўлда давлат раҳбарлари, ҳокимият идоралари вакиллари ни обрўсизлантириш ҳамда расмий диний уламоларнинг мавқеларини заифлаштириш мақсадида уларнинг ҳаётига тажовуз қилишгача боришмоқда. Жумладан, 2009 йилда Ўзбекистонда бир қатор диний уламоларга нисбатан тажовузлар уюштирилгани бунинг ёрқин мисолидир.

Сохта салафий «жиҳодчилар»нинг айнан шу йўналишдаги фаолияти айрим қўшни давлатларда кузатилганини ҳам қайд этиш лозим. Чунончи, 2007 йилнинг баҳорида Қозоғистоннинг Қарағанда вилоятида уларнинг тўрт нафар аъзоси

инкассатор ва йирик тадбиркорларга ҳужум уюштиришга тайёргарлик кўраётганида қўлга олинган. Аниқланишича, пуллар «жиходчилар»нинг террорчилик ҳаракатини амалга ошириши учун берилиши режалаштирилган. Айнан шу йилнинг августида ушбу ҳаракатнинг бошқа бир қатор аъзолари террорчиликда айбланиб қўлга олинган ва уларнинг Чимкент шаҳридаги Миллий хавфсизлик қўмитаси департаментини портлатмоқчи бўлгани аниқланган. Оқим аъзоларидан бинонинг план-схемаси, ходимлар ҳамда уларнинг яқин қариндошларининг уй манзиллари ва телефон рақамлари рўйхати билан бирга барча махсус хизмат вакиллари йўқ қилишга қаратилган «фатво» ашъвий далил сифатида олинган.

Шунингдек, 2007 йилда кўшни Тожикистонда пайдо бўлган сохта салафийлар томонидан ҳанафий мазҳаби вакиллари «хидоятдан адашганлар», шиа мусулмонлари эса «кофир» деб эълон қилинган. Бу каби ҳолатлар мамлакат барқарорлигига жиддий хавф-хатар солиши мумкинлиги инобатга олиниб, 2009 йил январь ойида Тожикистон Олий суди томонидан конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, давлат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва конфессиялараро келишмовчиликларни олдини олиш мақсадида ушбу ҳаракат фаолияти тақиқланди. Бундан ташқари, 1998 йилда Кения ва Танзания давлатларидаги АҚШ, 2000 йил Жакарта (Индонезия) даги черковда, 2004 йил июлида Тошкент шаҳридаги АҚШ ва Исроил элчихоналари бинолари ҳамда 2008 йил ноябрида Мумбай (Ҳиндистон)даги «Яҳудийлар маркази»да, 2010 йил сентябрида Бишкек (Қирғизистон)даги Яҳудийлар синагогасида содир этилган портлатишлар сохта салафийларнинг ўзга дин вакилларига нисбатан шафқатсиз услублардаги ҳаракатларига мисол бўла олади.

Ҳаракатга муносабат. Мутаассибликка асосланган назарий қарашлардан террорчилик амалиётига ўтиш, террорчиликнинг янги усулларига мурожаат қилиш ҳамда за-

монавий технология ва коммуникация воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда ўз ғояларини тарқатишга уриниш сохта салафийликнинг бугунги кундаги муҳим хусусиятларидан ҳисобланади.

НУРЧИЛИК

Ташкилот номи. «Нурчилик» (туркча – Nurculuk) диний-фундаментал ҳаракат. Халқ тилида «Нурчилар» деган ном билан ҳам машҳур.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Нурчилик» ҳаракатининг асосчиси Туркиянинг Битлис вилоятидаги Нурса қишлоғида туғилган Саид Нурсий (1876-1960) бўлиб, «Бадиуззамон» (арабча – замонанинг буюги, беназир) лақаби билан танилган. Ҳаракат унинг асосчиси томонидан XX асрнинг 20-йилларидаги Туркиядаги сиёсий ва диний вазиятнинг ўзгариши таъсирида, хусусан Усманийлар халифалиги ағдарилгандан кейин ҳокимият тепасига келган Мустафо Камол Отатуркнинг дунёвий давлат тузишига муҳолиф равишда шакллантирилган. Саид Нурсий Туркия Республикаси конституциясига таҳдиди ва шариатга асосланган давлат тузишни уюштиришда айбланиб, 23 йил давомида қамоқда сақланган.

Ташкилотнинг бош мақсади. Ҳаракатнинг мақсади узоқ даврга мўлжалланган бўлиб, аста-секинлик билан ёшларга пантуркизм ва мутаассиб диний ғояларни сингдириш, келажакда уларнинг раҳбар лавозимларга тайинланиши орқали «Нурчилик» жамоасига мойил шахсларни ҳокимият тепасига чиқаришга асосланган.

Ташкилот ғоялари. Ҳаракат ўз фаолиятида Саид Нурсий томонидан ёзилган, унинг талқинидаги Куръони карим оятлари шарҳлари ва диний кўрсатмаларини ўз ичига олган «Рисолаи Нур» куллийетида баён этилган ғояларга асосланади ҳамда ундан бошқа барча манбалар инкор этилади.

«Нурчилар» Туркиянинг амалдаги давлат тузуми ўрнига ислом шариатига мувофиқ қонун-қоидаларни жорий қилиш орқали ғаразли мақсадларга етишни кўзлайди. Кейинги босқичларда, ғўёки туркийзабон давлатларни Туркия соясида бирлаштириб, «исломий давлат»ни барпо этиш ғояси илгари сурилади. Бунда ҳаракат раҳномаси Фатхулла Гюленнинг «Бутун Ер юзи Аллоҳнинг мулки, уни бу меники, бу сеники, деб бўлиб олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ» деган фикр остида бошқа халқларни Ватан туйғусидан ажратиб, улар устидан ҳукмронлик ўрнатиш кўзланади.

Ташкилотнинг назарий манбалари. Ҳаракатнинг асосий ғоясини ташкил этган Саид Нурсийнинг 6000 саҳифалик «Рисолаи-нур» китоби дунёнинг ўн беш тилига таржима қилинган. Унинг ўзи мазкур китобга «Рисолаи Нур» бу асрни ва келажак асрларни нурлантирган бир мўъжизаи Куръонийдир», – дея баҳо берган. «Нурчилик» ҳукумат томонидан таъқиб қилингани учун мазкур китоб 1954 йилгача бирорта нашриётда чоп этилмай, ҳаракат фаоллари томонидан қўлда кўчирилиб, халқ орасида махфий тарқатилган.

Фаолият услублари. «Нурчилар» стратегиясида Кавказ, Болқон ва Марказий Осиё минтақаси алоҳида ўрин тутади. Фатхулла Гюлен фикрича, ҳаракатнинг бу ҳудудларда устувор мавқега эришиши Усмонлилар давридаги каби «Буюк Турон» тикланишига хизмат қилар эмиш. Ана шундай стратегик мақсадларни кўзлаган ва Гюленнинг «Ахборот технологиялари тараққий этгандан сўнг олам бир кишлокқа айланган ва унда очик сиёсат олиб бориш лозим», – деган кўрсатмаларига риоя қилган «Нурчилар» тил, дин ва маданиятлар бирлиги ҳамда замонавий фикрлайдиган кадрлар тайёрлашда ёрдам беришни иддао қилган ҳолда, Марказий Осиё давлатларида ҳам пайдо бўлди.

«Нурчилар»нинг Россия, Хитой, Ироқ, Эрон ва Афғонистоннинг баъзи ҳудудларда олиб бораётган ҳаракатлари эса

Ғарбнинг бу минтақадаги геосиёсий курашдан кўзлаётган мақсадларига ҳам мос келади. Зеро, етакчи Ғарб давлатлари назоратига тушиб қолган «Нурчилик» ҳаракати ғояларининг бу давлатларда яшайдиган туркий халқлар орасида тарқалиши ушбу ҳудудларни таъсир доирасига киритишнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳар йили Европа Иттифоқи, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатларда ҳаракатнинг фаолиятига доир анжуманлар ўтказилиб келинаётгани ва Фатҳулла Гюлен раҳбарлигидаги «Нурчилар» Ғарбда катта кўмакка эга бўлаётгани ҳам ушбу мулоҳазаларнинг ўринли эканини кўрсатади.

Умуман олганда, юқорида қайд этилган омиллар таъсирида ҳаракатнинг таъсир доираси кенгайиб бораётганини қайд этиш лозим. Ҳозирги вақтда «Нурчилик» ҳаракати 120 та давлатда фаолият олиб бораётгани, биргина Туркияда уларнинг тарафдорлари сони 5 миллионга етгани ачинарли ҳол.

Ҳаракат тузилмасида хавфсизлик хизматининг мавжудлиги, аъзоликка номзодларнинг махсус синовлардан ўтказилиши, улар ҳақида маълумотлар заҳирасининг йиғилиб борилиши, ташкилотга мансубликни сир сақлашнинг қаттиқ талаб этилиши эса фош бўлиб қолиш имкониятини камайтиради.

Ҳар бир мамлакат ҳудудини муайян қисмларга бўлиб олиш орқали ҳаракат ғояларини ёйишга интилиш ва бунда ташкил этилган турли фонд ва фирмалардан восита сифатида фойдаланиш ҳам ўз самарасини бераётганини қайд этиш лозим. Шунингдек, ҳаракатнинг мутасаддилари томонидан бевосита тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш билан бирга тарафдорларига диний кўрсатмалар, йўл-йўриқлар бериш, ғоявий издошлар сафини кенгайтириш йўлидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга ҳам алоҳида эътибор берилади.

Шу билан бирга, худудлардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазият ҳақидаги маълумотлар тўпланиб, таҳлил қилинади ва шундан келиб чиқиб, фаолият услубларига зарур ўзгартишлар киритилади. Ўз ғояларини тарғиб қилиш, ғаразли ниятларни амалга оширишда «Нурчилар» энг самарали йўл сифатида таълим соҳасига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу ҳаракат томонидан ўз тузоқларига, асосан, ёшларни илинтириш ва шу йўл билан фаолият олиб бораётган мамлакатларининг истиқболига эгалик қилишдек мақсад кўзланаётганини кўрсатади.

Маълумотларга кўра, Туркияда «Нурчилик» ҳомийлигида 103 та лицей, 460 та ўқув курси ва 500 га яқин ётоқхоналар ташкил этилган. Германия, Швейцария, Нидерландия, Яқин Шарқ ва Африкада кўплаб мактаб ва лицейлар фаолият кўрсатмоқда. 1990-йиллар бошларида туркийзабон халқлар яшайдиган Кавказорги давлатлари ва Россияда пайдо бўлган «Нурчилар» томонидан 370 дан ортиқ лицей очилди. Умуман олганда, 87 мамлакатда ташкил этилган ўқув даргоҳлари учун йилига миллионлаб доллар ажратилаётгани эса бу йўлда маблағ ҳеч аялмай сарфланаётганини кўрсатади.

Структураси. Ҳозирги кунда ҳаракат бир нечта тармоқларга бўлиниб кетган бўлса-да, «Нурчилар»нинг раҳнамоси сифатида Фатҳулла Гюлен эътироф этилади. Ҳаракат фаолияти доимий таъқиб остида бўлгани учун унинг аъзолари махфий фаолият кўрсатишга уринадилар. «Нурчилар» ўзларининг ғаразли мақсадларини фош қилмаслик нуқтаи назаридан ҳаракат ичида хавфсизлик хизматини жорий қилган.

Молиявий манбалари. Ҳаракатнинг молиявий асослари ва имкониятлари ҳақида гап кетар экан, «Нурчилар» ва уларнинг тарафдорлари кўлида 1980-йиллардаёқ йирик маблағлар жамланганини қайд этиш лозим. Маълумотларга кўра, ҳозирги вақтда Фатҳулла Гюленнинг ўзи 6-8 миллиард,

ҳаракат эса 80 миллиард долларга эгалик қилиб, умуман олганда, «Нурчилар» киритган «ислом капитали» Туркия иқтисодиётининг 30 фоизини ташкил қилади.

Ҳаракатнинг молиявий манбалари турли хил банк, фирма, медиа холдинглар, таълим тизимлари ва хайрия жамғармаларидан тушган маблағларга асосланади. Шундай бўлса-да, мутахассислар томонидан «Нурчилар»нинг молия тизими-га шубҳа билан қаралган ҳолда, баъзи Ғарб давлатларининг «хайрихоҳ» муносабатининг акси экани таъкидланади.

Ҳаракатга аъзолик. Таълим соҳасига алоҳида эътибор берадиган «Нурчилар» ҳаракатга аъзолик босқичида мазкур йўналишдан фаол фойдаланишади. Хусусан, дастлабки босқичда ўқувчиларга турк маданиятига нисбатан тарафдорлик, исломий кадриятлар ва мусулмонлар бирдамлигини англаш туйғуси фаол тарзда сингдириб борилади. Бу жараёнда лицей тарбияланувчилари, уларнинг яқинлари ва қариндошларининг маънавий-ахлоқий ва шахсий сифатларини ўрганишга, ўзаро шахсий муносабатлар ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилади.

Тўпланган маълумотлар ҳар бир лицей ўқувчисининг қизиқишлари, ўзлаштириш қобилияти, ўқишдаги муваффақиятлари, ахлоқий-психологик хусусиятлари, ислом ва Туркияга нисбатан муносабатининг тадрижий ривожланиб бориши билан бирга махсус қайд қилиб борилади. Шу йўл билан келажакда «Нурчилар»нинг фаол аъзоси бўлиши мумкин бўлган ёшлар сараланади. Бунда ҳудуддаги обрўли ва зиёли оилаларнинг фарзандларини танлаб олишга ҳам алоҳида эътибор берилдики, буни ҳам ҳаракатнинг ўз таъсир доирасини кенгайтириш йўлида қўллайдиган услубий тизимининг узвий ҳалқаси сифатида қараш зарур.

Ўрганиш бундай саралашдан муваффақиятли ўтган ўқувчилар ҳомий ташкилотлар томонидан моддий қўллаб-қувватланиши, уларга Туркияда ўқиш имконияти бери-

лиши ва мамлакатга келган талаба ўша заҳотиёқ 5–6 та талаба яшайдиган бир уйга жойлаштирилиб, махсус «имом»га бириктирилишини кўрсатади. Шу босқичдан бошлаб, талабалар «имом»нинг мунтазам ғоявий босими остида яшаб, тайёргарликдан ўтадилар ва бу жараён ҳаракат раҳбарлари томонидан турли синовлар шаклида назорат қилиб борилади. Бундай шаклда «тарбия» кўрган, берилган кўрсатмаларга қатъий бўйсунушга ўргатилган талабалар ҳаракатнинг фаол аъзоларига айланадилар.

Шу ўринда қайд этиш керакки, «Нурчилар» ўзларини ошкора намоён қилмасликлари туфайли уларнинг ҳаракатга аъзо эканини англаш осон эмас.

Минтақадаги фаолияти. Бу оқимнинг Марказий Осиёга кириб келиши 1992 йилдан бошлаб минтақа мамлакатларида турк лицейларининг очилиши орқали намоён бўлди. «Нурчилик» ҳаракатининг «Силм» тармоғи муассислик қилган, моддий-техник таъминоти «Осиё финанс» ташкилоти томонидан молиялаштирилган 128 та лицейи очилди. Лицейдаги таълим жараёнида янги педагогик ва психологик технологиялар ҳамда методлардан самарали фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб борилгани уларнинг доврўғи тарқалиши ва аҳоли томонидан ижобий қабул қилинишига замин яратди.

Минтақа давлатлари телевидениеларига беғараз, дея тақдим этилган диний мазмундаги фильм ва турли йўллар билан кенг тарқалган китоблар ёрдамида ҳам «Нурчилик» ғояларини ёйиш ишлари олиб борилди.

«Нурчилик» ҳаракатининг Ўзбекистонга кириб келиши мустақиллик йилларининг бошларига бориб тақалади. Улар Туркия билан бўлган миллий ва маданий алоқалар сояси остида Турк-ўзбек лицейлари фаолиятини молиялаштириб, ўзбек ёшларини ҳаракат ғоялари домига тортмоқчи бўлдилар. Ҳаракатнинг асл мақсадлари фош бўлгач, 1999 йилдан унинг фаолияти тақиқланиб, мамлакатдаги лицейлар ёпил-

ди. Шунингдек, ҳаракат аъзоларининг Ўзбекистондаги иккинчи ғайриқонуний уринишлари сифатида ташкил этилган ўқув марказлари, чоп этилган газета ва журналлар ҳамда телекўрсатувлар аниқланиб, уларнинг фаолияти ҳам тугатилди.

Минг афсуски, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда бундай амалиёт бугунги кунда ҳам давом этмоқда.

Ҳаракатга муносабат. «Нурчилик» ҳаракати очикдан-очик конституцион тузумга қарши кураш, «ислом давлати»ни қуриш ғоялари мавжуд бўлмаса-да, мазмун ва моҳият жиҳатидан унинг ғоялари ва ушбу оқим томонидан чоп қилинган адабиётлар фундаменталистик таълимотларнинг аҳоли орасида илдиз отиб кетишига асос яратиб, жамият барқарорлигига хавф солувчи мутаассиблик ғояларини тарғиб этишга хизмат қилади. Ҳаракатнинг ғоялари ва фаолиятига Туркия жамиятининг ўзида ҳам зиддиятли муносабат мавжуд.

МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР

Ташкилот номи. «Жамоат ал-Ихвон ал-муслимин» – «Муслмон биродарлар жамоаси» ёки «Муслмон биродарлар».

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Муслмон биродарлар» ҳаракатига 1928 йил март ойида Мисрнинг Исмоилия шахрида Ҳасан ал-Банно (1906-1949) томонидан асос солинган.

Ташкилот ғоялари. Ташкилотнинг асосий ғоялари Ҳасан ал-Банно ва Саййид Қутб томонидан тарғиб қилинган.

Ҳасан ал-Банно ўзининг «Фаннул-мавт» китобида мавжуд ҳукуматларни йўқ қилишга эришиш йўлларини изоҳлаган ҳолда, илк марта ўзини ўзи қурбон қилиш шаклида жангарилик амалиётини тайёрлаш ва амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини оқлаб фатво берган.

Саййид Қутб ташкилот фаолиятининг янада радикаллашувига замин яратган. Хусусан, у 1965 йилда ёзган «Йўл-


даги белгилар» китобида араб жамияти «жоҳилия» даврига қайтиб, маънавий таназзулга учради, бундай вазиятда асл диндорлар жамиятдан ажралиб, алоҳида жамоалар тузишлари ҳамда жоҳилияга айланган жамиятни исломлаштириш учун жиҳод олиб боришлари лозим, деган ғояни илгари сурган. Бунда у «жиҳод» тушунчасини динсизлар ҳатто, унинг талқинига қўшилмаган мусулмонларга қарши қуролли кураш маъносида қўллаш бошлаган.

Ташкилот «Аллоҳ – бизнинг мақсадимиз, Қуръон – қомусимиз, Пайғамбар – бизнинг етакчимиз, Жиҳод – бизнинг йўлимиз ва Аллоҳ йўлида қурбон бўлиш бизнинг энг олий орзуимиздир» деган тамойилни ўзининг бош шиори қилиб олган.

Фаолият услублари. «Мусулмон биродарлар» ўз тарихида бир неча босқичларини босиб ўтган. Дастлаб «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ўша вақтда мавжуд бўлган кўп сонли майда «исломий» гуруҳлардан бири ҳисобланар эди. Шунинг учун Ҳасан ал-Банно ўз тарғиботларини одамларга кенгроқ ёйиш мақсадида, Мисрнинг бир қанча шаҳарларига сафар уюштирган. Кейинчалик эса турли шаҳар ва минтақаларга ўзининг вакиллари юборган. Бундай сафарлар натижасида, қисқа вақт ичида, яъни 1930-йиллар охирига бориб, мамлакатнинг деярли барча минтақасида ташкилотнинг бўлимлари фаолият юрита бошлаган.

Молиявий манбалари. «Мусулмон биродарлар» ташкилоти ташкил этилганидан, то ҳозирги кунга қадар турли молиявий манбалар ҳисобига фаолият юритади. Жумладан, ташкилотнинг аъзолик бадаллари, унинг очиқ фаолият юритувчи бўлимларидан тушадиган даромади ва турли мамлакатлардаги баъзи жамғармалар томонидан мақсадли равишда ажратиладиган маблағларни айтиш мумкин.

Ҳаракатга аъзолик. «Мусулмон биродарлар»га аъзо бўлиб кирадиган янги шахс Аллоҳнинг номи билан ҳаракат сафига



бошқаларни даъват қилиш, ташкилот талабларини сўзсиз ба-
жариш, унинг раҳбарларига иккиланмай ишониш, ҳаракат-
нинг энг катта амирига бўйсунуш ҳақида қасам ичади.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Мусулмон би-
родарлар» ташкилотининг шаклланишига назар ташласак,
унинг турли даврларда вазиятга қараб ўзгариб борганига гу-
воҳ бўламиз. Агар ташкилот тарихининг дастлабки босқичла-
рида, кишиларни ўзига жалб қилиш мақсадида, хайр-эҳсон,
маърифатчилик ишларига кўпроқ эътиборни қаратган бўл-
са, кейинчалик бу жараён сиёсий тус ола бошлади. Айниқса,
уларнинг фаолияти 1940-йилларда янада жадаллашди. Шу
даврдан бошлаб, «Мусулмон биродарлар» ташкилоти сиёсий
ҳаётда террор усулини кенг қўллайдиган тузилмага айлан-
ди. Хусусан, «Мусулмон биродарлар» 1940-йилларга келиб,
«Махфий аппарат» (ал-Жихааз ас-сирр) ва «Ҳарбий қанот»
(Танзим) тузишга эришдилар. 1945 йил февралда мамлакат
Бош вазири Аҳмад Моҳир, 1946 йилнинг январь ойида мо-
лия вазири Амин Усмон ва яна бир қатор ҳукумат аъзола-
рининг ўлдирилиши бу йўлдаги ҳаракатларнинг ўзига хос
кульминацияси бўлди. Лекин бундай уринишлар кутилган
натижани бермади. Ҳукумат томонидан кўрилган чоралар
«Мусулмон биродарлар»ни ўз фаолият услубларни ўзгарти-
ришга мажбур қилди.

Ҳаракатга муносабат. XX асрнинг сўнги йилларига
келиб, диний уюшма сифатида очиқ фаолият юритган «Му-
сулмон биродарлар»нинг сиёсий қаноти терроризмдан воз
кечиб, диний-сиёсий партияга айланганини эълон қилди ва
жамиятдаги таъсири янада кенгайиб борди. Ҳаттоки, 2005
йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган «Миллий
Мажлис» (Парламент) сайловларида «Мусулмон биродарлар»
ҳаракатининг аъзолари «Ислом – муаммолар ечими» шиори
остида парламент сайловларида «мустақил номзодлар» си-

фатида қатнашиб, умумий 454 ўриндан 88 ўринга (умумий ҳисобда 20 фоиз) эга бўлди ва мамлакат парламентида энг йирик муҳолифат блокени ташкил этди. Бунинг натижасида умумараб диний ҳаракатига айланган «Мусулмон биродарлар» ташкилотининг фаолияти ошқора сиёсий тус олди. 2011 йил 25 январда Миср пойтахти Қоҳирада бошланган йирик норозилик намойишлари, 11 февралда Президент Хусни Муборакнинг истеъфоси билан якунланди. Бунинг натижасида, 2012 йил мамлакат президенти сайлаш учун бўлиб ўтган икки босқичли сайлов натижаларига кўра, «Мусулмон биродарлар» ҳаракатининг сиёсий қаноти ҳисобланган «Адолат ва озодлик партияси» раҳбари Муҳаммад Мурсий Миср президенти этиб сайланди. Аммо орадан бир йил ўтиб, 2013 йил 3 июлда «Мусулмон биродарлар» вакили бўлган Муҳаммад Мурсий мамлакатда тинимсиз давом этган оммавий норозиликлар натижасида ҳарбийлар томонидан ҳокимиятдан четлаштирилди.

Юқорида қайд этилган таҳлил «Мусулмон биродарлар»нинг узоқ йиллар давомида олиб борган фаолияти Мисрда даврий равишда ижтимоий-иқтисодий беқарорликни келтириб чиқариши билан бир қаторда мусулмон дунёсига мансуб бошқа давлатларда радикал диний-сиёсий ташкилотлар вужудга келишига мафкуравий ва ташкилий замин яратгани ҳақида хулоса чиқариш имконини беради.

ШАБАБ МУҲАММАД

Ташкилот номи. Гуруҳ «Шабаб Муҳаммад» (Муҳаммад Пайғамбар ёшлари) деган ном олган. Шунингдек, унинг «Муназзама ат-таҳрир ал-исламий» (Ислом озодлик ташкилоти) ва «Жамаа куллийя ал-фаннийя ал-аскарийя» (Харбий-техника академия гуруҳи) каби номлари ҳам мавжуд.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Шабаб Муҳаммад» гуруҳига 1939 йилда Мисрдаги «Мусулмон биродарлар» диний-сиёсий ташкилотининг собиқ аъзоси бўлган Маҳмуд Абу Зайд Усмон исмли шахс асос солган. У турли сиёсий-ҳуқуқий масалалар билан шугулланадиган «Шўро» кенгашида «Мусулмон биродарлари»нинг қарорлар қабул қилишдаги раҳбарлигини тан олишни истамайди. Натижада Маҳмуд Абу Зайд Усмон, асосан, ёшлардан иборат бўлган гуруҳни ташкил этади.

1970-йилларда «Шабаб Муҳаммад» гуруҳига асли фаластинлик бўлган Солиҳ Абдулла Саррийя раҳбарлик қилди. Унинг бошқаруви даврида ушбу гуруҳ «Жамаа куллийя ал-фаннийя ал-аскарийя» (Харбий-техника академия гуруҳи) номи билан кўпроқ машхур бўлди.

Ташкилотнинг бош мақсади. «Шабаб Муҳаммад» араб мамлакатларидаги барча мавжуд бошқарув тузумларини такфирда айблайди ва уларга қарши «жиҳод» эълон қилиш орқали «исломий давлат»ни барпо этишни мақсад қилади.

Ташкилот ғоялари. Солиҳ Абдулла Саррийя бошчилигидаги «Шабаб Муҳаммад» тўғридан-тўғри бутун жамиятни куфрда айбламаса-да, унинг «такфир»да айблаш тамойили қайсидир маънода жамиятнинг асосий қисмини кофир деб эълон қилиш учун замин яратади. Бу тамойилга кўра, мавжуд ҳукуматга қарши чиқмаган ҳар қандай инсон кофир саналади. Шунингдек, у демократик тамойиллар ва кўп-партиявийликни рад қилди. Унинг фикрига кўра, жамиятда

фақат иккита «Ҳизбуллоҳ» (Аллоҳнинг партияси) ва «Ҳизб аш-шайтон» (Шайтон партияси) партиялари мавжуд, гўёки бирор-бир сиёсий партия фаолиятида иштирок этишни эса куфр ҳисоблайди.

Ташилотнинг назарий манбалари. Солиҳ Абдулла Саррийянинг қарашлари Сайид Кутбнинг фикрларига монанд радикал ғоялар билан йўғрилган, 1973 йилда Мисрда нашр этилган «Рисола ал-иман» (Имон ҳақида рисола) номли китобида баён қилинган.

Фаолият услублари. Солиҳ Абдулла Саррийя ҳокимият-ни қурол билан эгаллашнинг уддабурон ва прагматик услубини ишлаб чиқди. Унинг фикрига кўра, мавжуд ҳокимият-ни қўлга киритишнинг энг мақбул шакли бу армиянинг фаол қўллаб-қувватлаши орқали ҳарбий тўнтаришни амалга оширишдир. Балки Солиҳ Абдулла Саррийянинг бу қарашларига аввал ўзи аъзо бўлган «Ҳизбут-таҳрир» экстремистик оқим асосчиси фаластинлик Тақийуддин Набахонийнинг ғоялари таъсир ўтказган бўлиши мумкин. Чунки Набахоний томонидан тақдим қилинган концепцияга кўра, армия структурасига «исломчилар»ни фаол киритиб, сўнг ҳарбий тўнтаришни амалга ошириш керак. Фақат шу йўл билан «ислом халифалиги»ни тиклашга эришиш мумкин, деб ҳисоблайди.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. 1970-йилларда Мисрда мавжуд тузумни ҳарбийлар ёрдамида тўнтариш ғоялари пайдо бўла бошлади. Бу ғояни илк бор 1974 йилда Солиҳ Саррийя бошчилигидаги экстремистик гуруҳ амалга оширмоқчи бўлди. Солиҳ Саррийя ўша йилларда Мисрда кўчиб келган ва Араб давлатлари лигаси маъмуриятига ишга жойлашиб олган эди. Солиҳ Саррийя ва унинг тарафдорлари ишлаб чиққан режа бўйича давлат тўнтариши 1974 йил 18 апрелда Миср пойтахти Қоҳира шаҳридаги Ҳарбий-техника академия биносини эгаллашдан бошланиши керак эди. Солиҳ Саррийя ушбу академиянинг айрим талабалари онгини

аллақачон заҳарлашга ҳам улгурган эди. У шу талабалар ёрдамида академияга бостириб киради ва қурол-аслаҳа омборини қўлга киритмоқчи бўлади. Бироқ академия қўриқчилари уларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатишади. Бу тўқнашув натижасида 24 киши ҳалок бўлди ва 34 та одам жиддий жароҳат олди. Натижада Солиҳ Саррийя ва унинг тарафдорлари ўз мақсадларига эриша олмади ва қўлга олинди. Миср ҳукумати томонидан уларнинг айримларига узоқ муддатли қамок жазоси берилди, баъзилари эса қатл этилди. Айнан, ушбу воқеадан сўнг Солиҳ Саррийянинг гуруҳи «Жамаа куллийя ал-фаннийя ал-аскарийя» («Ҳарбий-техника академия гуруҳи») деб ҳам номлана бошланди.

Ҳаракатга муносабат. «Шабаб Муҳаммад» ҳаракати ўз фаолияти давомида қуроли «жиход»га даъват этиб келган. Миср президенти Жамол Абдул Носир даврида «Шабаб Муҳаммад» фаолияти кескин тақиқланди. 1980-йиллар бошида гуруҳ раҳбарларидан бўлган Муҳаммад Аттийя Хамис вафот этади ва ўша даврдан мазкур гуруҳ номи Мисрнинг сиёсий-ҳуқуқий ва диний ҳаётида умуман зикр қилинмайди.

ҲИЗБУТ-ТАҲРИР АЛ-ИСЛОМИЙ

Ташкилот номи. «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» («Ислом озодлик партияси»). Ҳизбчилар, таҳрирчилар деб ҳам юритилади.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Фаластинлик Тақийуддин Набахоний (1909-1979) мазкур экстремистик ташкилотнинг асосчиси ҳисобланади. 1947 йилда Исроил давлати ташкил этилгандан кейин оиласини олиб, Фаластиндан Байрутга кўчган ва «Мусулмон биродарлар» ташкилотига аъзо бўлган. 1953 йилда мазкур ташкилот аъзолигидан чиқиб Қуддус (Иерусалим)да «Ҳизбут-таҳрир ал-исломий» ташкилотини тузган. Шу билан бирга китоб ва бошқа нашрлар

чиқариш ишларига раҳбарлик қилган. У ўз ҳаракат доирасини кенгайтириш мақсадида Иордания, Сурия ва Ливан давлатларида бир неча маротаба сафарда бўлган.

Тақийуддин Набахоний вафотидан сўнг «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатига фаластинлик Абдулқадим Заллум (1925-2003) бошчилик қилди. Унинг раҳбарлиги даврида ташкилот собиқ Иттифоқ таркибига кирган республикалар (асосан, Марказий Осиё худудида)даги диний ва этник зиддиятлардан фойдаланиб, ўзининг фаолиятини жадаллаштирган. Абдулқадим Заллум вафотидан кейин «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракатига Ато Абу Рушта (Абу Ёсин) раҳбарлик қилади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Мусулмон мамлакатларини бирлаштирувчи «халифалик» давлатини қуришни бош мақсад деб эълон қилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Тақийиддин Набахоний даставвал Фаластинда араб миллатини озод қилишни мақсад қилган бўлса, кейинчалик араб мамлакатларида «ислом давлати»ни барпо этиш ва бошқа юртларга таъсир ўтказиш режалаштирилган. Унинг бу йўналишдаги уринишлари араб мамлакатларида қаттиқ қаршиликка учраган.

Ташкилот ғоялари. «Ҳизбут-таҳрир» оқимининг асосий мавзуси «Хилофат» (халифа сайлаш) масаласи бўлиб, уларда «Ҳозирги кунда мусулмонларнинг зиммаларидаги долзарб вазифа халифа сайлашдир, токи улар бу ишни адо этмас эканлар, уларнинг бошқа ибодатлари бефойдадир», деган ғоя тарғиб қилинади. Бугунги кунда бу даъвонинг асоссиз ва нотўғри эканини англаб олиш ниҳоятда муҳим.

Зеро, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом)нинг қуйидаги ҳадислари уларнинг бу даъволари ўринсиз эканига далил бўлади: «Мендан кейин халифалик ўттиз йил бўлади, ундан кейин тишлаб тортилган амирлик ва подшоҳликларга айланади». Бу ҳадис мўъжиза сифатида айтилган ҳадис эди. Вафотларидан кейин халифалик қилган Абу Бакр, Умар, Усмон ва Али (р.а.)ларнинг

халифалик муддатларини бир-бирига қўшсак, йигирма тўккиз ярим йил бўлади. Ҳазрати Алининг катта ўғли Имом Ҳасан олти ой халифалик қилган. Шу билан ўттиз йил тўлиқ бўлган. Халифаликни тиклашдан ташқари «Ҳизбут-тахрир»нинг айрим ақидавий хатолари қуйидагиларда ҳам намоён бўлади:

1. «Ҳизбут-тахрир» ўз аъзоларига қабр азоби ва Масих Дажжолнинг чиқишига эътиқод қилишни ҳаром қилган. Уларнинг назарида ким бу эътиқодни қилса, гуноҳкор бўлади. Бу бузуқ эътиқод ислом ақидасига мутлақ зиддир. Агар бу эътиқод билмай туриб айтилган бўлса, аҳли сунна ва-л-жамоа мазҳаби ҳукмига биноан фосиқлик деб эътиборга олинади. Қабрда бўладиган азоб ёки роҳат ҳақида Қуръони каримнинг «Ғофир» (46-оят), «Тоҳо» (124-оят), «Тур» («45-оят»), «Нух» (25-оят), «Тавба» (101-оят) сураларида баён қилиниши уларнинг хато йўлда эканининг яна бир исботидир.

2. «Ҳизбут-тахрир»нинг раҳбарлари: «Амри маъруф ва наҳий мункарга эътибор бермаслик керак, чунки бу фаолият ҳозирги босқичда умумий ишга тўсиқ бўлади. Қолаверса, амри маъруф ва наҳий мункар ислом давлатининг иши», дейдилар. Бу гап шариатга хилоф ва мантиқсиз эканига ўзи ва динини мукамал билган мусулмон шубҳа қилмайди. Яхшиликка бунориш ва ёмонликдан қайтариш жамиятда фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

3. «Ҳизбут-тахрир» фикр ҳамда инсоний ва исломий ҳис-туйғуларга зид бўлган фатво ва ҳукмлар чиқариб, ўз аъзоларига уларга амал, тарғиб ва ташвиқ қилишни мажбурий қилган. Ўша фатволарнинг баъзилари қуйидагилар:

– «яланғоч суратларни томоша қилиш жоиз» – уят ва шармандалиқдан иборат бу ишни нафақат мусулмонлар, балки ўзини билган, одамийлигини унутмаган ғайримусулмонлар ҳам ножоиз ва ҳаром ҳисоблайдилар;

– «бегона аёлни шаҳват билан ёки шаҳватсиз ўпиш ва у билан қўл бериб сўрашиш мубоҳ» – бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсани ҳалол дейишдир. Аллоҳ таоло номаҳрамларни шаҳват билан ўпиш у ёқда турсин, уларга шаҳвоний назар билан қарашни ҳам ҳаром қилган;

– «мусулмон фазогирдан намознинг фарзлиги соқит бўлади». Демак, мусулмон шахс фазогир бўлиши яхши эмас. Бу фатвонинг хатарли томони шундаки, у билан Аллоҳ таоло фарз қилган намоз бекор қилинмоқда. «Ҳизбут-таҳрир»дан бошқа ҳеч ким бунга журъат этмаган;

– «икки кутбда яшовчилардан намоз ва рўза соқит бўлади». Бу масала қадимдан мусулмон уламолар томонидан ўрганиб келинган. Аммо «Ҳизбут-таҳрир»дан бошқа бирор шахс ва тоифа зинҳор икки кутбда намоз ўқимамай, рўза тутмай қўйиш ҳақида ҳаёл ҳам қилмаган.

Шунингдек, улар муқаллид (имонига далил келтира олмайдиган киши)нинг имони имон бўлмаслиги, ҳизбнинг фикрати ва тариқатига имон келтириш зарурлиги, шаръий манбалардан ақл ва тафаккурнинг устун қўйилиши каби хато ғояларни илгари суради.

Ташиқлотнинг назарий манбалари. Таълимот назарияси Набахоний ва унинг издоши Абдул Қаддим Заллумнинг «Ислом низоми», «Ислом давлати», «Халифалик», «Исломий оламга қайноқ нидолар», «Ҳизбут-таҳрирнинг тушунчалари», «Демократия – куфр низоми» ва «Сиёсий онг» каби китобларида баён этилган. Уларда Ғарб цивилизацияси ва дунёвий давлат тамойиллари қораланган, демократия, конституция, сайлов каби сиёсий институтлар инкор қилинган ҳолда, турли мамлакатларда радикал «ислом» ғояларини тарғиб қилиш, давлат тўнтариши орқали ҳокимиятни қўлга киритиш ҳамда халифаликка асосланган тузумни ўрнатиш асосий мақсад сифатида илгари сурилади. Шунингдек, «Ҳизбут-таҳрир» ўзининг тарғибот-ташвиқот ишларида «Ҳизбий

уюшма», «Иzzат ва Шараф сари», «Идорий тўплам», «Халифалик тушунчалари», «Манҳаж», «Молиявий бозорлардаги беқарорлик», «Исломий шахсият» китоблари ва «ал-Ваъй» журнали каби нашрларга ҳам асосланади.

Молиявий манбалари. Маълумотларга кўра, «Ҳизбут-тахрир» катта молиявий базага эга. Айрим кузатувчиларнинг хулосаларига кўра, «Ҳизбут-тахрир»нинг бошқарув вакиллигини улар билан доимий алоқада бўлган халқаро террорчилик ташкилотлари ҳам қўллаб-қувватлаб келган. Жумладан, «ал-Қоида» ва унинг таркибига кирувчи айрим террорчи ташкилотлар томонидан молиялаштирилгани ҳамда «Ҳизбут-тахрир» ҳаракати аъзоларини ўз ҳарбий лагерларида тайёргарликдан ўтказишда амалий ёрдам берганлари бунга мисол бўлади. Шу билан бирга, «Ҳизбут-тахрир» томонидан «хазина»ни бойитиш учун исталган бошқа маблағлар (адабиёт сотуви, тижорат тузилмалари ва ҳаракат тарафдорлари бўлган алоҳида шахсларнинг ихтиёрий ажратмалари ва бошқалар) ташкил этади.

Бундан ташқари, «Ҳизбут-тахрир» ташкилотига аъзо шахслардан «табарруот» (аъзолик бадали) яъни ҳаракатнинг ҳар бир аъзоси ўз даромадининг 5-20 фоизи миқдорида тўлаши шарт бўлган молиявий тўлов йиғиб борилади.

Фаолият услублари. Ато Абу Рушта бошчилигида ҳаракат 2006 йилдан «Ҳизбуллоҳ»нинг террорчилик амалиётларини қўллаб-қувватлаб, Исроил-Ливан можаролари (исроиллик оддий аскар Геладнинг олиб қочилиши)да иштирок этган ҳамда АҚШ, Исроил, Европа иттифоқи ва Россияга қарши қуроли «жиход» эълон қилган. Бу эса ташкилотнинг асл мақсадини фош қилди. Чунки, бу давргача «Ҳизбут-тахрир», гўёки ташкилотнинг фаолияти фақатгина ғоя ва мафкурага қаратилган бўлиб, қуроли тўқнашувларга умуман алоқаси йўқ эканини таъкидлаб келган эди.

«Ҳизбут-таҳрир»нинг фаол ҳаракати 1970–1980 йиллардан буён Покистон, Индонезия, Филиппин, 1990 йиллар бошидан эса Марказий Осиё давлатларида, 2003–2004 йиллардан Россиянинг бир қатор минтақаларида кузатилган.

Сўнгги йилларда «Ҳизбут-таҳрир»да ғоявий яқдиллик йўқолиб, фаолиятида юзага келган самарасизлик таркибий бўлинишларга олиб келди. Ундан «Ҳизбун-нусра» гуруҳи ажралиб чиқди. Шунингдек, «Ҳизбут-таҳрир»нинг «Аёллар қаноти» кучайтирилиши баробарида, улар орасида ўзини портлатиш орқали қурбон қилиш амалиётидан кенг фойдаланилмоқда. Улар ёш қиз ва аёлларга «уй тутиш сирлари» (пазандалик, тикувчилик)ни ўргатиш орқали ҳаракатнинг ғояларини тарғиб этиш, тузоққа илинган аёлларни гўёки, «ҳижрат» қилиш йўлида чет давлатлардаги ўз «биродарлари»га ёрдам бериш учун жўнатиш ёки жазо муддатини ўтаётган жамоа аъзоларига турмушга чиқишга даъват этиш каби амалиётлар билан шуғулланмоқдалар.

Структураси. «Ҳизбут-таҳрир»нинг аъзолари ўртасида мансабдорлик вазифалари аниқ белгиланган бўлиб, унга кўра «Амир қиёдат» (дунё бўйича халифалик давлатининг энг катта раҳбари), «мўътамад» (вакил, маълум бир давлат бошлиғи), «масъул» (жавобгар, вилоят бўйича бошлиқ), «нақиб» (раҳбар, раис, туман бўйича бошлиқ), унинг ёрдамчиси эса «нақиб ёрдамчиси» ва ундан кейинги лавозимдагилар «жиҳоз аъзолари» (бошқарув идора аъзолари) деб аталади. Ҳаракатга кирувчиларни ўқитишга масъуллар «мушриф» (гуруҳ раҳбари) дейилса, ўқувчилар «дорис» (ўқувчи) деб белгиланган.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, «Ҳизбут-таҳрир» ҳам ўзига хос ижтимоий муҳитни яратиш мақсадида «халқа»ларга оила аъзолари, яқин қариндошлар, дўстлар, маҳалладошлар,

ен атрофдаги моддий жиҳатдан кам таъминланган шахсларни жалб қилишга алоҳида эътибор қаратган.

Ҳаракатга аъзолик. «Ҳизбут-таҳрир» даъватчилари, асосан динга мойиллиги бўлган ёшларни (улар ўзининг одоби, тарбияси ва оилавий аҳволи билан бошқаларга ўр-нак бўла оладиган ва ўзи ҳам даъват қилганида «бешлик» ҳалқалар тузиб, шахсларга ўз сўзини ўтказа оладиган бўлиши шарт) жалб қилиб, уларни ҳалқаларда аввал ислом динига оид суҳбатлар билан билим даражасини аниқлашади. Кейинчалик улар орасидан иқтидорли, даъватини бошқаларга ўтказа оладиган ва ҳаракатга фойда келтирадигани (давлат бошқарув идоралари ходимлари бўлган шахслар эса ўзларининг бошқаларга нисбатан таъсир доиралари ва ўзига хос жиҳатларига қараб) ажратиб олиниб, уларга аста-секин «Ҳизбут-таҳрир»нинг тактик стратегиясини белгилаб берувчи «Ислом низоми» асосида дарс берилади. Ушбу китоб тўлиқ ўрганилгач (дарслар ҳафтада икки марта, жами уч ойдан бир ярим йилгача бўлган вақт мобайнида давом этиши мумкин), дорис мушриф ёки нақиб томонидан тайинланган вакил иштирокида, қасам қабул қилувчи (жиҳоз аъзоларидан бири)нинг уйида қасамёд қилдирилади. Қасамёд қилган шахс «Ҳизбут-таҳрир»нинг ҳақиқий аъзоси, деб ҳисобланади ва бир ой мобайнида ўзи учун ҳалқа тузиб, уни бошқариши лозим бўлади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, «Ҳизбут-таҳрир» сафи-га қўшилаётган янги аъзолар қабул қиладиган қасамёднинг моҳияти ҳаракат ғояларини ҳаётга татбиқ қилиш учун барча куч ва саъй-ҳаракатларни сафарбар қилишни талаб этади. Бунда «Ҳизбут-таҳрир»га садоқатли бўлиш, эълон қилинадиган «жиҳод»да фаол қатнашиш, ҳаракат ғоялари рад этиладиган мамлакатнинг конституциявий тузумини ағдариб ташлаш, унинг ўрнига «исломий халифалик»ни қуриш ва бу йўлда ўз амирининг буйруқларини сўзсиз бажариш ҳақида-

ги ваъдалар ва мажбуриятларни ўз ичига олган қасамёднинг қўлда Қуръон билан қабул қилинишига алоҳида эътибор берилади.

Минтақадаги фаолияти. «Ҳизбут-таҳрир»нинг Марказий Осиё минтақасидаги фаолияти ХХ асрнинг 80-йилларнинг охири 90-йилларига тўғри келади. Бу даврда «Ҳизбут-таҳрир»нинг таълимотларига оид чет давлатларда нашр этилган мутаассибликка йўғрилган ва юқорида қайд этилган ғоялар акс этган турли хилдаги китоб, рисола ва журналлар ноқонуний йўллар билан юртимизга кириб келди. У ўзининг тарғибот ишларини мунтазам равишда жумладан, ҳозирги кунда ҳам дунёнинг сиёсий, иқтисодий ва диний манзарасини «Ҳизбут-таҳрир»нинг қарашларидан келиб чиққан ҳолатда қоралаб ёзилган варақаларни тарқатиш амалиётини қўллаб келмоқда. Шунингдек, «Ҳизбут таҳрир» минтақада мусулмонларга иқтисодий кўмак бериш, коммунал тўловлар масаласида қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ёш оилаларга уй қурилишида ёрдам бериш, байрамларда халққа ош тарқатиш орқали ўзига бўлган ишончни орттириш ва тарафдорлар сонини оширишга эришмоқда.

Террорчилик ҳаракатларидаги иштироки. «Ҳизбут-таҳрир» фаолларининг мусулмон дунёсига мансуб бир қатор давлатларда конституциявий тузумга қарши қаратилган террорчилик амалиётларида иштирок этгани ҳам уларнинг асл қиёфасини очик-ойдин намойиш этади. Жумладан, 1968, 1974 ва 1977 йилларда «Ҳизбут-таҳрир» аъзолари Йордания, 1974 йилда эса Мисрда ҳарбий исён кўтаришга уринган. 2000 йил январда эса Сурия ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ҳукуматга қарши ғалаёнлар кўтаришга тайёргарлик кўраётган ташкилот фаолларининг 800 нафари қамоққа олинган.

2002 йилда Филиппинда қамоққа олинган ташкилотнинг бир гуруҳ фаолларидан катта миқдордаги портловчи

моддалар ва ўқотар қуроллар қўлга олиниши баробарида уларнинг «ал-Қоида» террорчи ташкилотининг маҳаллий тузилмалари билан яқин алоқада бўлгани ҳам аниқланган. Бу эса «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти ўз фаолиятини халқаро террорчилик тизимининг таркибий қисми сифатида ташкил этаётганидан далолат беради.

Бундан ташқари, 1999-2005 йилларда мазкур ҳаракатнинг Қуддус шаҳридаги бўлими аъзолари томонидан Туркия, Миср ва Ватикан каби мамлакатлардан зиёратга келган расмий делегациялар раҳбарлари, шунингдек АҚШ собиқ Президентининг рафиқаси Лора Бушга нисбатан ҳужум уюштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлари полиция томонидан бостирилган. 2009 йилнинг апрель ойида эса Бангладешнинг Куштия шаҳрида полиция томонидан 31 нафар «Ҳизбут-таҳрир» аъзоси қўлга олинган. Расмийларнинг баёнотига кўра, қўлга олинган шахслар томонидан террорчилик ҳаракатларини амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, улардан кўплаб миқдорда портловчи модда олинган.

Шу билан бирга, фитналарнинг доимий муваффақиятсизликка учраши, «Ҳизбут-таҳрир» раҳбарияти орасида ушбу ҳаракатлар ташкилотнинг «ажралиб» чиққан қисми томонидан амалга оширилди, деган даъво билан айбни бўйинларидан соқит қилишга интилишдек амалиётни келтириб чиқарганини таъкидлаш зарур.

Ҳаракатга муносабат. Буюк Британиянинг бир қатор шаҳарлари, Франкфурт-на-Майне (Германия), Истанбул (Туркия), Лакнау (Ҳиндистон), Жидда (Саудия Арабистони), Қуддус (Фаластин), Куала-Лумпур (Малайзия) ва Жакарта (Индонезия)да «Ҳизбут-таҳрир» марказлари фаолият олиб борган. Мазкур ташкилот Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ливан, Миср, Иордания, Германия, Россия, Покистон ва Сурия каби бошқа бир қатор давлатларда қонун билан тақиқланган. «Ҳизбут-таҳрир»нинг халифалик бар-

по этиш ғояси бирорта мусулмон мамлакатларида акс-садо топмай, бутун дунё мусулмон уламолари йиғилишларида ҳам кескин танқидга учраб келмоқда. Шу ўринда қайд этиш жоизки, дунёнинг кўпгина мамлакатларида яширин фаолият олиб боришга уринган «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти ўзини террорчилик фаолиятига алоқаси йўқ эканини узоқ вақт таъкидлаб келди. Аммо уни ушбу ғараз мақсадда қўллаб келётган кучлар бугун ҳам жаҳон ҳамжамиятида, афсуски йўқ эмас. Ўз умрини яшаб, тарих сахнидан тушиб кетган, бугунги воқеликка мутлақо тўғри келмайдиган хаёлий халифаликни барпо этиш учун ҳар қандай амалий ҳаракатлардан тийилмаслик, жумладан, қурол ишлатишни тарғиб қилиш орқали мусулмонлар онгига энг ашаддий ғояларни сингдиришни ўзининг дастурий вазифаси қилиб олган ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга жон-жаҳди билан уринаётган бундай гуруҳни террорчилик фаолиятига алоқадор экани шубҳасиздир.

ЖАМОАТ АЛ-МУСЛИМИН

Ташкилот номи: «Жамоат ал-муслимин» (араб. – Мусулмонлар жамоаси) Мисрдаги диний-экстремистик ташкилот «ат-Такфир вал-ҳижра» номи билан ҳам машҳур.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи: Жамоат ғоялари Миср қамоқхоналарида Саййид Қутб ва унинг сафдошлари ўлимга ҳукм қилингандан сўнг шакллана бошлаган. Аввал Али Исмоил, кейинчалик 1971 йилда Шукрий Мустафо (1942-1978) ташкилотга етакчилик қилган. У 1965 йил «Мусулмон биродарлар» жамоасига мансубликда айбланиб, 23 ёшида ҳибсга олинган. 1971 йилда озодликка чиққач, Шукрий Мустафо ўз жамоасининг ҳаракат низомини ишлаб чиқишга киришади. Шу аснода тарафдорлари томонидан унга «Мўминларнинг амири» номи берилади.

Шукрий Мустафо ва унинг тарафдорлари Миср жамияти ислом қарашларига тўғри келмаслиги ва бундай давлатдан кетиш керак, деган хулосага келганлар ва 1973 йилда Мисрнинг аҳолиси кам бўлган тоғолди худудига кўчиб ўтишган.

Жамоа Мисрнинг Вақф ишлари вазири Шайх Хусайн аз-Заҳабийга уюштирган қотиллигидан сўнг, Миср ҳукумати томонидан қаттиқ таъқиб остига олинади. Икки ўртада юз берган қуролли тўқнашувлардан кейин жамоанинг юзлаб аъзолари 1977 йилда хибсга олинади. Шукрий Мустафо бошчилигидаги жамоанинг 5 нафар етакчилари ўлим жазоси, қолган аъзолари эса қамоқ жазосига маҳкум этилади. Шукрий Мустафо 1978 йил 30 мартда қатл этилади.

Мазкур гуруҳ 1976 йилда ўзларини «Жамоат ал-муслимин» деб номлаган, лекин Миср оммавий ахборот воситалари уларни «ат-Такфир вал-ҳижра» деб атаган.

Ташилотнинг бош мақсади. Бутун бир давлатларни, жамоаларни имонсизликда айблаб, шу асосда мазкур давлатларга куч ишлатиш мумкин эканини исботлаш.

Ташилот ғоялари. Харакатнинг асосий ғояси гуноҳи кабира (катта гуноҳ) қилиб, тавба қилмаган киши, шариат асосида ҳукм чиқармайдиган раҳбарлар, уламолар, жамоанинг таълимотлари етиб борган бўлса-ю, уни қабул қилмаган инсонни «такфир»да айблаш ҳисобланади. Яъни, улар ўз ғояларига қўшилмаган мусулмонларни имонсизликда айблашади. Шунингдек, иддаоларига кўра, ижмо, қиёс, маслаҳат ал-мурсала, истехсон каби шаръий манбалардан ҳукм олган киши ҳам кофир, мушрик саналади.


Уларнинг ғояларида тўртинчи ҳижрий асрдан кейинги асрлар куфр ва жоҳилият асрлари ҳисобланади. Чунки одамлар бу асрларда Аллоҳга эмас, тақлидга ибодат қилишган. Диннинг ҳеч бир ишида тақлид қилиш жоиз эмас, балки мусулмон ҳукмларни далиллар билан билиши шарт.

Жамоанинг яна бир асосий ғояси «ҳижрат» бўлиб, бунга кўра шу кеча-кундузда мавжуд жамиятлар жоҳилийдир. Шунинг учун улардан четлашиб, алоҳида яшаш керак. Бунинг учун эса «ҳижрат» қилиш лозим, деб ҳисоблайди. Бундан ташқари ислом тарихини ўрганиш ҳамда унга оид манбаларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ, чунки тарих фақат Қуръони каримда келган қиссалардир, ақоид, тафсир ва бошқа соҳаларда етишиб чиққан буюк уламоларнинг сўзлари ҳам ҳеч қандай қийматга эга эмас, чунки мусулмон умматининг қадимда ва ҳозирдаги уламоларнинг барчаси диндан қайтган муртаддирлар, деб даъво қиладилар.

Улар фақат Қуръон ва суннатни далил деб тан олсаларда, бошқа адашган фирқалар каби бир бузук эътиқодга ишониб, Қуръон лафзлари ва суннатни шу эътиқодларига мослаганлар.

«Ат-Такфир вал-ҳижра» аъзолари «Биз саводсиз умматмиз» ҳадисини ногўғри талқин қилиш оқибатида барчани саводсизликка чиқаришади. Ҳаттоки, университет, институт ва мадрасаларга ўқишга киришни тақиқлашади. Шунингдек, масжидларда жамоат бўлиб намозларни ўқиш борасида шундай дейдилар: «Масжидларнинг барчаси куфр уясидир, имомлари эса кофирдирлар». Уларнинг фикрича, фақатгина: «Масжидул ҳаром», «Масжидун набавий», «Қубо» ва «ал-Ақсо» каби тўртта масжидда имом ўзларининг жамоаларидан бўлган тақдирдагина намоз ўқиш мумкин. Шунингдек, «ат-Такфир вал-ҳижра» етакчиси Шукрий Мустафонинг «Исломни асл ҳолатини тиклаш учун Аллоҳ мени ерга юборган», деган даъвоси ҳаракат аъзолари орасида уни «Маҳдий» (Ҳидоятга бошловчи) деб улуғланишига сабаб бўлган.

Ташилотнинг назарий манбалари: Ҳаракатнинг ғоявий манбаси Шукрий Мустафонинг «Зикраёти маъа жамаат ал-муслимин» номли издошлари орасида қилган маърузалари ~~гўплами~~, шунингдек унинг ўринбосари Моҳир Абдулазиз



Занотий (Абу Абдуллоҳ) томонидан ёзилган «ал-Ҳижра» китобига асосланади.

Фаолият услублари. «Ат-Такфир вал-ҳижра» ҳаракати ўз фаолиятида талабалар билан тизимли ишлаш услубини фаол қўллаб келган. Мутахассислар фикрича, «ат-Такфир вал-ҳижра» ташкилоти томонидан тайинланган 500 га яқин махсус «фаоллар» таълим муассасалари ҳудуди ва ташқарисида талабаларни даъват қилиш билан шуғулланган. Шунингдек, жамоа томонидан махфийликни сақлаш мақсадида 10–15 аъзодан иборат, амир бошқарадиган «мажмуаат», деб номланган гуруҳлар тузилиб, аъзоларига соқол қўймаслик, замонавий кийиниб юриш, ҳатто спиртли маҳсулотларни истеъмол қилишга ҳам руҳсат берилган. Улар ўз мақсадларига эришиш йўлида ислом буюрган таълимотларнинг барчасига ҳам амал қилиш шарт эмас, деб ҳисоблайдилар.

«Ат-Такфир вал-ҳижра»нинг фаолияти Мисрдан ташқари Кувейт, Судан, Ливан ва бошқа араб давлатларида кузатирилган. Ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб, Россияда ҳам фаолият олиб борган.

Структураси: «Ат-Такфир вал-ҳижра» чуқур ишлаб чиқилган икки: «Мажмуат ад-даъва» (Даъват гуруҳи) ва «Мажмуат ал-иша» (Таъминловчи гуруҳ)дан иборат. Биринчи гуруҳ жамоа ғояларини ёйиш, тарғибот ишларини олиб бориш, ахборот тўплаш билан шуғулланса, иккинчиси ҳарбий тайёргарлик вазифаларини бажаради.

Молиявий манбалари: «Ат-Такфир вал-ҳижра» турли хил ноқонуний молиявий манбалардан фойдаланган ҳолда фаолият қамровини кенгайтириш, янгидан-янги аъзоларни ўз сафига жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Маълумотларга кўра, «такфирчилар»нинг асосий молиявий манбаи наркобизнес, ноқонуний қурол-яроғ савдосига таянади ҳамда дунёдаги

йирик террорчи гуруҳлар томонидан ҳам молиялаштирилиб келинади.

Харакатга аъзолик. «Ат-Такфир вал-ҳижра» етакчиси Шукрий Мустафо ўз оиласи ва яқин қариндошларини биринчилардан бўлиб ташкилот фаолиятига жалб қилган. Айни пайтда, «такфирчилар» бу тамойил-чақириқни такомиллаштириб, ҳаракат аъзоларини янада жипслаштириш мақсадида бир-бирлари билан оила қуришга даъват этишни йўлга қўйганларини ҳам эътироф этиш лозим.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки: «Ат-Такфир вал-ҳижра» жамоаси ташкил этилгандан бошлаб, қандай йўл орқали бўлмасин, ўзининг ғаразли мақсадларига етишиш йўлида ҳеч нарсадан тап-тортмаганини таъкидлаб ўтиш лозим. Уларнинг бу каби амалиётлари қуйидаги усулларда олиб борилади:

Биринчидан, ҳукумат раҳбарларини гаровга олиб, эвазига ўз талабларини қўйиш. Хусусан Миср Вақф ишлари вазири Муҳаммад Заҳабийга уюштирган суиқасдлари бунинг ёрқин исботи. Улар вазирни асир олиб, ўзларининг қамоқда сақланаётган кўп сонли тарафдорларини озод қилишни талаб қилган. Воқеалар кескин тус олгач, «такфирчилар» Муҳаммад Заҳабийни қатл этган.

Иккинчидан, «такфирчилар» ўзларининг бузғунчи ғояларини террорчилик амалиёти орқали олиб борган. 2000 йилда 20 нафар тинч аҳолининг ўлимига сабаб бўлган Судандаги масжидларнинг бирида амалга оширилган отишма, 2004 йилда Мадридда содир этилган қўпоровчилик ҳаракатлари бунинг исботи бўла олади. Шунингдек, Россияда фаолият юритган «такфирчилар» сиёсий ва диний арбобларни ўз ичига олган «суиқасд рўйхати»ни тузиб, шу асосда бир неча қотилликларни амалга оширган.

Хусусан, 2012 йил 29 февраль куни Москва яқинидаги Химки туманида омборхонага қуролли ҳужум уюштирилади. Жинойтчилар бошлиғи Абдулло «ат-Такфир вал-ҳижра» ташкилотининг минтақадаги етакчиларидан бири ҳисобланади. 2013 йил октябрь ойида Альфред Аҳмадуллин ва Азат Валишинлар Чистопол (Татаристон)да почта биносини портлатишга уринган. Шунингдек, улар маҳаллий Ички ишлар бошқармасига ҳам ҳужум уюштиришни режалаштирган. Альфред Аҳмадуллин 2006-2007 йилларда Покистонда ҳарбий ва «диний» таълимни олиб қайтгач, Чистополда «ат-Такфир вал-ҳижра»нинг бўлимини ташкил қилади. 2013 йил 27 ноябрь куни Москванинг Шимолий округида 14 нафар «ат-Такфир вал-ҳижра»нинг аъзолари қўлга олинади. Операция жараёнида портлатгич моддалар, граната, патрон, милтиқ, экстремистик руҳдаги адабиётлар ҳам мусодара этилади.

Ҳаракатга муносабат: 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, «ат-Такфир вал-ҳижра» жамоаси АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган. 2010 йил Россиянинг олий суди томонидан «ат-Такфир вал-ҳижра» экстремистик ташкилот деб тан олиниб, унинг фаолияти Россияда тақиқланган. Шунингдек, «Ал-Азҳар» уламолари ҳам «Ат-такфир вал-ҳижра» исломга ёт жамоа экани, унинг ғоялари эса ислом таълимотига мутлақо зид эканини таъкидлаб, террорчи оқимлар тоифасига киритган.

ҲИЗБУЛЛОҲ **(Туркия)**

Ташкилот номи. «Ҳизбуллоҳ» (Аллоҳнинг партияси), бошқа номлари «Hizbullahî Kurdî» (Курд Ҳизбуллоҳи) ёки «Турк Ҳизбуллоҳи». Суннийликка асосланганини даъво қилувчи локал экстремистик, террорчи ташкилот.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Ташкилотнинг юзага келиш тарихи 1980 йилларга бориб тақалади. Жамоанинг

шаклланиши Туркиянинг жануби-шарқий қисмида жойлашган Диёрбакир шаҳридаги «Ваҳдет» китоб дўконидаги йиғилишлардан бошланган. Абдулвахҳоб Экинжига қарашли бўлган мазкур дўкондаги учрашувларда Фидан Гунгор ва Хусайн Велиоғлу каби бўлажак «Хизбуллоҳ» етакчилари ҳам иштирок этишган. 1982 йили Фидан Гунгор «Мензил», Хусайн Велиоғлу эса «Илм» номли китоб дўконларини очади, шу асосда «мензилчилар» ва «илмчилар» гуруҳлари юзага келади. Кейинчалик оқим таркибидан «Тавҳид» (Нуреттин Ширин ва Меҳмет Шахин), «Ер юзи» (Бурҳан Кавунжу), «Курд инқилобчи Ҳизбуллоҳи» (Hisbullahi Kurdi Shorishger) (Адҳам Барзоний) каби бир қатор гуруҳлар ажралиб чиқади. 1987 йилга қадар улар ўртасида кўшма мажлислар ўтказилиб келган. Бироқ Гунгор ва Велиоғлу тарафдорлари ўртасидаги муносабат душманчиликка айланади. 1994 йил Гунгор ғойиб бўлгунига қадар икки томон ўртасидаги қонли тўқнашувларда 100 га яқин киши қурбон бўлди.

1992 йилдан бошлаб, «Хизбуллоҳ» ва «Курд ишчи партияси» ўртасида ўзаро адоват ва нафрат авж олади. Бунга шу йили ишчи партияси вакиллари томонидан 12 нафар «Хизбуллоҳ» аъзоларининг ўлдирилиши сабаб бўлган эди. Мазкур қарма-қаршилиқнинг асосий омилларидан бири, Курд ишчи партияси бўлажак озод Курдистонни марксистик-социалистик, яъни атеистик мафкура асосида тузиш ғоясини илгари суради. «Хизбуллоҳ» эса Курдистонни ислом шариатлари асосида бошқариладиган теократик давлат бўлиши лозимлигини қайд этади. Икки томон ўртасидаги тўқнашувлар натижасида 500 га яқин киши қурбон бўлди. Натижада, йирик шаҳарлар (Диёрбакир, Мердин, Батман, Ван)да «Хизбуллоҳ» аъзолари, қишлоқ худудларда эса, «Курд ишчи партияси» устувор мавқени эгаллади.

Фидан Гунгор 1949 йили Диёрбакир шаҳрида дунёга келган. 1970 йилда Истанбул Меъморлик ва муҳандислик олий

мактабига ўқишга киради, лекин битиролмай Диёрбакирга қайтишга мажбур бўлади. 1974 йилда ТРТ каналида маъмур сифатида ишлай бошлади ва айни дамда Диёрбакир педагогика институти Тарих бўлимига ўқишга киради. 1978 йилдан бошлаб фаол равишда «исломий давлат» куриш ғоясини тарғиб қила бошлаган. 1981 йили ТРТ каналидан ишдан бўшаб, тижорий фаолият билан шуғуллана бошлайди. 1982 йили «Мензил» китоб дўкони ва гуруҳини тузади. 1994 йил 11 сентябрь куни Истанбул шаҳрида номаълум шахслар томонидан олиб қочилган.

«Ҳизбуллоҳ»нинг энг йирик қаноти раҳбари бўлган Ҳусайн Велиоғлу 1952 йили Батман вилоятининг Гержуш шаҳарчасида туғилган. Асл фамилияси Дурмаз бўлиб, 1978 йили Велиоғлу деб ўзгартирган. Анқара университетининг «Сиёсий фанлар» факультетида «Курд ишчи партияси»нинг собиқ раҳбари Абдуллоҳ Ожалан билан курсдош бўлган. 1980 йилда Диёрбакирга кетади ва ўша ерда радикал оқимга асос солади. 1991 йилдан Велиоғлу бошчилигидаги «Илмчилар» террористик амалиётларни қўллай бошлайди.

2000 йил 17 январь куни Туркия полицияси томонидан Велиоғлу ва унинг икки нафар яқин одами Истанбул шаҳрининг Бекйоз туманидаги виллада яширингани аниқланиб, узоқ давом этган отишмадан сўнг ҳалок бўлган.

Велиоғлу ўлдирилгач, полиция томонидан Туркиянинг Истанбул, Диёрбакир, Батман, Ван, Мердин шаҳарларида бир қатор рейдлар амалга оширилди. Натижада, «Ҳизбуллоҳ» ҳаракатининг 6000га яқин аъзолари қўлга олинди. Тафтишлар натижасида гуруҳнинг бир қанча сирли манзиллари фош этилиб, мазкур жойларда 60 дан ортиқ қурбонларнинг қабри топилган. Маълум бўлишича, «Ҳизбуллоҳ» аъзолари ўзларига қарши чиққан кишилар, хаттоки диний уламоларни ўғирлаб кетиб, турли қийноқларга солиб ўлдирганлар.

2000 йил воқеаларидан сўнг ташкилот таназзулга юз тутди. Минглаб аъзолари қамалди. 2004 йилга келиб, «Ҳизбуллоҳ» янги тусда яна жонлана бошлади. Энди у террорчилик, қотилликдан воз кечган тинчликпарвар уюшма сифатида фаолият юритишга уринди. Шу нуқтаи назардан, «Ҳизбуллоҳ» тарихини «1980-2004 йиллардаги даври» ва «2004 йилдан кейинги даври» деб икки қисмга бўлиб ўрганилади.

«Янги» Ҳизбуллоҳ «Мустазаф-Дер» нодавлат ташкилоти орқали ижтимоий тадбирлар (асосан Мавлуд каби диний байрамларни оммавий нишонлаш), оммавий ахборот воситалари орқали асосан, курдлар яшайдиган ҳудудлар, қолаверса, бутун Туркияда «ислом» ғояларини тарғиб қилиш иддаосини илгари сурди. 2012 йили 11 майда Туркия суди мазкур ташкилотни террорчи гуруҳлар билан алоқаси борлиқда айблаб, фаолиятини тўхтатди. Бугунги кунда «Ҳизбуллоҳ»га Иса Алцой номли шахс етакчилик қилмоқда.

Ташкилотнинг бош мақсади. Ташкилот ўзининг асосий мақсади сифатида Туркиядаги дунёвий конституцион тузумни ағдариш ва «исломий давлат» қуришни илгари суради.

Ташкилот ғоялари. «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати дунёни икки қисм – яхшилик ва ёмонлик диёрига бўлади. Уларнинг бирида эзгулик кучлари, иккинчисида эса ёвуз кучлар ҳукмронлик қилади. Уларнинг фикрича, ким «Ҳизбуллоҳ» тарафида бўлса, у биринчи гуруҳ, қолганлар эса иккинчи тоифа вакиллари ҳисобланади.

Ташкилотнинг назарий манбалари. 2004 йилдаги қайта тузилишдан сўнг «Ҳизбуллоҳ» томонидан ҳар бири 8 минглик тиражда 3 номдаги рисола ва камида 7 минг тиражда 3 номдаги ойлик журналлар чоп этиб келинмоқда.

2012 йил 17 январда Хусайн Велиоғлу ўлимининг 12 йиллигига бағишлаб, «Ҳизбуллоҳ» ўзининг 17 варақдан иборат манифестини эълон қилди. Унга кўра, ташкилотнинг асосий мақсадлари сифатида «Туркияда ислом шариати асосида қурилган

давлатни ташкил этишга уриниш», «Курд тилини расмий тил сифатида эътироф этилишига эришиш», «Курдларга автономия беришга эришиш», «Кўзланган мақсадларга тинч, сиёсий йўллар билан эришиш» каби масалалар кўтарилган.

Фаолият услублари. Ўтган асрнинг 80-йилларда Хусайн Велиоғлу ишлаб чиққан ҳаракатнинг фаолият услублари уч босқичдан иборат бўлган. Биринчи босқичда, динни тарғиб қилиш – даъват ишлари амалга оширилган. Иккинчи босқичда тарафдорлар сонини ошириш орқали ижтимоий базага эга бўлиш кўзланган. Ва ниҳоят, учинчи босқичда «ислом давлати» қуриш учун «жиход» қилиш назарда тутилган.

2000 йилга қадар «Ҳизбуллоҳ» асосан, «Курд ишчи партияси» ва ўзига қўшилмаган курд элитаси билан муносабатларни ойдинлаштириб олиш билан банд бўлган. Бунда асосан, ўзларига қарши чиққан кишиларни ўғирлаб кетиш ва қийноққа солиб ўлдириш услуби қўлланилган.

2004 йилдан сўнг эса, гуруҳ ўз фаолият услубини ўзгартириб, нодавлат-нотижорат жамоат ташкилоти кўринишида фаолият юритишга уринмоқда. Жумладан, бугун «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати «İnsan Hakları ve Mustazafarla Dayanışma Derneği» қисқача «Mustazaf-DER» (Инсон ҳақлари ва мазлумларни қўллаб қувватлаш жамияти) орқали турли тадбирларини амалга ошириши, адабиётлар, даврий нашр, видеоролик, радио орқали даъват, интернет сайтлари, ўзига хос манифестлар эълон қилиш каби усуллардан фойдаланган ҳолда ўз ғояларини тарғиб қилишга уринмоқда.

Структураси. Ташкилот бошқарув иерархияси раёсат, олий кенгаш, Исломий шўро мажлиси ва тартиб ҳамда назорат қўмитасидан ташкил топган.

Раёсат энг олий бошқарув органи бўлиб, руҳий ҳамда сиёсий раҳнамолардан иборат бўлади. Руҳий раҳнамо диний масалаларга жавоб бериб, турли террорчилик

амалиётларига ўз фикрини билдириш ҳуқуқига эга эмас. У фақатгина мазкур фаолиятни қўллаб-қувватлаши лозим. Сиёсий раҳнамо эса юқорида келтирилган амалиётлар бўйича қарорлар чиқаради ва зарур пайтда амалиётларнинг фаолият йўналишини ўзгартиради. Аслида, руҳий ва сиёсий раҳнамолик бир киши томонидан йўналтирилиши мумкин эмас. Шундай бўлишига қарамай, Хусайн Велиоғлу истисно сифатида мазкур икки лавозимни бошқарган.

Марказий кенгаш (Шўро) «Ҳизбуллоҳ»нинг олий даражали сиёсий ва ҳарбий етакчиларидан иборат маслаҳат кенгашидир. Шўро ҳаракатнинг ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий қанотларини бошқариб, унда мазкур икки йўналишдаги энг муҳим қарорлар белгиланади. Унинг жойлардаги бўлими қуйи (маҳаллий) кенгаш деб аталади.

Мазкур локал уюшмалар ташкилотнинг турли шаҳарлардаги ўзига хос маҳаллий Шўроларидир. У икки – ҳарбий ва сиёсий йўналишларда фаолият олиб боради. Ҳарбий қанот «Ҳизбуллоҳ»нинг турли шаҳарларидаги амалиётларини юритади. Ҳарбийлашган қанот раиси ҳам шўро ҳам маҳаллий кенгаш аъзоси бўлиши мумкин. Мазкур қанот бўлинма бошлиқлари (дала қўмондонлари) ҳамда ҳарбий бўлинмалар (гуруҳлар)дан ташкил топган. Ҳар бир қуйи кенгаш таркибидаги дала қўмондонлари учтагача гуруҳ ва уларнинг террорчилик амалиётларини бошқаради. Қўмондонлар шаҳар етакчиси томонидан назорат қилинади.

Ҳарбийлашган гуруҳлар маҳаллий кенгашларнинг энг қуйи бўғини бўлиб, 2-6 кишидан иборат бўлади. Бўлинмалар ўта конспиратив фаолият юритиб, бир гуруҳ аъзоси иккинчи гуруҳдагиларни танимайди. Гуруҳ ичида ҳам аъзолар бир-бирларини ўзига хос кодлаштирилган лақаблар билангина танийдилар. Масалан, «А» гуруҳининг барча аъзоларининг лақаби мазкур ҳарф билан бошланади.

Молиявий манбалари. 2000 йилга қадар Ҳизбуллоҳ, асосан, тадбиркорлар, сиёсатчилар, чет элда ишлайдиганлардан йиғиладиган ихтиёрий-мажбурий йиғим, китоб савдосидан келган маблағлар эвазига фаолият олиб борган. 2004 йилда ташкилот янги тусга киргандан сўнг эса, асосий даромад манбалари китоб, журнал ва газеталар чоп этиш, телевидение ва радио, хайрия фондлари, жамоат ташкилотлари бўлиб қолди.

Ҳаракатга аъзолик. Сиёсий қанотнинг яна бир вазифаси бу, ташкилотга янги аъзоларни жалб қилиш ва унинг ғояларини тарғиб қилишдан иборат. Унинг раҳбари шўро аъзоси ҳисобланади. Қанотнинг масъул шахслари жамоатчилик билан алоқалар ва тарғибот ишларини ташкил этади ҳамда назорат қилиб боради. Маълумотларга кўра, 2000 йилга қадар ташкилотнинг 25 минг тарафдори ва 4 минг кишилик қуролланган гуруҳи бўлган. Туркия оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарга кўра, бугунги кунда «Ҳизбуллоҳ»га аъзо ва унга хайрихоҳ бўлганлар сони 200-300 минг атрофида экани айtilган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Ўзининг 2000 йилга қадар давом этган қонли тарихи мобайнидаги террорчилик фаолияти асосан, ўз ичидаги ва ўзига эргашишни истамаган фуқароларга қарши қаратилган. Манбаларда «Ҳизбуллоҳ»нинг мазкур амалиёти қурбонлари сони 1500 га етгани қайд этилади. Жумладан улар қаторига, 60 та тадбиркор, 21 та имом-хатиб, 100 та мензилчи, 500 га яқин «Курд ишчи партияси» вакилларини киритиш мумкин. Шунингдек, «Ҳизбуллоҳ»нинг потенциал қурбонлари сирасига европача кийинадиган аёллар, дунёвий олий таълим муассасаларига фарзандини берадиган оилалар ҳам кирган.

1997 йили Константинополь экуменик патриархатига уюштирилган граната ҳужуми, 2000 йили Диёрбакир шаҳри полицияси бошлиғи Ғаффор Оккан ва унинг 5 нафар

ҳамкасбининг ўлдирилиши ҳам «Ҳизбуллоҳ» ташкилоти томонидан амалга оширилгани қайд этилади. Уларнинг бу каби террористик амалиётлари одамлар орасида даҳшат уйғотган ва халқ гуруҳни «Ҳизбул-вахшет» (Қотиллар партияси) деб атаган.

Ҳаракатга муносабат. «Ҳизбуллоҳ» ташкилоти этнолокал кўринишга эга бўлиб, Туркияда бирор жиддий натижага эришиши амри маҳолдир. Бунинг сабаблари сифатида бир неча омилларни келтириш мумкин:

биринчидан, «Ҳизбуллоҳ» муайян мафкуравий, ақидавий базага эга эмас. У «ислом давлати» қуришни даъво қилувчи бошқа юзлаб гуруҳлардан фарқ қилмайди;

иккинчидан, ташкилот етарли ижтимоий асосга ёки негизга эга эмас ва ўзининг қонли ўтмиши сабабидан бундай асосни қура олмайди;

учинчидан, «Ҳизбуллоҳ» фақат шаҳардаги курдлар орасидагина фаолият юритмоқда. Курдларда эса, урбанизация жуда кам бўлиб, асосан, тоғли қишлоқларда истиқомат қилишади;

тўртинчидан, «Ҳизбуллоҳ» ташкилоти «Курд ишчи партияси»да бўлганидек хорижий мамлакатлар дастагига эга эмас, шу сабабли Туркия уни хоҳлаган пайтида йўқ қилиб юбориши мумкин.

Ташкилот минтақадаги, дунёдаги хавфсизликка жиддий раҳна солиш қудратига эга бўлмаса-да, унинг фаолиятини доимий кузатиб бориш талаб этилади. Шу сабабли, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича «Хьюман райтс вотч» (Human Rights Watch) ва бошқа бир қатор ташкилотлар Туркия ҳукуматини «Ҳизбуллоҳ» фаолиятига бефарқлик билан қараётгани борасида танқид қилган.

ЛАШКАРИ ТОЙБА

Ташкилот номи. «Лашкари тойба» (Тақводорлар армияси) 2002 йилдан «Лашкари тойба»нинг фаолиятига тақик қўйилгач, ўз номини «Жамоати даъва»га ўзгартирган ва асосий фаолиятини хайр-эҳсон ишларига қаратган.

Асос солиниши ва юзага келиш тарихи. 1987 йили Ҳофиз Муҳаммад Саид томонидан Афғонистоннинг Кунар вилоятида асос солинган. 2001 йилгача ташкилотнинг штаб квартираси Покистоннинг Лаҳор вилоятида, АҚШда содир этилган 2001 йил сентябрь воқеаларидан кейин Музаффарободга кўчирилган. Айрим манбаларда, «Лашкари тойба» Покистон махсус хизматлари билан алоқадор экани қайд этилади. Уларнинг фикрича, ўтган асрнинг 80-йилларида Афғонистондаги совет армиясига қарши курашиш учун Покистон махсус хизмати томонидан бу ташкилотга асос солинган.

Ташкилотнинг бош мақсади. Кашмир ўлкасини Ҳиндистондан ажратиб олиш. Шунингдек, Жанубий Осиё, Россия ва Хитойнинг бир қисмини ўз ичига олган ҳудудда «ислом халифалиги»ни қуриш. Бундан ташқари, Покистон атрофида жойлашган мусулмон ўлкаларини бирлаштириш.

Структураси. Ташкилот асосчиси Ҳофиз Муҳаммад Саид ҳозирда «Лашкари тойба»нинг сиёсий қаноти бўлмиш «Жамоати даъва»га раҳбарлик қилади. У Лаҳорнинг Технология университетида ислом асослари фани ўқитувчиси бўлган. Ҳофиз Муҳаммад ўтган асрнинг 80-йиллари бошларида Саудия Арабистонида таълим олган. Ўша йиллари у Афғонистонда собиқ совет қўшинларига қарши курашни молиялаштириб турган шахслар билан яқин алоқа ўрнатган.

Молиявий манбалари. Маълумотларга кўра, «Лашкари тойба» ташкилоти 1989 йили ташкил топган «ад-Даъва ал-иршод» маркази базасида шаклланган бўлиб, у «ал-Қоида»нинг собиқ раҳбари Усома бин Лодин томонидан молиялаштирилган. Шунинг учун ҳам «ад-Даъват ал-Иршод» маркази «ал-Қоида»нинг Покистондаги шахобчаси деб юритилган. Покистонда 1992 йили «ал-Қоида» кўмагида 190 дан ортиқ турли диний иншоотлар қурилиб, Марказ ихтиёрига топширилган. «Лашкари тойба» мужоҳидлари бир-бирини кунялар билан номлайдилар, жумладан Усома бин Лодинни шайх Абу Абдулла деб атаганлар.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Лашкари тойба» 1993 йилдан бўён ҳарбийлар ва тинч аҳолига нисбатан бир қатор терактларни амалга оширган. Жумладан, 2001 йил декабрь ойида Ҳиндистон парламентида ҳужум, 2005 йил октябрь ойида Нью-Дехли, декабрда эса Бангалордаги теракт, 2006 йил июль ойида Мумбайда бир неча йўловчи поездларга ҳужум уюштирилган. 2008 йил ноябрь ойида Мумбайда жамоа томонидан содир этилган терактлар натижасида 195 киши вафот этган, юзлаб инсонлар турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳиндистоннинг иқтисодий пойтахти бўлмиш Мумбай шаҳридаги терактда террорчилар 9 та объектга ҳужум қилган. «Тож Маҳал палас», «Оберой Трандент» меҳмонхоналари, Кама госпитали, Нариман хаус, Леопольд кафеси, Метро-синема, Шимолий Хавьерадаги коллеж шулар жумласига киради.

Ҳаракатга муносабат. «Лашкари тойба» Жанубий Осиёдаги энг катта ва энг фаол террористик ташкилот саналади. 2001 йил декабрь ойида «Лашкари тойба» АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган. Ҳозирда унинг фаолияти Ҳиндистон, Буюк Британия ва Европа иттифоқи давлатлари, Россия ҳамда Австра-

лияда ҳам тақиқланган. 2008 йил Мумбайда содир этилган терактда алоқадорлиги аниқлангач, «Жамоати даъва»нинг фаолияти ҳам тақиқланди.

АБУ САЙЙАФ

Ташкилот номи. «Абу Саййаф», баъзи манбаларда «ал-Ҳаракат ал-исламия» (Ислом ҳаракати) деб ҳам номланади. «Ал-Қоида»нинг Филиппиндаги радикал, сепаратив гуруҳи ҳисобланади.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Гуруҳ 1991 йилда Моро миллий озодлик фронтининг парчаланиб кетиши натижасида «Абу Саййаф» Абдурозиқ Абубакр Жанжалоний томонидан ташкил этилган. Ҳаракат асосчиси ва бош раҳнамоси Абубакр Жанжалоний 1998 йилнинг 18 декабрида Филиппин полицияси томонидан ўлдирилган. Абубакр Жанжалонийдан кейин гуруҳга турли йилларда Қазофий Жанжалоний, Амилхуссейн Жумайний, Вахҳоб Акбарлар раҳбарлик қилган. «Абу Саййаф»нинг илк тузилмалари 1972 йилда таблиғчилар жамоаси асосида ташкил топган. «Абу Саййаф» асосан, Филиппин жанубида фаолият юритувчи радикал ҳаракат ҳисобланади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Филиппин жанубида жиҳодий ҳаракатларни амалга ошириш орқали мустақил «ислом давлати»ни ташкил этиш.

Фаолият услублари. Асосан, қўпоровчилик, одам ўлдириш, гаровга олиш учун одам ўғирлаш, тадбиркорларни тунаш, христиан жамоалари вакиллари (биринчи навбатда руҳонийлар)га қарши шахсий ва оммавий террор услублари орқали фаолият олиб борган.

Структураси. Гуруҳ куйидаги таркибдан иборат: бош штаб ва унинг таркибига кирувчи оператив, разведка, кадрлар билан ишлаш, кўмак берувчи, ички таъминот ҳамда мо-

лия бўлимлари. Гуруҳнинг икки таркибий қисми мавжуд: «Басилан» (юқори даражадаги диний мутаассиблик билан характерли) ва «Сулу» (сезиларли даражада жиноят соҳасига аралашгани билан характерли).

Молиявий манбалари. Гуруҳ Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёда фаолият олиб борган норасмий диний-сиёсий ташкилотлардан ёрдам олиб туради. Гуруҳнинг баъзи аъзолари Яқин Шарқда таҳсил олган ёки у ердаги экстремистик ҳаракатлар таркибида иштирок этган. Гуруҳнинг молиявий манбалари, асосан, босқинчилик, одамларни гаровга олиш орқали пул ундириш, гиёҳванд моддалар сотишни ташкил этади.

Минтақадаги фаолияти. Гуруҳ Филиппин ҳудудига тегишли ҳисобланади, бош қароргоҳи Филиппин жанубидаги мусулмонлар оролчаси ҳисобланган Минданао оролида жойлашган. Гуруҳнинг ҳаракат доираси Жанубий Филиппин. Гуруҳнинг ички алоқалари – Моро озодлик ислом fronti, Моро озодлик миллий fronti радикал қаноти (ушбу икки гуруҳ ҳарбий тайёргарлик кўришга ёрдам беради) ҳамда Филиппиннинг янги халқ армияси.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Гуруҳ томонидан 1991 йилдан бошлаб то ҳозирги кунгача қуйидаги қатор террорчилик ишлари амалга оширилган. 1991 йилнинг август ойида Замбоганган шаҳри портида христианлар томонидан ижарага олинган кема портлатилган. 1993 йилда Манила шаҳридаги темирйўл вокзалида портлаш содир бўлган. 1994 йилнинг январь ойида Манила шаҳрида Рим Папасига нисбатан суиқасд ташкил этишга ҳаракат қилинган. 1994 йилнинг декабрь ойида Манила-Токио йўналишидаги «Бонинг-747» самолётини портлатишга ҳаракат қилинган. 1995 йилнинг апрель ойида 200 дан ортиқ жангари Ипил шаҳрига ҳужум уюштириши натижасида 62 киши ҳаётдан кўз юмган ҳамда 53 киши жароҳатланган. 2000 йилнинг март ойида Ба-

силан оролида католик мактабининг бир қатор ўқитувчилари ва 53 та ўқувчи гаровга олинган. 2004 йил 27 февралда ер ости туннелини портлатиши натижасида 116 киши вафот этган. 2007 йил июль ойида жамоа аъзолари Басилан ярим оролида Филиппин армияси билан тўқнаш келган. Натижада 14 киши вафот этган. 2008 йил февраль ойида гуруҳ томонидан Манилага кетаётган кема портлатиб юборилиши натижасида 100 киши ҳаётдан қўз юмган. 2009 йил январь ойида гуруҳ аъзолари «Қизил ярим ой» халқаро жамиятининг уч аъзосини асир олиб, олти ой қамалда ушлаб турган.

Ҳаракатга муносабат. «Абу Саййаф» ташкилоти АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган. Асосан, Филиппин ҳудудига тегишли ҳаракат ҳисобланса-да, лекин бошқа йирик диний-экстремистик оқимлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боради.

ТОЛИБОН

Ташкилот номи. «Толибон» ҳаракатнинг номи араб тилидаги «толиб» сўзидан олинган бўлиб, «ўқувчи», «талаба» ёки «талаб қилувчи» маъноларини билдиради. «Толибон» эса форс-тожик тилида «толиб» сўзининг кўплик шаклидир. Бу сўз аслида диний таълим муассасаси (мадраса)нинг ўқувчиларига нисбатан ишлатилади. Ҳаракат асосини 1979-1989 йилларда Афғонистонда бўлиб ўтган жангларда етим қолган болаларга диний таълим бериш учун Покистон ҳудудида ташкил этилган мадрасанинг собиқ ўқувчилари (толиблари) ташкил этгани учун шундай ном олган.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Толибон» ҳаракати 1994 йилда Афғонистоннинг жанубий-шарқда жойлашган Қандаҳор шаҳрида Мулла Муҳаммад Умар (асли исми Саид Муҳаммад Охунзода) томонидан мамлакатда узоқ йиллар

давом этган фуқаролар уруши натижасида асос солинган. 1996 йил 26 сентябрда «Толибон» ҳаракати пойтахт Қобулни эгаллади ва «Афғонистон ислом амирлиги» ташкил этилганини эълон қилди.

Ташкилотнинг бош мақсади. «Толибон» ҳаракати Афғонистон ва Покистон ҳудудларида «жиход» йўли билан «ислом халифалиги»ни тиклашни асосий мақсад қилган.

Ташкилот ғоялари. «Толибон» назорати остида бўлган ҳудудларда шариат қоидаларига амал қилиш қаттиқ талаб қилинади.

Фаолият услублари. 1996-2001 йиллар мобайнида Муҳаммад Умар афғон «толиблари» томонидан ташкил этилган «Афғонистон ислом амирлиги»га бошчилик қилди. АҚШдаги 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, «Афғонистон ислом амирлиги»га қарши АҚШ ва НАТО бошчилигида аксилтеррор операциялар бошланди ва «Шимолий Альянс»нинг кўмаги билан мавжуд тузум ағдарилди. Оқибатда Муҳаммад Умар бошчилигидаги «Толибон»лар Покистон ҳудудига яширинишга мажбур бўлди. Уларнинг кейинги фаолияти асосан қўшни Покистоннинг Вазиристон вилоятида давом этди. Шундан бери Вазиристон «Толибон»ларнинг таянч нуқтаси бўлиб келмоқда.

1998 йили улар томонидан тузилган махсус «шариат миришаблари» жамоаси намоз ўқимаган ва ҳатто соқолини тартибга солиб юрган фуқароларни жазолаш билан шуғулланган эди. «Толибон»лар, шунингдек телевизор, видеомагнитофон, фотоаппаратдан фойдаланишни тақиқлаб, теле ва радиостудияларни ёпиб қўйган.

Структураси. Мулла Муҳаммад Умар ўзининг раҳбарлигини пуштун қабиласидан бўлган ўнта маслаҳатчига таянган ҳолда олиб боради. Шу билан бирга ҳаракат ўзининг «Раҳбарлик кенгаши»га эга бўлиб, у 28-30 кишидан иборат.

Молиявий манбалари. Ҳозирги кунда бутун ер шарида етиштирилаётган гиёҳванд воситаларнинг асосий қисми Афғонистонга тўғри келмоқда. Афғонистонда йилига 200 минг гектарга яқин майдонга кўкнори экилиб, 800 тоннага яқин героин бутун дунёга тарқатилмоқда. «Толибон» ҳаракати жаҳонда ишлаб чиқариладиган афюннинг 80 фоизини ўз назорат остига олган бўлиб, ундан ҳаракат раҳбарлари жуда катта даромад кўрмоқда.

Ҳаракатга аззолик. Бугунги кунда штаб квартираси Покистоннинг Қветта шаҳрида жойлашган «Толибон» ҳаракати таркибига 6 мингдан 20 минггача жангари киради. Покистоннинг Жанубий Вазиристон ва Шимоли Ғарбий чегара округларида мустаҳкам ўрнашиб олган ушбу ҳаракатга мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган 2 миллионга яқин афғон қочоқлари жангариларни етказиб берувчи манба ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ҳудудда турли мамлакатлардан тўпланган 2 мингга яқин террорчилар жойлашиб олганини ҳам қайд этиш зарур.

Минтақадаги фаолияти. «Толибон» ҳаракати Афғонистоннинг барча ҳудудларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун 1999 йили Шимолий Афғонистондаги ўзини ўзи бошқариб турган маҳаллий халқлар ҳудудларига бостириб кирди ва уларга қарши оммавий террор ҳаракатларини амалга оширди. Шу даврда уларнинг Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонга қарши хуруж қилиш хавфи пайдо бўлган эди. Бу диний мутаассиблик глобал хавфга айланганини, у халқаро террорчилик фаолияти кучайишига олиб келиши мумкинлиги ва унга қарши жаҳон ҳамжамияти тезкорлик билан курашиши лозимлигини яна бир бор тасдиқлади. «Ал-Қоида» ташкилоти 2001 йил 11 сентябрда АҚШда уюштирган террорчилик ҳаракатларидан сўнг ушбу ташкилотнинг ҳамкори бўлган «Толибон» ҳаракатининг ҳам глобал хавф экани тан олинди ва унга қарши аксилтеррор кураши бошланди.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Толибон» ҳаракати ўз фаолияти давомида ёшлар ва аёлларнинг илм олишига қарши қаттиқ кураш олиб боради. Шу сабабли ҳам уларнинг босқинчилик объектлари мактаблардан иборат бўлган. Афғонистон таълим вазирлигининг маълумотларига кўра, «Толибон»лар биргица 2007 йилда мамлакатда 98 мактабни ёқиб юбориб жами 147 ўқитувчи ва ўқувчи ҳаётига зомин бўлганлар.

2007 йилда «Толибон» ҳаракати Покистонда қизлар ўқийдиган 125 мактабни ёқиб юборганлар. 2008 йил 12 ноябрь куни Қандоҳорда дарсга бораётгани учун 15 нафар ўқувчи ва ўқитувчи устига кислота сепиб юборганлар. «Толибон»лар 2009 йилда Покистоннинг Сват водийсининг ўзида 200 дан зиёд мактабни ҳам ёқиб юборганлар. Шунингдек, 2010 йилнинг март-май ойларида Афғонистонда 5 та мактабда ўнлаб ўқувчи ва ўқитувчиларга заҳарловчи газ билан ҳужум уюштирди. Оқибатда юз минглаб ўқувчи болалар мактабга боришга қўрқиб, ўқишга бормаи қўйган.

«Толибон»лар 2009 йил 28 октябрда Қобулдаги меҳмонхоналардан бирига ҳужум уюштирди. Оқибатда БМТнинг 6 нафар ходими вафот этган ва 9 нафар киши жароҳат олган. Террорчи-худкушнинг 2009 йил 28 декабрь куни Карачи шаҳри марказий кўчаларидан бирида «Ашуро» мотам маросимини ўтказаетган минглаб шиа мазҳаби вакиллари орасида ўзини портлатиши натижасида 43 киши вафот этди ва 60 дан ортиқ шахс жароҳатланди. Ушбу терактни амалга оширилишини Покистон «Толиблари» ўз бўйнига олди.

Покистоннинг Кветта шаҳрида 2010 йил 3 сентябрда «Фаластинликларни қўллаб-қувватлаш халқаро куни» доирасида ўтказилаётган митингга портлаш амалга оширилди. Натижада 54 киши ҳалок бўлди ва 200га яқин киши жароҳат олди.

Покистоннинг Доро Одамхил шаҳрида 2010 йил 5 ноябрда террорчи-худкуш масжидда жума намози вақтида ўзини-ўзи портлатиши оқибатида 50 киши вафот этди, юздан ортиқ инсонлар турли даражада жароҳатланди. Ушбу қўпурувчилик ҳаракатининг амалга оширилишини Покистон толибларига алоқадор бўлган гуруҳ ўз зиммасига олди.

2010 йил 11 ноябрда Покистоннинг Карачи шаҳри полицияси биноси олдида мина ўрнатилган юк машинаси портлатилди. У ерда 20 киши ҳалок бўлди ва 100 дан зиёд инсон жароҳат олди.

2011 йил 31 октябрда Афғонистоннинг Қандаҳор шаҳрида террорчи-худкуш ўзини портлатиши натижасида БМТнинг 3 вакили ҳамда маҳаллий полиция бошлиғи ва бир неча киши вафот этди.

2012 йил 4 сентябрда Афғонистоннинг Нангархар вилоятида жаноза вақтида террорчи-худкуш амалга оширган портлаш натижасида 20 киши ҳалок бўлиб, 50 дан ортиқ киши тан жароҳати олди.

2014 йил 17 январь куни Афғонистоннинг Қобул шаҳрида ресторан ёнида террорчи-худкуш ўзини портлатиб юборади. Жами 21 киши (шундан 4 таси БМТ вакили) вафот этди.

Ҳаракатга муносабат. Россия Федерацияси Олий суди 2006 йилда «Толибон» ҳаракатини «террорчи ташкилот» деб эълон қилди. АҚШ ҳукумати 2002 йилдан бошлаб, «Толибон» ҳаракатини «террорчи ташкилот» деб тасдиқлаш масаласини бир неча бор қўтарган бўлса-да, фақатгина 2009 йилнинг апрелида АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилди. «Ал-Қоида» ва «Туркистон ислом ҳаракати» «Толибон»ларнинг энг яқин иттифоқдошлари ҳисобланади.

ТУРКИСТОН ИСЛОМ ҲАРАКАТИ

Ташкилот номи. «Туркистон ислом ҳаракати» диний-экстремистик ва террорчи ташкилот. Ушбу ташкилот 1996 йилда «Ўзбекистон ислом ҳаракати» номи остида ташкил этилган. Маълумотларга кўра, 2001-2002 йиллар атрофида жамоа ўз номини «Туркистон ислом ҳаракати» деб ўзгартирган, бироқ амалда ташкилотнинг эски номи қолган.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Унинг асосчилари Тоҳир Йўлдошев ва Жума Ҳожиев бўлиб, ҳаракат таркибига 1992-93 йилларда Ўзбекистонда фаолияти тақиқланган «Адолат уюшмаси» (Наманган), «Ислом уйғониш партияси» (1990 йил Астраханда асос солиниб, 1991 йил январидан Ўзбекистонда фаолиятини бошлаган), «Одамийлик ва инсонларварлик» (Кўкон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманган) каби диний-экстремистик гуруҳларнинг собиқ аъзолари кирган.

1993 йили Ўзбекистондан қочган Тоҳир Йўлдош 1996 йили «Ўзбекистон ислом ҳаракати»ни тузди. 1999 йилда Тожикистоннинг Жирғатол туманида қўним топади ва ўша ердан Қирғизистоннинг Боткент вилоятига хужум уюштиради.

2001 йил октябрда Кундузда (Афғонистон) аксилтеррор операцияси жараёнларида халқаро кучларга қарши курашда иштирок этган «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг ҳарбий етакчиси Жума Намангоний бомбардимон вақтида ўлдирилади. Шундан сўнг, Тоҳир Йўлдош бошчилигидаги ҳаракат аъзолари Афғонистонни тарк этишга мажбур бўлади ва Покистон худудига, асосан, шимолий ва жанубий Вазиристонга келиб жойлашади. У ерда «Толибон» ҳаракати билан бирга Покистон армиясига қарши кураш олиб боради. 2009 йил август ойида Вазиристонда авиа хужум натижасида Тоҳир

Йўлдош қағтиқ жароҳат олиб вафот этади. Тохир Йўлдош вафотидан сўнг, жамоани унинг кўёви Усмон Одил бошқаради. 2012 йил апрель ойида Покистон ҳудудида учувчисиз самолёт зарбаси натижасида Усмон Одил ҳам вафот этади ва ундан кейин ҳаракатга Усмон Ғозий етакчилик қилади.

Ташкилотнинг асосий мақсади. Марказий Осиё ҳудудида «Буюк ислом халифалиги»ни тиклаш, унда мусулмонлар яшайдиган Кавказ ва Россия Федерациясининг Волгабўйи республикаларини қамраб олиш.

Ташкилот ғоялари. «Туркистон ислом ҳаракати»нинг ҳар қандай янгиликни, қабрларни зиёрат қилиш, дунёдан ўтганлар руҳига бағишлаб Қуръон тиловат қилиш, қабр устига белги-қабртош қўйиш, мусиқа, театр, тасвирий санъатни «бидъат» санаши, туғилган кун нишонлашни кечирилмас гуноҳ, деб ҳисоблаши уларнинг ғоялари асл ислом аҳкомлари ва ҳанафийлик таълимотига бутунлай зид эканини кўрсатади.

Ҳаолият услублари 1996 йилда ҳаракат мустақил ташкилот сифатида шакллангач, унинг раҳбари Тохир Йўлдошев (Амир Муҳаммад Тохир Форук), ҳарбий қанот раҳбари Жумабой Ҳожиев (Жума Намангоний, Фотих) ва матбуот-марказ бошлиғи ҳамда Тохир Йўлдошнинг ўринбосари Зубайр ибн Абдурахмон (Абдуррахим) бўлган. 2002 йилгача «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг штаб-квартираси «Толибон» ҳаракатининг марказларидан бири Қандаҳорда жойлашган эди. Ушбу даврда ҳаракат раҳбарияти махсус уламолар кенгаши тузган ҳолда «жиход», «хижрат» ва бошқа масалалар юзасидан шаръий фатволар тайёрлаш, ташкилотнинг босма нашрлари, аудио ва видеоматериалларини кенг кўламда нашр этиш ва Марказий Осиё республикаларида тарқатишга урғу берган. Шунингдек, ҳаракат аъзоларининг бир қисми «ал-Қоида» ташкилотининг Кавказдаги вакили Умар Хаттоб қўли остидаги «Кавказ ислом институти» лагерларида тайёргарликдан ўтган.

Шунинг билан бирга, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари Мозори-Шариф, Қундуз, Қобул атрофи (Афғонистон), Пешавор, Панжоб, Лаҳор (Покистон)да жойлашган махсус лагерларда хорижий йўриқчилар қўлида тайёргарликдан ўтган. Тайёр бўлган жангарилар сараланиб, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатлар орқали ўтган махфий йўллар орқали Марказий Осиёга республикаларига юборилган.

Ҳозирги кунда «Туркистон ислом ҳаракати» «Покистон толибон ҳаракати» билан бирга ҳукумат ва ҳарбий кучларига қарши «Вазиристон урушлари» (жангариларнинг талқинида – «Вана ғазоти») номи остида танилган қуролли тўқнашувлар ҳамда Афғонистон ҳудудидаги террористик ҳаракатларда иштирок этмоқда. Шу билан бирга, ҳаракат жангарилари Афғонистоннинг шимолий ҳудудларига ўрнашиб олиб, Марказий Осиё республикаларидаги қўпоровчилик ҳаракатларини фаоллаштиришга ўз «ҳисса»ларини қўшмоқдалар. Ташкилот ўз фаолиятида партизан уруши олиб бориш, ҳукумат ва ҳарбий объектларни ўққа тутиш, йўлларни миналаштириш, шунингдек худкуш террорчилик каби усуллардан кенг фойдаланади. Бунда улар кўпроқ хорижий мамлакатлардаги Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистондан келган меҳнат мигрантлари орасида ёллаш ишлари ўтказиш, иккинчи босқичда янги аъзолар имкониятлари орқали бевоҳита Ўзбекистонда яшаётган шахсларни ўз сафларига жалб этишга катта эътибор қаратади.

2014 йил 26 сентябрь куни «Туркистон ислом ҳаракати» раҳбари Усмон Ғозий томонидан эълон қилинган баёнотида «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг халифалик эълон қилингани ҳақидаги хабари «Туркистон ислом ҳаракати» томонидан қўллаб-қувватлангани ва у билан бир сафда экани маълум қилинди.

Сўнги йилларда «Туркистон ислом ҳаракати» талафотлар, структуравий ўзгаришлар, раҳбар аъзолар орасидаги йўқотишларга дуч келди. Ҳозирда ғоявий тарғибот кучайтирилиб, босма ва электрон нашрлар тарқатилишига катта аҳамият берилмоқда.

Структураси. Ташкилот 5-7 кишидан иборат («жамоат» деб аталмиш) кичик ячейкалардан тузилган бўлиб, «жамоат» аъзолари фаол жисмоний тайёргарлик билан шуғулланиб, қўпоровчилик ишларини амалга оширишга ўргатиб борилган.

Молиявий манбалари. Ташкилотнинг молиявий манбалари «ал-Қоида» ва «Толибон» ҳаракати раҳбарияти томонидан ҳамда Покистон, Туркия ва Форс кўрфази мамлакатларида жойлашган айрим нодавлат исломий жамғармалари томонидан ажратиладиган ҳомийлик ёрдами, ундан ташқари, босқинчилик, зўравонлик ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосидан иборат. Хусусан, «Туркистон ислом ҳаракати» гиёҳванд моддаларни Афғонистоннинг шимолий ҳудудларидан Марказий Осиё орқали Россия ва Европага етказишда фаол иштирок этади.

Минтақадаги фаолияти. Ташкилот раҳбарлари томонидан Марказий Осиё давлатларига қарши қуролли «жиход» эълон қилинган бўлиб, гуруҳ жангарилари 2000 йилдан буён минтақадаги Ўзбекистонга қўшни республикалар ҳудудида қатор террорчилик ҳаракатлари содир этган.

Ўзбекистонда ҳаракат фаолияти таъқиб остига олингач, унинг аъзолари қўшни Тожикистон ва Афғонистонга қочиб кетган. Уларнинг аксарияти Тожикистонда «Бирлашган тожик муҳолифати» томонида туриб фуқаролик урушида қатнашган. Бироқ Тожикистон ҳукумати ва муҳолифат ўртасида ўрнатилган сулҳ шартнома шартларидан қониқмаган ҳаракат аъзолари 1999 йилнинг август ойида шимолий Тожикистон ва жанубий Қирғизистон ҳудудларига бостириб кирган.

2002 йил декабрь ойида Қирғизистоннинг Бишкек шаҳрида, 2003 йил май ойида Ўшда бир қатор терактларни амалга оширишган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. 1997-2001 йиллар мобайнида Ўзбекистон хавфсизлигига бевосита таҳдид солган. Жумладан, 1999 йил 16 февраль куни «Ўзбекистон ислом ҳаракати» томонидан Тошкент шаҳрида портловчи модда юкланган бир неча енгил автомашиналарни портлатиш усули билан террористик ҳаракат содир этилди. Оқибатда 13 нафар бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди, кўплаб фуқаролар турли даражадаги тан жароҳати олдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг саъйи-ҳаракати билан қисқа фурсат ичида террорчилик ҳаракатларини режалаштириш ва ижро этишда иштирок этган 20 нафардан зиёд жангарилар қўлга олиниб, 1999 йил июнь ойида суд ҳукми билан қонуний жазоландилар.

1999 йилнинг 31 март куни эса бир гуруҳ террорчилар Хоразм вилоятида йўловчилари бор автобусни гаровга олган. Гаровдагиларни озод этиш вақтида махсус бўлинма ходимларнинг уч нафари ҳалок бўлган.

1999 йилнинг август ойида «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг жангарилари Тожикистоннинг шимолий чегараларидан ўтиб, Қирғизистоннинг Ўш вилояти Боткент, Қадамжо, Чўн-Олай туманлари ҳудудига бостириб кирган. Ҳукумат қўшинлари томонидан жангарилар октябрь ойида мамлакатдан сиқиб чиқарилган.

1999 йилнинг ноябрь ойида Тошкент вилоятининг Янгиобод шаҳарчаси атрофидаги тоғли ҳудудда «Ўзбекистон ислом ҳаракати»нинг 15 кишилиқ гуруҳи республика ҳудудига киришга ҳаракат қилган. Жангарилар қўриқхонада уларга тасодифан дуч келиб қолган тўрт нафар ўрмончини ваҳшийларча отиб ўлдирган. Махсус тадбир давомида террорчиларнинг барчаси йўқ қилинган.

2000 йилнинг август ойида «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангариларининг яхши қуролланган катта гуруҳи Тожикистон орқали Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё ва Узун туманларининг тоғли ҳудудларига бостириб кирган. Бир вақтнинг ўзида жангариларнинг бошқа йирик гуруҳи Тожикистоннинг Ворух анклави орқали Қирғизистоннинг Боткент вилоятининг баланд тоғли ҳудудда жойлашган Лайлак туманига кириб келган. Ўзбекистон ва Қирғизистон қуролли кучлари томонидан ўтказилган махсус операциялар давомида босқинчи террорчи гуруҳлар йўқ қилинган.

2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг 7 октябрда Афғонистонда АҚШнинг «Енгилмас эркинлик» номи ҳарбий операцияси бошланган. Кейинчалик мамлакатга тинчликка кўмаклашувчи халқаро кучлар – ISAF (International Security Assistance Force, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 20.12.2001 йилдаги 1386-сонли қарори асосида фаолият бошлаган) киритилгандан сўнг, «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жангарилари «Толибон» ҳаракати билан биргаликда халқаро кучларга қарши шимолий ҳудудда қуролли ҳаракат олиб борган. Шунингдек, гуруҳ жангарилари 2004 йили Тошкент ва Бухорода, 2005 йили Андижонда, 2006 йил кўшни Қирғизистон ва Тожикистонда террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган.

Ҳаракатга муносабат. Бугунги кунда «Туркистон ислом ҳаракати» Марказий Осиё республикалари, хусусан, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган жиноий фаолиятини давом эттиришга ҳаракат қилиб келмоқда. АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган.

АҚРОМИЙЛАР

Ташиқлот номи. «Ақромийлар» ҳаракати асосчисининг номидан келиб чиққан. Шунингдек, «Ақромийлар» ҳаракати «имончилар», «биродарлар», «халифачилар» деб ҳам аталган.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Ҳаракат асосчиси Ақром Йўлдошев (1963-2009) «жиходчилар»нинг Андижондаги ғоявий раҳнамоси Абдували Мирзаев шогирдларидан бўлиб, 1990-йилларда «Ҳизбут-тахрир»нинг мамлакатимиздаги биринчи амири Абдурашид Қосимовдан сабоқ олган. Шу тариқа Ақром Йўлдошев ҳизб аъзосига айланган. У «Ҳизбут-тахрир» аъзолигидан то унинг сафидан чиққунга қадар ҳаракат таълимотига мослаша олмаган. Бунинг натижасида Ақром Йўлдошев ҳизбчилар билан келишса олмай, ажралиб чиққан. 1996 йилда Андижонда «Ақромийлар» ҳаракатига асос солган.

Ташиқлотнинг бош мақсади. Исломиёй бошқарув шаклидаги давлатни барпо этиш учун босқичма-босқич ҳаракат қилиш, аввал Фарғона водийсида халифалик тузуми ўрнатиш ва кейинчалик уни минтақанинг бошқа ҳудудларига ёйиш.

Ташиқлот ғоялари. «Ақромийлар» вакиллари ҳозирги мусулмонлар гўёки, куфр давлатида яшаётганини даъво қилиб, уларга намоз ҳам, рўза ҳам, закот ҳам, ҳаж ҳам фарз эмас, деган ғояни илгари сурган. Ислום тарихидан маълумки, Макка даври, яъни Пайғамбар (алайҳис-салом) то Мадинага кўчиб ўтгунга қадар 13 йил давомида кишилар фақат Аллоҳ ва охиратга имон келтиришга даъват қилинганлар. Намоз, рўза, ҳаж, закот каби ибодатлар Мадина даврида фарз бўлгани учун то ислום давлати қурилмагунча мазкур ибодатларни бажариш шарт эмас, деб қарайдилар. Ҳаттоки, улар ўз жамоа аъзоларига «жоҳилият» даврида яшаётгани учун маст қилувчи ичимликларни ичиш ва чекишга руҳсат берган.

Шундан келиб чиқиб, ҳаракатнинг ғоявий дастури ҳисобланган «Имонга йўл» асарида Қуръони карим 23 йил давомида нозил бўлгани, муслмонларнинг исломни аста-секин ўргангани, шу боис бугунги кунда ҳам жамият Қуръондаги ҳукмларни чиқаришда тадрижий йўлни босиб ўтиши лозимлиги қайд қилинган. Лекин ислом уламолари бу борада аниқ мисоллар келтириб, ҳар қандай давлат ва ҳукумат қўл остида бўлишдан қатъи назар шариатнинг инсон шахсининг ўзигагина боғлиқ бўлган кўрсатмалари ҳеч қачон амалда тўхташи мумкин эмаслигини қайд этганлар.

Шу билан бирга, «Акромийлар» ҳозирда мавжуд бирор давлатни «Ислом диёри» деб атаб бўлмаслиги, аксинча барча мамлакатларни «куфр диёри» – «дорул-харб», яъни «уруш майдони» деб эълон қилган. Бунинг ечими сифатида эса, ҳаракат ғояларига эргашишни тарғиб қилган.

2005 йил 12-13 май кунлари Андижонда содир этилган террорчилик хуружлари олдидан, «Акромийлар» жамоаси масъуллари томонидан махсус варақа тайёрланиб, барча жамоа аъзолари орасида тарқатилган. Унда ташкилот асосчиси Ақром Йўлдошев томонидан Қуръони каримнинг «Саф» сурасидаги оятлар жамоа манфаатларига мослаб шарҳланиб, ғаразли мақсадларда талқин қилинган. Асосий эътибор мавжуд ҳокимиятга қарши қуролли курашга даъват қилиниб, Ақром Йўлдошев томонидан «... кураша беринглар, сизларга Аллоҳ ёр бўлсин», – деб очик жиҳодга «фатво» берилган.

Ташкилотнинг назарий манбалари. Ақром Йўлдошев «илк диний сабоқлар»ини «Ҳизбут-тахрир» уюшмасида олган боис, ўз шахсий таълимотини яратишда ҳаракатнинг назарий ва амалий фикрларидан йироқлаша олмаган. Шу боис, ташкилотнинг «Ислом низоми», «Иззат ва шараф сари» ва «Халифалик» номли «Ҳизбут-тахрир» адабиётларидан фойдаланган ҳолда ўн икки дарсдан иборат «Имонга йўл» номли

китоб ёзган. Секин-аста ўз атрофига хайрихоҳ бўлган кишиларни йиғиб, мазкур китоб асосида дарслар ташкиллаштирган ва «Ақромийлар» жамоасини шакллантирган.

Фаолият услублари. «Ақромийлар» ҳаракати сиёсий ҳокимиятга эришишнинг 5 та – «сирли», «моддий» («иқтисодий»), «маънавий» («сиёсий»), «узвий майдон» ва «тўнтариш» («охират») босқичига асосланади. Сўнгги икки босқич жамият «исломлаштирилган»дан сўнг амалга оширилиши ва у орқали ҳокимиятни бутунлай эгаллаш режалаштирилган.

«Ақромийлар» ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида, тадбиркорлик билан шуғулланганлар ҳамда янги аъзоларни асосан қариндошлар ҳисобига ўзларининг савдо дўконлари, саргарошхона, новвойхона, дурадгорлик, қандолатчилик, қосибчилик ва мебель ишлаб чиқариш цехларига ишга жалб қилиш орқали кенгайтиришга ҳаракат қилганлар. «Ақромийлар» янги аъзоларга эрта-ю кеч мавжуд тузумнинг камчиликлари, ўзларининг гўёки сиёсатдан йироқ, кичик бўлса-да, ҳақиқий «биродарлар жамоаси» муҳитининг «гўзал» жиҳатларини уқтириб бориш орқали руҳий таъсир ўтказишга ҳаракат қилганлар. Бунда улар ҳокимиятни қўлга олиш билан боғлиқ режаларини жамоанинг асосий қисмидан сир тутганлари ҳамда янги тарафдорлар уларни сиёсатга алоқаси йўқ деб билганлари боис сингдирилаётган фикрларга кўникиб бораверганларини кўрсатади. Бу йўлдаги амалий даъват услуби бошқа мутаассиб кучлар ёндашувидан фарқли бўлиб, оммага мафкуравий тузоқ қўйишга асосланган.

Оқимнинг ғоялари акс этган «Имонга йўл» номли китоб туфайли жамоа аъзолари «имончилар» деб номланган. Аммо оқимнинг айрим аъзолари ўзларига нисбатан «биродарлар» деган мурожаатни афзал билган. Ундан ташқари, ушбу жамоа «Ҳизбут-таҳрир» сингари халифаликни тузиш даъвосини илгари сургани учун «халифачилар» деб ҳам номланган.

Структураси. «Акромийлар» жамоасининг энг юқори бошқарув органи ижодий ҳалқа деб номланиб, у дастлаб бош умум руҳий масъул Ақром Йўлдошевнинг буйруқ ва кўрсатмаларини амалиётга татбиқ этиб, ижросини назорат қилиш билан шуғулланган. Шунингдек, ижодий ҳалқага бўйсунувчи умумруҳий ва умуммоддий масъуллардан иборат аппарат ҳам шакллантирилган. Ушбу умумруҳий масъуллар ўз ҳудудларида қуйи руҳий ва моддий масъулларга ижодий ҳалқа томонидан буюрилган топшириқларни сўзсиз бажарилишини талаб қилган.

Ҳаракатнинг таркибий тузилиши пирамида шаклида бўлиб, дастлабки босқичда ҳар бир «восита»да, ўртача, 4-10 нафаргача ўқувчилар таълим олган. Маълум вақт тайёргарлик даври ўтгач, улар «биродар»лар ҳисобланган. Гуруҳ фаолиятини «руҳий масъул» ва «моддий масъул»лар бошқариб, «руҳий масъул» «биродарлар»нинг диний тайёргарлиги, уларнинг шариат амалларига риоя қилиши ва ўзаро муносабатларини назорат қилган. «Моддий масъуллар» эса «воситалар» фаолиятидаги молия ишлари, маҳсулотлар таъминоти ва уларни сотиш масалаларига жавобгар ҳисобланган. «Восита»даги янги ва оддий аъзолар «итоатчилар» деб номланган. «Итоатчилар» «воситада»ги фаол ҳаракатга қўшилганидан сўнг «пешқадамлар» деб ном олган. Улар «сирли» босқич асосида нафақат фикрий, балки зоҳирий хуфияликка ҳам алоҳида эътибор қаратган. Шунинг учун уларнинг беўхшов соқол қўймагани, ҳатто кунлик беш маҳал намоз, рўза амалларини доимий адо этмагани жамоанинг асл мақсадларини ёрқин намоён этмаган.

Молиявий манбалари. «Акромийлар» ўз даромадларининг 20 фоизини «байтулмол»га бериб келган. Жамоа фаолиятининг асосий ўзаги ҳам ўртадаги маблағларга бевосита боғлиқ бўлган. Ўз навбатида «байтулмол»да тўпланган пуллар ёрдамида воситалар кенгайтирилиб, янада кўпроқ киши-

ларни жалб этиш имконияти пайдо бўлган. Маълумотларга кўра, «Акромийлар»нинг биргина 2004 йилда «байтулмол»га ажратган маблағларининг ҳажми республикаимиз бўйича ҳар ойда ўрта ҳисобда қирқ миллион сўмни ташкил этган. Шунингдек, «Акромийлар»ни молиявий жиҳатдан таъминлаш нафақат республикаимиз ҳудуди, балки чет давлатлардаги «воситалар» ёрдамида ҳам амалга ошириб келинган.

Ҳаракатга аъзолик. Жамоага аъзо бўлиш асосан тадбиркорлик ишлари асосида ташкил этилган хусусий фирма ва корхоналарга янги ишга кирган ходимлардан бошланган. Аксарият ишчи ва ходимлар ўз иш ўринларидан айрилмаслик нуқтаи назаридан жамоа томонидан йўлга қўйилган дарсларда иштирок этишга мажбур бўлган. Муайян муддат давомида дарслардан ғоявий таъсирланган ёшлар жамоанинг аъзолари бўлишга ўз ихтиёрлари билан рози бўлган. Жамиятни «исломийлаштириш» ғояси билан суғорилган жамоа аъзолари алоҳида маҳаллаларга кўчиб ўтиб, ўзаро қудачилик муносабатлари билан ўзига хос «биродарлик» муҳитини яратишга ва шу тарзда мавжуд жамиятга, ҳамда сиёсий тузумга нисбатан норозилик кайфиятини шакллантиришга уринганлар. Шунингдек, «Акромийлар» ёшлар учун спорт ва бошқа турли тўғарақларни ташкиллаштириш орқали уларни ўз сафларига қўшишга ҳам уринган.

Минтақадаги фаолияти. «Акромийлар» фаолияти Ўзбекистоннинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари, Тожикистоннинг Хўжанд вилояти, Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятларида кузатилган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. 2005 йил 12-13 май кунлари Андижон шаҳрида «Акромийлар» оқими мавжуд конституциявий тузумни ағдариш мақсадида кўплаб одамларнинг қурбон бўлишига ҳамда фуқаролар ва давлат мулкига катта зарар етказилишига олиб келган террорчилик ҳаракати содир этган.

Ҳаракатга муносабат. Ҳозирги вақтда Ғарбда «Акротийлар» янги диний-сиёсий гуруҳлар таркибида фаолиятни давом эттирмоқда. Жумладан, оқим тарафдорлари Германиянинг Дюссельдорф шаҳрида 2009 йилнинг май ойида «Андижон – Адолат ва Тикланиш» ташкилоти ташкил қилган. 2011 йилда «Акротийлар» жамоаси ва уларга мойил бўлган «Андижон – Адолат ва Тикланиш», «Таянч» ташкилотлари ва «Эрк» партияси иштирокида «Ўзбекистон халқ ҳаракати» номли уюшма тузилган. Ушбу ҳаракат аъзолари томонидан «озодлик», «эътиқод эркинлиги», «инсон ҳуқуқлари» каби жозибали тушунчалар ишлатилиб, турли йўللار, хусусан, интернет тизими орқали асосан юртимиз ёшларини ўз сафларига қўшишга ҳаракат қилмоқда.

АЛ-ҚОИДА

Ташкилот номи. «Ал-Қоида» – «Бутунжаҳон яҳудий ва христианларга қарши кураш ислом жиҳоди fronti» бир қатор халқаро диний-экстремистик ва террорчи ташкилотлар базасидан иборат. Мазкур ҳаракат асосан «ал-Қоида» деб юритилади. «Ал-Қоида» ташкилотининг бўлинма ва шаҳобчалари кўплаб мамлакатларда ҳозирги кунда ҳам фаолият олиб боради.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Радикал «ислом» ғояларига асосланган ушбу трансмиллий диний-сиёсий гуруҳнинг пайдо бўлишига Усома бин Лодин (1957-2011) раҳбарлигида Афғонистонда собиқ Совет армиясига қарши урушда иштирок этиш учун кўнгиллиларни ёллаш ва уларни қурол-аслаҳа билан таъминлаш мақсадида Покистон ҳудудида тузилган «Мақтаб ал-хидмат» бюроси асос бўлиб хизмат қилган.

Усома бин Лодин «исломий жиҳод» ғоясининг асосчиларидан бири бўлган Абдуллоҳ Аззам (1941-1989) билан танишиб, унинг шоғирди ва ҳаммаслагига айланди. Усома

бин Лодин Абдуллоҳ Аззамнинг ғоявий тарғиботлари асосида 1979 йил Афғонистонга келди ва у ердаги ўзининг жанговар фаолиятини бошлади. 1988 йилга келиб, ўз атрофига «маҳоратли» жангариларни тўплаган Усома бин Лодин, шу давргача мавжуд бўлган ислом ниқобидаги террорчи ташкилотларнинг таянч базасини яратиш мақсадида «Ал-Қоида» ташкилотини тузди.

1996 йилда «ал-Қоида»нинг асосий жанговар кучлари Афғонистоннинг «Толибон» ҳаракати назоратидаги ҳудудларга кўчиб ўтди. Айнан шу ерда, 1998 йилнинг февралда «ал-Қоида» етакчилигида «ал-Жамоа ал-исломия», «ал-Жиход» (Миср), «Жамаати уламе Покистон» («Покистон уламолари уюшмаси»), «Кашмир қўзғолончилари ҳаракати» (Ҳиндистон), «Жиход» (Бангладеш) ва «Толибон» ҳаракати вакиллари «Бутунжаҳон яҳудий ва христианларга қарши кураш ислом жиҳоди fronti» («Яҳудий ва салбчиларга қарши халқаро ислом fronti») уюшмаси тузилгани эълон қилинди. Ушбу уюшма номидан Усома бин Лодин Ғарб давлатларига жиҳод эълон қилди.

Айман аз-Завоҳирий («ал-Жиход» ташкилоти етакчиси, Миср), Рифоий Аҳмад Тоҳа («ал-Жамоа ал-исломия» ташкилоти етакчиси, Миср) ва Покистонда фаолият олиб бораётган айрим экстремистик ташкилотларнинг раҳнамолари ушбу «фронт»нинг таъсисчилари ҳисобланади.

Ташкилотнинг дастлабки тузилмалари Ғарб ва АҚШнинг глобал етакчилигига қарши кураш, исломнинг фундаментал асосларига қайтиш ва ягона «исломий халифат» қуришдек мақсадлар дастурига монанд равишда 1992 йилда Хартум (Судан)да қайта шакллантирилган.

Ташкилотнинг бош мақсади. Дунёвий давлат тузумларини ағдариб, шариатга асосланган «ислом давлати» қуриш.

Ташкилот ғоялари. Бутун дунё мусулмонларини ижтимоий, миллий ва давлат бошқаруви қандай бўлишидан

қатъи назар «диний» бирлигини таъминлаш ҳамда уларнинг сиёсий жиҳатдан ягона «халифа» атрофида бирлашиш ғоясини илгари суриб, ўз сафларига қўшилмаган мусулмонларни «такфир»да айблаб, уларга қарши «жиход» эълон қилган. «Ал-Қоида» фаолияти сохта салафийлик ғоялари ва Саййид Кутбнинг китобларида баён қилинган тамойилларга асосланади.

Фаолият услублари. «Ал-Қоида» ўз мақсадига эришишда кўпурувчилик, зўравонлик, ёлланма қотиллик, одамларни гаровга олиш, худкушлар тайёрлаш ва улар воситасида хунрезликлар уюштириш каби ҳаракатлардан фойдаланади. Манбаларда унинг ҳарбий лагерлари 2001 йилга қадар Афғонистон, Покистон, Сомали, Судан, Яман, Бангладеш каби қатор давлатларнинг тоғли ҳудудларида фаолият кўрсатгани қайд этилади. Шунингдек, маълумотларга кўра, «ал-Қоида» террорчи ташкилоти ёш гўдаклардан иборат «Туйур ал-жанна» (Жаннат қушлари) ҳамда аёллардан ташкил топган «Ҳарим ал-Қоида» («ал-Қоида» аёллари) гуруҳларини ғарзли мақсадларда ташкил қилиб, улардан террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фойдаланган. Бугунги кунда «ал-Қоида» ташкилоти ўз аъзолари сафини кенгайтириш мақсадида асосан интернет орқали фаолият олиб бормоқда.

Структураси. «Ал-Қоида» бошқа диний-экстремистик ташкилотлар каби қатъий иерархия асосида тузилган бўлиб, унга «Мажлис аш-шўро» раҳбарлик қилади. «Мажлис аш-шўро»га ҳарбий, молиявий, диний ва ҳуқуқий, ахборот ва ташвиқот қўмиталари бўйсундирилган бўлиб, улар қуйи поғонадаги гуруҳлар фаолиятини бошқаради. «Ал-Қоида» асосчиси Усома бин Лодин 2011 йилда ўлдирилгандан кейин ташкилотга Айман аз-Завоҳирий бошчилик қилмоқда.

Молиявий манбалари. «Ал-Қоида» ташкилоти ўз фаолияти давомида босқинчилик, буюртма асосида қотиллик қилиш, товон ундириш, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг

ноқонуний савдоси каби жиноий усуллардан фойдаланиб келмоқда. Шунингдек, араб давлатларининг айрим худудларида ташкилот томонидан кўплаб муассасалар ташкил этилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам фаолият олиб бормоқда. Мазкур муассасалар таркибига турли махсулотлар ишлаб чиқарувчи, йўл қурилиш, банк иши, экспорт-импорт операциялари билан шуғулланувчи ва инвестициялар жойлаштириш каби бошқа молиявий даромад келтирувчи тармоқларни ҳам киритиш мумкин.

Ҳаракатга аззолик. Маълумотларга кўра, 1989-2001 йиллар оралиғида «ал-Қоида»нинг Афғонистондаги ҳарбий машғулот лагерларида 25 мингдан 100 минггача бўлган жангарилар амалиёт ўтаган. Айнан мана шундай лагерлар Судан, Кавказ ўлкаси, Болқон худуди, Яқин ва Узоқ Шарқ мамлакатларида ташкил этилган. Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида унинг бўлинмалари аниқланган. Шунингдек, «ал-Қоида» террорчилик ташкилоти асосан ёшларни айрим хориж мамлакатларида жойлашган террорчилар лагерларида ҳарбий тайёргарликлардан ўтказиб, ўз сафини кенгайтириб боради.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Ал-Қоида»нинг дастлабки фаол ҳаракати 1992 йил куз фаслида кузатилган бўлиб, ташкилот жангарилари Сомалидаги беқарорликларнинг олдини олиш учун киритилган БМТ тинчликпарварлик кучлари таркибидаги АҚШ махсус кўшинларининг 18 ҳарбий хизматчисини ўлдирган.

1998 йил 25 июнда «ал-Қоида» жангарилари Саудия Арабистонининг Дахрон шаҳри ёнида жойлашган АҚШ Ҳарбий ҳаво кучлари базаси олдида амалга оширган портлаш натижасида 19 киши ҳалок бўлиб, 300 дан ортиқ киши жароҳатланди.

1998 йил 7 августда «ал-Қоида» жангарилари бир вақтининг ўзида Кениянинг Найроби ва Танзаниянинг Дорус-Са-

лом шаҳарларида жойлашган АҚШнинг элчихоналари ёнида машиналарни портлатиши оқибатида 242 киши ҳалок бўлди ва 5000 га яқин одам жароҳат олди.

Ва ниҳоят, 2001 йилнинг 11 сентябрида АҚШда турли рейслар билан Нью-Йорк, Бостон ва Вашингтон шаҳарларидан учган тўртта «Боинг-757» самолёти «ал-Қоида» гуруҳига мансуб 18 нафар террорчи томонидан эгаллаб олиниб, уларнинг иккитаси Нью-Йоркдаги Халқаро савдо маркази жойлашган «Эгизак» биноларга, биттаси эса АҚШ қуроли кучлари штаби – Пентагонга йўналтирилди. Яна бир самолёт Пенсильвания штатидаги Шанксвилл районига қулаб тушди. Оқибатд, 19 та террорчи билан бирга 2974 киши ҳаётдан кўз юмди, 10 мингдан ортиқ киши жароҳатланди.

Умуман олганда, мавжуд маълумотларга кўра, «ал-Қоида» гуруҳи жангарилари Афғонистон (1992 йилдан), Сомали (1992–1993 йиллар), Босния ва Герцеговина (1992–1995 йиллар), Кашмир (1993 йилдан), Шимолий Кавказ (1995 йилдан), Косово (1999 йилдан.), Марказий Осиё (1999 йилдан), Покистоннинг Жанубий Вазиристон вилояти (2001 йилдан) ва Ироқ (2003 йилдан) ҳудудларида қуроли тўқнашув ва террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда фаол иштирок этиб келган.

2003 йил 13 ноябрда Туркиянинг Истанбул шаҳрида жойлашган икки Синагога (яхудийлар ибодатхонаси) ёнида портловчи моддалар билан тўлдирилган машиналар портлатилиб юборилган. Натижада 25 киши ҳалок бўлди ва 300 нафар шахс жароҳатланди.

2004 йилнинг 11 мартда Мадрид (Испания)даги 4 та темир йўл бекатида умумий ҳисобда 6 та портлатиш амалга оширилди. Натижада, 200га яқин киши ҳалок бўлди ва 1500 дан зиёд киши жароҳатланди. Полициянинг тахминига кўра, портлашларни «ал-Қоида» гуруҳи билан яқин алоқада бўлган Марокашдаги радикал гуруҳ амалга оширган.

2005 йил 7 июлда Буюк Британиянинг Лондон шаҳри метросида бир қанча террорчилик ҳаракатлари амалга оширилди. Натижада 56 киши қурбон бўлди ва 700 нафар киши турли даражада тан жароҳати олди.

2005 йил 5 ноябрда Иорданиянинг Аммон шаҳрида портлатишлар амалга оширилди. Бунинг оқибатида 67 бегуноҳ инсон ҳаётдан кўз юмди ва 295 шахс жароҳатланди.

2009 йилнинг 7 декабрь куни «ал-Қоида» ташкилоти аъзолари Ироқнинг Боғдод шаҳридаги мактаб ёнида бомба портлатиши оқибатида 12 нафар одам, шу жумладан, 6 нафар 6-12 ёшли гўдак ҳалок бўлган. Шунингдек, «ал-Қоида» жангарилари томонидан Афғонистон ва Покистон ҳудудларида биргина 2009-2014 йилларда мингдан зиёд мактаб вайрон қилинган. Ачинарлиси шуки, айнан Афғонистон ва Покистон ҳудудидаги жангарилар ўсмир ёшдаги ўғил ва қизлардан худкушлик операцияларида «тирик бомба» сифатида фойдаланишидир. Натижада, ушбу мамлакатлардаги минглаб болалар кўчага чиқишга кўрқиб, саводсиз бўлиб қолмоқда.

Ҳаракатга муносабат. АҚШ Давлат Департаменти томонидан террорчи гуруҳлар рўйхатига киритилган. 2001 йил сентябрь воқеаларидан сўнг Афғонистонда ўтказилган кенг қўламли халқаро аксилтеррор ҳаракати натижасида «ал-Қоида» жиддий талафот кўрган бўлса-да, у ўз фаолиятини янги шароитларга мослаштиришга интилмоқда. Жумладан, баъзи маълумотларга кўра, ташкилот асосий тизимларини эркин пуштун қабилалари яшайдиган Покистоннинг шимоли-ғарбий ва Кашмирдаги баланд тоғли ҳудудларга кўчирмоқда. Афғонистон, Сурия ва Ироқда АҚШ ҳарбийларига қарши урушларда фаол иштирок этиш баробарида, улардан ушбу ҳудудлардан ўз қўшинларини олиб чиқишни талаб қилаётгани ташкилотнинг бутунги кундаги ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

ИСЛОМИЙ ЖИҲОД ИТТИХОДИ

Ташилот номи. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ёки «Ислом жиҳоди уюшмаси» (араб. –»Иттиҳад ал-жаҳад ал-ислабий», англиз. – «Islamic Jihad Union» (IJU), рус. – «Союз исламского джихада») террорчи гуруҳи. Шунингдек, «Ислом жиҳоди», «Ислом жиҳоди – мужоҳидлар жамоати» номлари ҳам мавжуд.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Исломий жиҳод иттиҳоди» гуруҳига авваллари, «Туркистон ислом ҳаракати»нинг аъзоси бўлган Нажмиддин Жалолов (ўзини «амир» деб эълон қилган, унинг лақаби «Абу Яхъё Муҳаммад Фотих») томонидан 2001 йилда асос солинган. У 2009 йилнинг 14 сентябрида Покистоннинг Мир-Али шаҳри яқинида АҚШ ҳаво кучларининг аксилтеррор ҳужуми натижасида бир қанча жангарилар билан бирга ўлдирилган.

Мутахассислар «Исломий жиҳод иттиҳоди» гуруҳининг «Туркистон ислом ҳаракати»дан ажралиб чиққанини этироф этишади. Бунга молиявий масалалар, стратегия ва мақсадлар бўйича «Туркистон ислом ҳаракати»нинг раҳбари билан бир гуруҳ жангарилар ўртасида ихтилофнинг юзага келиши асосий сабаб бўлган.

Ташилотнинг бош мақсади. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ҳаракати «жиҳод» йўли билан амалдаги дунёвий конституцион тузумни ағдариб ташлаб, «исломий давлат» куришни мақсад қилган.

Фаолият услублари. «Исломий жиҳод иттиҳоди» ўз мақсадини амалга оширишда Афғонистон, Покистон ва Кавказдаги халқаро террорчи гуруҳ ва ташилотлар («ал-Қоида», «Толибон», «Кавказ мужоҳидлари» ва бошқ.) билан мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Гуруҳнинг асосий кучлари Покистоннинг Хайбар-Пахтунва ва Жанубий Вазиристон ҳудудларида жойлашган.

Ташкилотнинг янги аъзолари Қозоғистоннинг жанубий вилоятида жойлашган махфий хонадонларда бирламчи тай-ёргарлик ўтганидан сўнг қўшни мамлакатлар орқали Жанубий Вазиристонга (Покистон) олиб чиқилган. Бу ердаги жангарилар лагерларида қўпоровчилик ва диний-экстремистик тарғибот ишлари ўргатилгач, яширин йўллар билан террористик ҳаракатлар содир этиш учун Марказий Осиё мамлакатларига юборилган.

«Исломий жиҳод иттиҳоди» ўзининг тарғибот ишларини кенг миқёсда олиб бориш мақсадида «Бадр ат-тавҳид» медиа агентлигини ташкил қилган. Шунингдек, жамоанинг ўзбек (лотин ва кирилл алифбосида) ва рус тилларидаги сайти ҳам фаолият олиб боради.

Молиявий манбалари. Ҳозирда «Исломий жиҳод иттиҳоди» «ал-Қоида» каби террорчи ташкилотлар, шунингдек, Афғонистон, Туркия ва Саудия Арабистонидаги айрим ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилаётгани ҳақида маълумотлар учрайди.

Ҳаракатга аъзолик. «Исломий жиҳод иттиҳоди» террорчи гуруҳ сафлари ўтган асрнинг 90-йилларида ота-оналари билан Ўзбекистонни тарк этган жангариларнинг ўсмир ёшдаги фарзандларидан фаол фойдаланиш ҳисобига тўлдирилмоқда. Гуруҳ аъзоларига дастлаб диний мутаассиб ғоялар сингдирилади. Сўнг ҳарбий амалиётлар ўргатилиб, жанговар тайёргарлик (эъдод) ниҳоясига етказилади. Таълим ва эъдод босқичлари тугагач, террорчилик лагерларига «жиҳод» қилиш учун юборилади.

Минтақадаги фаолияти. «Исломий жиҳод иттиҳоди» Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон худудларида жойлашиб, Ўзбекистонга қарши қўпоровчилик ҳаракатларини амалга оширган. Ўзбекистон худудида террорчилик хуружларини ташкил этишга Аҳмад Бекмирзаев ва Жакшыбек Боймирзаев каби «Туркистон ислом ҳаракати»нинг етакчи

жангарилари бошчилик қилган. 2000-йилларнинг бошида жангариларининг асосий қисми Покистонга олиб ўтилгандан сўнг «ал-Қоида» томонидан «Ислом жиҳоди иттиҳоди» раҳбарларига Марказий Осиёда тарафдорлар сафини кенгайтириш юзасидан кўрсатма берилган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Ушбу гуруҳ «ал-Қоида» ташкилоти билан Афғонистонда, «Толибон» ҳаракати билан Покистонда ва Ўзбекистонда бир қатор кўпурувчилик ҳаракатларини содир этган. Шу билан бирга, 2007 йилда террорчилик ҳаракатига тайёргарлик вақтида гуруҳ аъзоларидан 4 нафари Германияда қўлга олинган. Улар томонидан Германиянинг Франкфурт Халқаро аэропорти, АҚШнинг ҳарбий базалари ҳамда Ўзбекистон ва Американинг элчихоналарига ҳужум уюштирилиши режалаштирилган эди.

Таъкидлаш лозимки, 2004 йилда «Исломий жиҳод иттиҳоди» томонидан Ўзбекистонда илк бор худкуш-террорчилар томонидан Тошкент шаҳри, Тошкент ва Бухоро вилоятларида ўзини портлатишлар амалга оширилди. Оқибатда 28 киши ҳалок бўлиб, эликдан зиёд киши жароҳат олган. Жиноятчиларни қўлга олиш вақтида отишма ва баъзи террорчилар ўзини портлатиб юборишлари оқибатида 33 нафар жангари ўлдирилган. Террорчилардан кўп миқдорда қурол-аслаҳа, ўқ-дори ва ясама модда олинган.

2009 йилнинг 26-27 май кунлари «Исломий жиҳод иттиҳоди» жангарилари томонидан Андижон вилоятининг Пахтаобод тумани ва Андижон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари, жумладан, худкуш-террорчилик амалга оширилган. Шунингдек, 2009 йилнинг ёз фаслида улар томонидан Тошкент шаҳри, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ва диний уламоларга нисбатан суиқасдлар уюштирилиши нати-

жасида 3 киши ҳалок бўлган, 24 фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳаракатга муносабат. «Исломий жиҳод иттиҳоди» террорчи гуруҳи 2005 йил 1 июндан БМТнинг 1526-сонли Резолюциясининг 1 ва 16-бандларига мувофиқ, халқаро террорчи ташкилотлар рўйхатига киритилган. Шунингдек, ташкилот 2005 йилда Қозоғистонда, 2006 йилда Россияда, 2008 йилда Қирғизистонда ҳам террористик ташкилотлар рўйхатига киритилган.

«Исломий жиҳод иттиҳоди» бугунги кунда интернет тармоғи орқали тарғибот ва меҳнат мигрантлари ичида ёллаш ишлари ўтказиш каби усуллар билан ўз сафини янги жангарилар билан тўлдиришга ҳаракат қилмоқда.

БОКО ҲАРАМ

Ташкилот номи. «Боко ҳарам» – ислом ниқоби остидаги радикал оқим. Жамоанинг расмий номи «Жамаъат аҳли сунна ли-д-даъва ва-л-жиҳод» («Даъват ва жиҳод аҳли сунна жамоаси»). «Боко ҳарам» эса жамоанинг иккинчи номи бўлиб, ташкилотнинг базаси жойлашган Майдугури аҳолиси томонидан берилган. «Боко ҳарам» хауса тилидан «ғарб (замонавий) таълими тақиқланган» ёки «ғарб таълими – ҳаром» маъносини англатади. «Боко» сўзининг илк маъноси «ёлғон» бўлган, бироқ кейинчалик унинг семантикаси ўзгариб, «ғарб таълими» деган маънога эга бўлган. Шунингдек, «Нигерия толибон ҳаракати», «Муҳожирун», «Юсуфийя» номлари билан ҳам аталган.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Боко ҳарам» ташкилотига 2002 йилда Нигериянинг Майдугури шаҳрида Муҳаммад Юсуф томонидан асос солинган. Дастлаб у ўзида масжид ва мадрасани қамраб олган диний мажмуа ташкил қилади. Мазкур мажмуа болаларга диний таълим беришни мақсад

қилган, деб очилган бўлса-да, бу жой ўз тарафдорларини тайёрлаш учун хизмат қилади. 2004 йилда Муҳаммад Юсуф жамоа аъзолари билан Йобе штатидаги Каннама шаҳрига яқин туманга жойлашиб, ўзининг базасига асос солади ва унга «Афғонистон» деб ном беради. Ўша жойдан ички ишлар ходимларига хужумлар уюштириш бошланади.

2009 йил 29 июлда Муҳаммад Юсуф Нигериянинг ши-молий қисмида «ислом давлати»ни тузиш мақсадида исён кўтаради. Шундан сўнг, полиция жамоанинг Майдугуридаги базасига хужум қилиб, уни қўлга олади. Муҳаммад Юсуф ҳам ҳибсга олиниб, кейинчалик вафот этади. Унинг вафотидан кейин жамоатга Абу Бакр Шекау бошчилик қилади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Бутун Нигерия худудида шариат асосида «ислом давлати»ни куриш мақсад қилинган. 2014 йил 24 августда «Боко ҳарам» Нигерия шимолидаги Ғузо шаҳрида халифалик тузилганини эълон қилган.

Ташкилот ғоялари. «Боко ҳарам» ғарб таълими ва маданияти ҳамда дунёвий илмларни инкор этади. Уларнинг фикрича, мусулмон жамиятларида ғарб маданияти ва тизимлари билан боғлиқ ҳар бир нарса тақиқланиши лозим. Шунга биноан, анъанавий банк тизими, солиқ, қонунлар, дунёвий таълим кабиларни куфрона ишлар сифатида эътироф этади.

Бугунги кундаги мусулмонлар разилликларга тўлиб-тошган Нигерия жамиятидан «хижрат» қилиши, сиёсий бузуқликлар ва рухий бузуқликдан холи бўлган намунали жамият куришлари лозим, деб эътиқод қилинади. Шунга кўра, ўзларига қўшилмаган мусулмонларни ҳақиқатни инкор этган кофирлар ёки ўзларига зулм қилган фосиқлар, деб атайдилар.

«Боко ҳарам» аъзолари ўзларидан бошқаларни кофир деб билгани учун намозларни алоҳида масжидда адо этади. Соқол қўйиб, бошларига қизил ёки қора бош кийим кийиб юрадилар.

«Боко Ҳарам»нинг қуйидаги ишлари ислом таълимотига умуман зид ҳисобланади:

– таълимга қарши курашиш. Ташкилот номи ҳам ғарб таълимининг ҳаромлигини англатади. 2012 йилдан бошлаб бу гуруҳ ҳукумат мактабларини қўлбола ракеталардан ўққа тута бошлаган. Халқаро амнистия ташкилоти маълумотларига кўра, охириги икки йилда гуруҳ ҳужумлари сабабли Нигерия шимолидаги 60 дан ортиқ мактаб ўз фаолиятини тўхтатган. Таълимга бундай душманлик ислом таълимотларига зиддир. Зеро, ислом илм олишни фарз қилган, улуғлаган. Куръоннинг биринчи нозил бўлган сўзи ҳам «Ўқи» сўзи бўлган;

– бегуноҳ инсонларни ўлдириш. Гуруҳнинг ёш болалар, ўқувчилар, талабаларни ўлдиришлари ҳам ислом таълимотларига бутунлай тўғри келмайди. Исломда ҳатто уруш ҳолатида ҳам ёш болалар, аёллар ва қарияларни ўлдиришдан қайтарилган;

– христианларга қарши уруш очиш. Куръони каримда бу тўғрида шундай дейилган: «**Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (хайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар**» (*Мумтаҳана, 8*);

– одамларни исломга киришга мажбурлаш. Ваҳоланки Куръони каримда «**Динда зўрлаш йўқ**» (*Бақара, 256*), дейилган;

– хотин-қизларни никоҳга мажбурлаш. Расулulloҳ (алайҳис-салом) ўз ҳадисларида қизлар фақат ўз ихтиёрлари билан никоҳланишлари мумкинлигини таъкидлаганлар.

Фаолият услублари. Худкушлик амалиётлари, портловчи моддалар тўлатилган идишлар билан портлатиш, диний ва сиёсий раҳбарлар жонига суиқасд, черков ва масжидларга ҳужум қилиш уларнинг асосий фаолият услублари саналади.

Маълумотларга кўра, «Боко ҳарам»нинг «ал-Қоида» ва Сомалидаги «аш-Шабаб» ҳаракатлари билан яқин алоқалар ўрнатган.

Структураси. Ташкилотни «Бош амир» бошқариб, унинг икки ўринбосари бор. Шунингдек, жамоат фаолият олиб бораётган ҳар бир вилоятда ҳам жамоат амири бўлади. 2009 йил жамоат амири Абу Бакр Шекау бўлгандан сўнг, жамоат ҳаракат стратегиясини ўзгартирди. Унга кўра, эндиликда жамоат бўлинмалари бир қўмондондан буйруқ олса ҳам, ўз фаолиятларини мустақил тарзда олиб боради. Жамоат таркибида 18 аъзодан иборат «Шўро мажлиси» ҳам бўлиб, уни Шайх бошқаради. Ҳаракат аъзолари фақат араб тилида сўзлашади.

Молиявий манбалари. «Боко ҳарам»нинг молиявий манбалари аъзолик бадаллари, айрим террорчи уюшмалар томонидан кўрсатиладиган ёрдамлар ёки турли диний, хайрия ташкилотлари томонидан мақсадли равишда ажратиладиган маблағлардан иборат. Масалан, маълумотларга кўра, 2002 йили «ал-Қоида»нинг Судан тармоғи томонидан ҳаракат фаолиятини моддий таъминлаш мақсадида 300 минг доллар маблағ юборилган.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. «Боко ҳарам» ташкилоти томонидан бир неча террорчилик актлари амалга оширилган:

- 2003 йил декабрда Йобе вилоятида полиция идоралари ва оммавий биноларга хужум қилинди;
- 2004 йил Бурну вилоятида полиция идораларига хужум уюштирилди;
- 2009 йилда жамоат қуролланганини эълон қилганидан сўнг Нигерия полицияси уни таъқиб эта бошлади. Бир қанча ташкилот етакчиларини ҳибсга олди. Шундан сўнг «Боко ҳарам» ва ҳукумат ўртасида қонли тўқнашувлар авж олди. Оқибатда мамлакат шимолидаги бешта вилоятда бўлган тўқнашувларда жамоатнинг минг нафарга яқин аъзоси ҳалок бўлди;
- 2010 йил 7 октябрда Халқ демократик партияси раҳбари Аванна Нагла отиб ўлдирилди;

– 2010 йил 24 декабрда Жос ва Майдугури шаҳарларидаги черковларда қатор портлашлар ва ҳужумлар уюштирилган. Натижада 30 га яқин киши вафот этди;

– 2011 йил 14 мартда «Боко ҳарам»ни танқид қилганликда айбланган ислом дини арбоби Иброҳим Аҳмад Абдулла Болори Майдугури шаҳрида отиб ўлдирилди;

– 2011 йил 29 майда Баучи шаҳридаги ҳарбий казарма портлатилди;

– 2011 йил 26 августда Абужадаги БМТ ваколатхонасида портловчи моддалар билан тўлдирилган машинани портлаштишга ҳаракат қилган;

– 2011 йили 4-5 ноябрь кунлари Даматуру шаҳрида бир неча портловчи ускуналар ишга туширилган. Кейинчалик «Боко ҳарам» жангарилари христианлар истиқомат қилаётган ҳудудларга ҳужум қилган. Шунингдек, ҳужум полиция ва ҳарбийларга ҳам уюштирилган;

– 2012 йилда Абужада маҳаллий газета биноси портлатилди;

– 2014 йил 14 апрелда жамоат томонидан Бурну вилоятида 276 та ўрта мактаб ўқувчи қизлари ўғирлаб кетилди.

– 2014 йил 20 май Жос шаҳрида иккита теракт содир этилди. Унинг натижасида 160 киши вафот этди ва 55 дан ортиқ киши эса тан жароҳати олди.

Умуман олганда, «Боко ҳарам» томонидан юзлаб террорчилик актлари содир этилган ва бунинг натижасида минглаб кишилар жабр кўрган.

Ҳаракатга муносабат. 2013 йил ноябрда АҚШ Давлат Департаменти, 2014 йил май ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан жамоа террорчи гуруҳлар рўйхатига кирилди. Ҳозирда «Боко ҳарам» нафақат Нигерия ҳудуди, балки Африканинг Чад ва Камерун давлатларида ҳам фаолият олиб бормоқда.

ИРОҚ ВА ШОМ ИСЛОМ ДАВЛАТИ

Ташкилот номи. «Ироқ ва Шом ислом давлати» – (қисқача ИШИД, ҳозирда ўзини «Ислом давлати» деб номлаган) салафий-жиходий йўналишидаги террористик қуроли гуруҳ. Асосан, Ироқ ва Сурия ҳудудида фаолият олиб бормоқда.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. Гуруҳнинг ташкил топишида «ал-Қоида» ташкилоти муҳим ўрин тутган. Дастлаб, 2004 йилда халқаро миқёсдаги террорчи Абу Мусъаб Зарқовий Ироқда «Тавҳид ва жиход ҳаракати»ни тузади ва «ал-Қоида»нинг Ироқдаги бўлими сифатида фаолият олиб боради. Ироқдаги ҳаракат доирасини кенгайтириш мақсадида кенг кўламли ишлар олиб борилади. Кейинчалик унга «Жайш ал-фотиҳин», «Жайш ас-саҳоба» каби бир қатор террорчи гуруҳлар қўшилиши натижасида Зарқовий 2006 йилда Абдуллоҳ Рашид Бағдодий бошлиқ «Мужоҳидлар маслаҳат кенгаши» тузилганини эълон қилади. Бунинг натижасида Яқин Шарқдаги бир неча террорчи гуруҳларни бирлаштирган ташкилот 2006 йил 15 октябрда «Ироқ ислом давлати» номи остида Ироқда ташкил топади ва унга Абу Умар Бағдодий исмли шахс раҳбарлик қилади.

2010 йил 19 апрелда Абу Умар Бағдодий ўлдирилгандан сўнг гуруҳга Абу Бакр Бағдодий етакчилик қилади. Сурияда кечаётган можароларга мустақил армия сифатида келиб қўшилгандан сўнг, 2013 йил 9 апрелдан бошлаб ташкилот «Ироқ ва Шом ислом давлати» (ИШИД) деб номланди. «Ал-Қоида» ташкилоти «ИШИД»нинг Суриядаги можароларга аралашганидан сўнг, 2014 йил февраль ойида мазкур ташкилотнинг «ал-Қоида»га алоқаси йўқ, деб баёнот берди. 2014 йил 29 июнда ташкилот раҳбарлари томонидан Ироқ ва Шом (Сурия) ҳудудида халифалик тузилгани ва Абу Бакр Бағдодий халифа экани эълон қилинди. Кейинчалик, «ИШИД» ўзини «Ислом давлати» деб номлади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Ислом «халифалиги»ни қайта тиклаш ва ислом шариатини амалга татбиқ этишдан иборат. Бу йўлда Ироқ, Сурия мамлакатлари негизда сунний мусулмонларнинг ягона давлати «халифалик»ни барпо этиб, босқичма-босқич Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатлари ҳисобиға кенгайтиришни эътироф этади.

Ташкилот ғоялари: «ИШИД»нинг асосий ғоялари қуйидагилардан иборат:

– дунёвий-маърифий йўлни тутган мусулмон давлатларининг тузум шаклларини куфр, деб эълон қилади;

– маълум давлат, ўлкада яшовчи оддий мусулмонларни кофирга чиқармасликни эълон қилса-да, лекин уларни турли айбловлар билан қатл этишни ҳалол, деб ҳисоблайди;

– ташкилотга қарши чиққан мусулмонларни ҳам ўлдириш мумкин, деб ҳисоблайди;

– ширк кўринишлари, унга олиб борувчи воситаларни йўқ қилиш ғоясини илгари суриб, мақбараларни бузиш, қадимий ёдгорликларни ташкил этувчи ҳайкаллар, археологик топилмаларни йўқ қилишга чақиради;

– мусулмон жамиятларидаги мусулмон бўлмаганлар зиммасига «жизя» тўлаш вожиб, деб ҳисоблайди;

– фақат жиҳод орқалигина кофирлар устидан ғалаба қозониш мумкин, дейди.

Фаолият услублари. Ҳозирги кунда «ИШИД» томонидан бошқарув ўрнатилган ҳудудларда на исломий ва на инсоний тамойилларга тўғри келадиган қонунлар жорий қилинмоқда. Жумладан, христиан дини вакиллари «зиммий» ҳукмида ҳисоблаб, улардан «жизя» солиғини мажбурлаб ундириш, уларга хоч осиб юрмаслик, ибодат вақтида овоз кучайтиргичлардан фойдаланмаслик, уларнинг бузилган черковларини қайта тиклашга изн бермаслик, ибодатларини ошкор қилишга йўл қўймаслик каби тақиқлар белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар қандай мусиқий дисклар ёки му-

сиқа асбобларини сотиш ҳам ман этилган. Диний тоқатсизлик, аёллар ва болалар ҳуқуқларининг поймол этилиши, таракқиёт ютуқларидан юз ўгириш, оддий инсонлар ҳаётига тажовуз қилиш авжига чиқмоқда. Ҳаттоки, мусулмон аёлларга нисбатан ҳам ўта мутаассибона ҳукмлар жорий қилиниб, уларни бузганларга ўта қаттиқ жазо методлари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, «ИШИД» махсус кийимини кийиш барча учун вожиб бўлиб, уни киймаганларга дарра уриш билан жазоланади.

«ИШИД» ўз мақсадларини амалга ошириш учун замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Ҳозирги кунда «ИШИД» Ироқнинг шарқида жойлашган Диёл вилоятидан Сурия шимолидаги Ҳалаб шахригача бўлган ҳудудни эгаллаган. Мазкур ҳудудда 5-6 миллион аҳоли яшайди.

«ИШИД» Ироқнинг баъзи қисмларини эгаллаган бўлса-да, бутун ҳудуди бўйлаб ҳужумлар уюштиради. Лекин Ироқнинг суннийлар яшайдиган олти вилояти гуруҳнинг асосий фаолият олиб борадиган ерлари ҳисобланади.

Гуруҳ Сурияда Рикқа, Ҳалаб вилоятлари, Лазиқийя шахри атрофи, Дамашқ атрофи, Дийр аз-Зур, Ҳимс, Ҳама, Ҳаска, Идлибда ҳукмронлигини ўрнатган.

2014 йил ноябрь ойида «ИШИД» раҳбари Абу Бакр Бағдодийнинг баёнотига кўра, Саудия, Миср, Яман каби давлатлардан тарафдорлар келиб уларга байъат қилгани, шу сабабли мазкур ҳудудларда ўзларининг волийларини тайинлагани айтиб ўтилди. Бу эса, «ИШИД»нинг ҳозирги кундаги фаолият кўлами янада кенгайиб бораётгани ҳамда глобал хатарга айланаётганига далилдир.

Структураси. Абу Бакр Бағдодий қўл остидаги минтақаларни бир гуруҳ ёрдамчилари орқали бошқаради. Улар тўлақонли бир ҳукумат тарзида ишлаб, ҳарбий ҳаракатлар ва аҳоли билан кундалик ишларни олиб бориш каби икки йўналишда иш олиб боради.

Манбаларда қайд этилишича, Абу Бакр Бағдодийнинг икки нафар асосий ёрдамчиси бор. Булар: Саддам Хусайн армиясида собиқ генерал бўлган Абу Али Анборий бўлиб, у ҳаракатнинг Суриядаги ҳарбий ҳаракатларини бошқаради. Иккинчиси, Ироқ армиясида етакчи разведка мутахассиси бўлган Абу Муслим Туркмоний.

Молиявий манбалари. Расмий баёнотларда айтилишича, ташкилот ҳозирги кунда дунёдаги энг бой террористик ташкилотлардан бирига айланган. Унинг асосий молиявий манбалари қуйидагилардан иборат:

– босиб олинган ҳудудларда қўлга киритилган нефть хомашёсини ноқонуний йўллар орқали сотиш;

– гуруҳ назорат қилаётган ҳудудда яшайдиган миллионлаб аҳолидан йиғиб олинаётган солиқлар;

– гуруҳ томонидан босиб олинган ҳудудларда жойлашган турли объектлардан тушган маблағлар;

– гаровга олинган одамларни озод қилиш эвазига йиғилган маблағлар;

– гуруҳ томонидан босиб олинган ҳудудларда истиқомат қилаётган бошқа дин вакилларига ўлим таҳдиди остида ундирилаётган «жизя» (солик) тўловлари.

Маълумотларга кўра, Мосул шаҳридаги Марказий банкдан ҳаракат аъзолари 500 миллиард Ироқ динарини қўлга киритган. Босиб олинган ҳудудларда жойлашган нефть хомашёсини сотишдан кунига 1 миллион долларгача фойда олаётгани тахмин қилинмоқда. Шунингдек, «ИШИД» тасарруфида Ироқ ва Сурия армиясидан олинган бир қанча танклар, қуроллар, зирҳли техника ва бошқа ҳарбий воситалар бор.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Ташкилот томонидан 2013-2014 йиллар мобайнида 10 мингдан зиёд террорчилик ҳаракатлари содир этилган, худкуш террорчилар томонидан 100 дан зиёд портлашлар амалга оширилган. Сурияда «ИШИД» жангарилари 60дан зиёд черков ва монастырларни вайрон қилган. 2014 йил 14 июнь куни Ироқнинг Мосул шаҳридаги «Ал-Исро» масжиди ёнида ташкилотга қўшилишдан бош тортган 12 нафар диний уламо намоишкорона қатл этилган.

Ҳаракатга муносабат. БМТ Хавфсизлик кенгаши маълумотларига кўра, дунёдаги энг хавфли ҳисобланган «ал-Қоида» фаоллигининг камайиши унданда кучлироқ террорчилик ташкилотлари, хусусан «Ироқ ва Шом ислом давлати»нинг пайдо бўлишига сабаб бўлган.

2014 йилнинг 3 июлида Дунё мусулмон уламолари кенгаши ташкилоти «Ислом давлати» эълон қилган «халифалик»ни кескин қоралаб, уни шаръан ботил деб фатво берди. Фатвода ислом таълимотига кўра қандайдир алоҳида фирқа ва оқимлар ўзбошимчалик билан «халифалик»ни эълон қилиш ҳуқуқи берилмагани таъкидланган.

Мусулмон олимларнинг «ИШИД» тўғрисидаги фикрлари:

Саудия муфтийси Шайх Абдулазиз Оли Шайх:

«Ер юзини бузадиган, экину насларни ҳалок қиладиган экстремистик фикрлар, мутаассиблик ва террорнинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки бу асл исломнинг йўқлиги. Мусулмонлар бу ишларнинг энг биринчи қурбонларидир. Булар мусулмонларни кофирга чиқаргани учун исломдан биринчи чиққан хорижийларнинг давомчиларидир».

Катта имом, Азҳар шайхи Аҳмад Тоййиб:

«Ироқ халқи ироқликлар қони тўкилишининг олдини олиш учун барча кучлар ва томонларни бирлаштиришга жуда муҳтож», деган ғояни илгари сураётган турли гуруҳлар, шуларнинг бошида турган «ИШИД» томонидан беғуноҳ

инсонларнинг ўлдирилиши, номусларининг топталиши, масжидларнинг ўққа тутилиши мутлақо ислом таълимотларига зиддир. Куролли гуруҳларнинг ислом номидан амалган ошираётган қотиллик ва бузғунчиликларни ислом рад этади. Зеро, ислом улардан пок».

Катта уламолар ҳайъати аъзоси Аҳмад Умар Ҳошим:

«ИШИД» аъзолари шу асрнинг хаворижларидир. Чунки уларда Расулulloҳ (алайҳис-салом) айтиб кетган сифатлар топилади. Ана шу сифатлардан бири динда чуқур кетиш. Улар шаръий илмларни яхши билмайди. Илмни ҳақиқий олимлардан олмаган. Ишончли олимларга мурожаат қилмасдан, ўзларининг янглиш тушунчаларига суянади. Шунинг учун, ўзлари ҳам адашдилар, бошқаларни ҳам адаштирдилар. Улар ихлосли олимларни ҳам кофирга чиқаради, фақат ўзларини ҳақ деб биладилар».

Азҳари шариф ҳадис олимлари устози Аҳмад Маъбад:

«Улар ўзларига қўшилмаган мусулмонларни кофирга чиқариб, уларни ўлдиришни ҳалол санаш билан Аллоҳ таолонинг «**Кимда-ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннамда абадий қолишдир. Яна унга Аллоҳ ғазаб қилгай, лаънатлагай ва унга улкан азобни тайёрлаб қўйгай**» оятини унутишади. Мана шу уларнинг энг ёмон кимсалар бўлишига олиб келди».

Миср муфтийси Шавқий Аллом:

«ИШИД» исломнинг барча кадриятларига, шариатнинг катта мақсадларига қарши чиқди. Умумбашарий кадриятларни эса қўяверинг».

Демак, бутун дунё мусулмон уламолари ҳам «ИШИД»нинг фаолиятини танқид қилиб, унинг фаолияти, тарғиб этаётган ғоялари ислом таълимотларига зид экани ва уни тан олиб бўлмаслигини таъкидламоқдалар.

ЖАБҲАТ АН-НУСРА (НУСРА ФРОНТИ)

Ташкилот номи. «Жабҳат ан-нусра» (арабча – «жабҳа» – фронт, «нусра» – ёрдам. Тўлиқ номи – «Жабҳат ан-нусра ли аҳлиш шом» (Шом аҳлига ёрдам fronti) бўлиб, у «ал-Қоида» ташкилотининг Сурия ва Ливия ҳудудидаги шўъбаси ҳисобланади.

Асосчиси ва юзага келиш тарихи. «Жабҳат ан-нусра» салафий-жиходий йўналишидаги ҳаракат бўлиб, 2012 йил январда Сурияда юзага келган. Тез орада Сурия ҳукуматига қарши курашувчи кучларнинг асосийларидан бирига айланди. Ҳаракат олдин Ироқда Абу Мусъаб Зарқовий қўл остида ҳаракат қилган «Ал-Қоида» жангариларидан ташкил топган. 2011 йил мартда Сурияда кўзғолон бошланиши билан «ал-Қоида» ушбу жангариларни Сурияга жўнатган. Фронтнинг асосий муассиси «Ал-Фотиҳ» лақабли суриялик Абу Муҳаммад Жулонийдир. «Ал-Қоида» ташкилотининг раҳбари Айман Завоҳирий «Жабҳат ан-нусра»ни «ал-Қоида»нинг Суриядаги ягона бўғини сифатида эътироф этади.

Ташкилотнинг бош мақсади. Мамлакатдаги жорий ҳукуматни ағдарिश орқали дастлаб Сурия ҳудудида, сўнг ер юзида мусулмон оламини бирлаштирган ислом шариатига асосланган «ислом халифалиги»ни ўрнатиш.

Ташкилот ғоялари. «Жабҳат ан-нусра» ҳаракати «ал-Қоида» ташкилотининг «жиход»га тарғиб этувчи, «салафий» ақидасига асосланган бўлинмаси ҳисобланади. Шунингдек, ҳаракат назарий жиҳатдан «Мусулмон биродарлар» уюшмаси аъзоси бўлган Саййид Қутбнинг қарашларига ҳам асосланади. «Жабҳат ан-нусра» ҳаракатининг ғоялари қуйидагилардан иборат:

– халифаликни қайта тиклаш, ислом шариатини татбиқ қилиш;

- жиҳод орқали давлат тузумини ағдариш;
- ҳукуматга қарши курашга барча сурияликларни тарғиб этиш;
- қайси ерга ҳукмрон бўлса, ўша ерда ислом давлати қуриш.

Юқоридагилардан ташқари, «Жабҳат ан-нусра» ҳаракати алавийлар ва шиаларга қарши иш олиб бориб, уларни куфр йўлини тутган оқимлар, деб ҳисоблайди.

Ташкилотнинг назарий манбалари. «Нусра fronti» Саййид Қутбнинг ғояларидан ташқари, Абу Мусъаб Сурийнинг китобларига ҳам асосланади. Унинг «Даъват ал-муқовама ал-исламийя ал-оламийя» (Халқаро исломий қаршилик даъвати), «Мулаҳазот ат-тажриба ал-жихадийя фи Сурия» (Суриядаги жиҳод тажрибаси тўғрисида мулоҳазалар), «Аҳлус сунна фиш Шам фи муважаҳати ан-насирийя ва ал-салибийя ва ал-яхуд» (Шомдаги аҳли суннанинг насирийлар, салбчилар ва яҳудийларга қаршилиги) китоблари фронтчилар учун асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Охириги китобда Сурия ҳукуматини «такфир»да айблаб, у ерда «жиҳод»га қаршилик қилаётган кучлар тўғрисида сўз боради.

Фаолият услублари. «Нусра fronti» Сурия, Ливан, Иордания, Исроил ва Фаластин давлатларини ўз ичига олган. Унинг асосий фаолият услублари худкушлик амалиётлари, портловчи моддалар билан тўлатилган машиналарни портлатиш, ҳарбий базаларга ҳужумлар уюштириш каби ҳаракатлар саналади.

Структураси. «Жабҳат ан-нусра»нинг бош ҳайъати – «Мужоҳидлар шўро кенгаши» деб номланади. Ундан кейин ҳар бир минтақада кичикроқ маслаҳат кенгашлари туради. Ушбу кенгашлар гуруҳлар номидан қарорлар қабул қилади. Ташкилотни амир бошқариб, у бир вақтнинг ўзида ҳам сиёсий, ҳам диний шахс ҳисобланади. Унга Сурия шаҳар ва вилоятларидаги маҳаллий амирлар бўйсунди. Шунингдек, алоҳида ишларни бажарувчи масъуллар ҳам бўлиб, улар

маблағларни йўналтириш, қурол-яроғларни қўлга киритиш каби ишлар билан шуғулланади. Бундан ташқари, диний ишлар, матбуот хизмати, ташқи ишлар бўлимлари ҳам фаолият олиб боради.

Молиявий манбалари. «Жабҳат ан-нусра» ҳаракати асосан «ал-Қоида» ташкилоти томонидан молиялаштирилади. Шунингдек, айрим манфаатдор давлатлар ёки Яқин Шарқ ва Ғарб давлатларидаги баъзи жамғармалар томонидан мақсадли равишда ажратиладиган маблағлар, турли диний, хайрия ташкилотлари томонидан кўрсатилган ёрдамлар ҳам асосий ўринни эгаллайди.

Ҳаракатга аъзолик. «Нусра fronti»нинг таркибида Покистон ва Афғонистон давлатлари ҳудудидаги лагерларда «ал-Қоида» томонидан тайёрланган ва ундан ажралиб чиққан жангарилар кўпчилиқни ташкил этади.

Террорчилик ҳаракатларида иштироки. Маълумотларга кўра, шу кунга қадар «Жабҳат ан-нусра» томонидан 70 дан зиёд худкушлик амалиётлари содир этилган. Шунингдек, улар алавий ва шиалардан иборат тинч аҳолига ҳам ҳужум уюштирган.

Ҳаракатга муносабат. 2012 йил декабрда АҚШ Давлат Департаменти, 2013 йил май ойида БМТ Хавфсизлик Кенгаши «Жабҳат ан-нусра» ҳаракатини террористик ташкилотлар рўйхатига киритди. Шунингдек, Австралия, Буюк Британия каби бир қатор давлатлар ҳам мазкур уюшмани террористик ташкилот деб эълон қилган. Бу эса Сурия мухолиф кучлари томонидан норозилик билан қарши олинди.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш жоизки, юқорида номлари зикр этилган экстремистик ва террорчи уюшмаларнинг ҳозирги кундаги фаолиятида ўз мақсадларини амалга ошириш учун асосан замонавий ахборот коммуникацияларидан кенг фойдаланиш, интернет орқали турли тилларда тарғибот олиб бориш ва пухта ишланган стратегия асосида виртуал жамоатлар тузиш асосий вазифага айланган. Айниқса, ёшлар орасида мутаассибликка йўғрилган бундай форумларнинг тобора оммалашуви муаммонинг нақадар жиддий эканини намоён этади.

Аслида, бу бузғунчи оқимларнинг асл мақсади дин байроғи остида талончилик ва босқинчилик, террорчилик ва қўпурувчилик ҳаракатларини содир этиш, жамиятга ҳар томонлама зарар етказиш орқали кишилар, айниқса ёшлар орасида миллатлараро ва динлараро адоват, миллатчилик ва диний айирмачилик кайфиятларини шакллантиришдан иборат экани ҳеч ким сир эмас.



ИЛОВАЛАР

ФАТВО ВА УНГА ДОИР МАСАЛАЛАР

Ислом илм, маърифат ва инсон манфаатларини ҳимоя қилувчи диндир. Қуръон ва ҳадислар исломнинг асосий манбалари бўлиш билан бирга мусулмонлар ҳаётини ташкил этиш учун муҳим қўлланма ҳам ҳисобланади. Шундай экан, Қуръон ва суннатга асосланган ҳолда мусулмонларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, инсон камолоти ва жамият фаровонлиги, ижтимоий барқарорлик ва тараққиётни кўзлаб фатво чиқариш алоҳида билим ва малакани талаб этади. Мўътабар манбаларга кўра, араб тили, Қуръон ва ҳадис илмлари, фикҳ ва ислом тарихини жуда чуқур ва мукаммал биладиган мужтаҳидларгина шундай ҳукм чиқариш ҳуқуқига эгадир. Бироқ тарих ва замонавий воқелик диндан ёвуз мақсадда ҳам фойдаланиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Бундай ҳаракатлар муқаддас ислом динидан фойдаланган ҳолда амалга оширилгани ва оширилаётганини ҳам афсус билан қайд этиш лозим.

Сўнги йилларда экстремистик ва террорчи гуруҳлар дин ниқоби остида ўз ҳаракатларини «шаръий» деб ҳисоблаш орқали жамиятда турли хил қарама-қаршиликларни юзага келтиришга интилмоқда. Улар ўзларини «мужтаҳид» деб эълон қилган ҳолда неча асрлардан бўён мусулмонлар жамоаси эргашиб келаётган мазҳаб таълимотларига зид бўлган турли «фатволар»ни чиқармоқда. Бу эса, бир томондан инсонларни адашиб, нотўғри йўлларга кириб кетишларига сабаб бўлса,

иккинчи томондан жамиятда ўзаро тушунмовчилик, адоват кайфиятининг пайдо бўлишига замин яратмоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, мужтаҳид ким? Фатво ўзи нима? Уни кимлар беришга ҳақли?

«Мужтаҳид» сўзи луғатда – «тиришқоқ» деган маънони билдиради. Шаръий истилоҳда эса, мужтаҳид деб Куръон, суннат ва бошқа шариат манбалари асосида ҳукм чиқара оладиган кишига айтилади.

Бугунги кунда мужтаҳид даражалари хусусида бир қанча фикрлар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан жузъий ҳолатдагина фарқ қилади. Ҳанафий мазҳаби манбаларига кўра мужтаҳидлик даражалари қуйидаги қисмларга бўлинади:

1. «Мужтаҳид фи-ш-шариъа» ёки «мутлақ мужтаҳид» – Куръон ва сунна асосида усул ал-фикҳни ишлаб чиқади ҳамда шариат саволларига жавоб беради. Бу тоифа уламо-ларга тўрт мазҳаб асосчилари киради;

2. «Мужтаҳид фи-л-мазҳаб» (мазҳаб ичидаги мужтаҳид) – ижтиҳод даражасига эришган, бироқ у ўзи томонидан усул ва қоидаларни ишлаб чиқмайди, балки, бирор мазҳаб асосчисининг йўлидан боради. Бунга Имоми Аъзамнинг шогирдлари Имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммад Шайбонийларни келтириш мумкин;

3. «Мужтаҳид фи-л-масайил» (масалалар мужтаҳиди) – мазҳаббоши томонидан жавоб берилмаган янги масалалар юзасидан мужтаҳид мутлақ ишлаб чиққан усуллар асосида ижтиҳод қилади. Бу тоифага Имом Таҳовий, Имом Сарахсий ва Имом Кархий каби уламолар киради;

4. «Мухарриж» – ўзлари мустақил равишда ижтиҳод қила олмайди, лекин мужтаҳидлар томонидан билдирилган, кўринишидан икки хил тушуниш мумкин бўлган ижтиҳодга аниқлик киритади. Бунга мисол тариқасида Имом Розий ва Имом Журжонийларни келтириш мумкин;

5. «Муражжих» – бу тоифа уламолар ҳам ижтиҳод қилишга қодир бўлмаса-да, бир масалада мужтаҳиднинг икки

хил фикри бўлса, далилларга таянган ҳолда улардан бирини танлайди. Бунга Имом Қудурий ва Имом Марғинонийларни киритиш мумкин;

6. «Муқаллид» – бу юқоридаги даражаларга кирмайдиган фақиҳлардир. Улар ўз мазҳаблари ичидаги масалаларни яхши ўзлаштирган ҳамда ўз фаолияти давомида улардан кенг фойдаланадиган уламолардир. Бунга Имом Хаскафий ва Ибн Обидин каби фақиҳлар мансубдирлар.

Мужтаҳид томонидан бирор масала юзасидан чиқарилган ҳукм «фатво» деб аталади. «Фатво» арабча сўз бўлиб, «саволга жавоб бериш», «шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ», «маслаҳат бермоқ», «муфтийнинг хулосаси» маъносини англатади. Истилоҳда эса, сўраган кишига шаръий далил асосида ҳукм чиқаришга нисбатан қўлланилади.

Луғавий жиҳатдан фатво берувчи инсон «муфтий» деб аталади. Бу борада олимлар бир қанча фикрларни билдирганлар. Жумладан, машҳур фақиҳлардан Имом Қарофий шундай деган: «*Муфтийлар Аллоҳ таолонинг таржимонларидир. Чунки улар нассга таянган ҳолда ҳукм чиқарадилар*»¹. Имом Шотибий эса: «*Муфтийлар уммат учун Расулуллоҳ (алайҳис-салом) мақомларида бўладилар. Бунга далил қилиб: «Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам эмас, балки илми мерос қилиб қолдирганлар*», ҳадисини келтиради»². Демак, фатво бериш ўта шарафли ва масъулиятли вазифалардан ҳисобланган.

Дастлаб фатво бериш мақомида Расулуллоҳ (алайҳис-салом) турганлар. У кишининг фатволари Аллоҳ таоло томонидан ваҳий қилинган Расулуллоҳ (алайҳис-салом) билан саҳобийлар ўртасидаги суҳбатлар одатда савол-жавоб тарзида бўлар эди. Расулуллоҳ билганларига жавоб берар, билма-

¹Ал-Қарофий. Ал-Фуруқ / Халил Мансур таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997. – Ж. 1. – Б. 358.

² Имом Шотибий. Ал-Мувафакот / Муҳаммад Абдуллоҳ Дироз таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-маърифат, 2007. – Ж. 4. – Б. 178-179.

ганларига Аллоҳ таолодан шу саволга жавобни билдиришни сўрар эдилар.

Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан сўнг саҳобийлар, улардан кейин тобейлар фатво берганлар. Шундай бўлса-да, фатво беришнинг масъулияти оғир эканини ҳис қилиб, саҳобийлардан Умар ибн Ҳаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Оиша онамиз, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Умар (р.а.) каби санокли кишиларгина фатво чиқарганлар. Ибн Абу Лайло айтадилар: «Расулуллоҳ (алайҳис-салом)нинг 120 та ансорларини учратдим. Уларнинг бирларидан савол сўраганимда кейингисига ўтказар, ундан сўрасам у бошқасини кўрсатар эди. Охири айланиб яна биринчи савол берган кишига келдим»¹. Ушбу ҳолатда ҳам кўришимиз мумкинки, саҳобийлар фатво беришда ниҳоятда эҳтиёткор бўлганлар.

Саҳобийлардан сўнг, тобейлар ёки улардан кейинги даврда яшаган уламолар ҳам фатво беришдан ўзларини сақлардилар. Жумладан, тобейлардан бўлган Шаъбийдан бир савол сўралганда у киши: «*Билмайман*», деб жавоб қилади. Шунда, одамлар: «*Сен Ироқ фақиҳи бўлсанг, «билмайман» дейишга уялмайсанми?!*» деганда Шаъбий: «*Фаршталар: «Зоти покинг ҳаққи, бизда Ўзинг билдирганингдан ўзга илм йўқдир» (Бақара, 32), дейишга уялмаган, мен нега уялай*», деб жавоб берган².

Фатво бериш масаласида мазҳаббошиларидан бири бўлмиш Имом Молик: «*Инсон бирор саволга жавоб беришдан олдин ўзини дўзах ёки жаннатда тасаввур қилсин-да, кейин жавоб берсин*», деган экан. Бир куни у кишидан савол сўралганда: «*Билмайман*», деб жавоб беради. Савол берган киши: «*Бу осон савол бўлса, шуни ҳам билмайман, дейишга уялмай-*

¹ Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруха, аҳаммиятуха ва мушкилатуха фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008. – Б.16.

² Абу Абдуллоҳ ал-Ҳароний. Сифат ал-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. – Байрут: ал-Мактаб ал-исломий, 1976. – Б. 9.

санми?!» деганда Имом Молик ғазабланиб: «Осон масала?! Билиб қўй, динда осон масаланинг ўзи йўқ! Аллоҳ таолонинг: **«Зеро, Биз Сизга оғир Сўзни (Қуръонни) туширажакмиз»** (Муззаммил, 5), оятини эшитмаганмисан?! Илмнинг барчаси қийин, жумладан, сен сўраган нарса ҳам», деб жавоб берган¹.

Фатво мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда фатво беришга ҳамма ҳам ҳақли эмас. Акс ҳолда, бу каби ҳолатлар қанчадан қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом жохиллик, ёвузлик, босқинчилик ва қотиллик дини сифатида намоён бўлишига сабаб бўлади. Аслида, ислом қоидаларига биноан фатво бериш ҳуқуқи юқорида қайд этилганидек, фақатгина ақида, фикр илмида мукаммал даражага етган, Қуръонни тафсирлари ва турли илмлари билан тўлиқ ёд билувчи, қолаверса, «муфтий» (фатво берувчи) мартабасига эга бўлган муайян шахсларгагина берилиши маълум. Имом Аҳмад ибн Ханбал (р.х.)дан қанча ҳадисни ёдлаган одам фатво бериши мумкинлиги ҳақида сўралганда, улар муфтий камида 400 минг ҳадисни билиши кераклигини айтган. Ибн Асокир келтирган Расулulloҳ (алайҳиссалом)нинг *«Кимда-ким илмсиз фатво берса, унга Аллоҳ таоло, фаришталар, осмону ердаги барча мавжудотларнинг лавнати бўлсин»*, деган ҳадислари ҳам экстремистларга хизмат қилувчи «фатвоchi уламолар»нинг фаолиятига муносиб баҳодир.

Шу ўринда, бугунги кунда баъзи эътироф этилмаган оқимлар ҳамда шахслар ўз ғаразли мақсадлари, амалиётларини оқлаш йўлида муқаддас ислом номи билан турли «фатволар» бериб келаётганини афсус билан қайд этиш лозим. Жумладан, «жиход», «такфир» (кофирга чиқариш), «хижрат», «ўз-ўзини ўлдириш» каби масалаларда чиқарилаётган фатволар

¹ Носир Абдуллоҳ ал-Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008. – Б. 17.

шулар жумласидандир. Масалан, «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотининг 2001 йилда чиққан «Ал-Ваъй» (Онг) журналида «ўзини ўлдириш» борасида қуйидаги фатво берилган: «...кофирларнинг ҳарбий лагерларида уларга шикаст етказиш учун ўзини портлатиб юборадими ёки портловчи модда солинган белбоғни боғлаб ўзини ҳам, кофирларни ҳам портлатиб юборадими – бунинг фарқи йўқ. Модомики булар кофирга қарши жанг қилиш воситалари экан, барчаси жоиз». Ваҳоланки, динимиз таълимотларида ҳаёт Аллоҳ таоло томонидан инсонга берилган имконият ва айни дамда омонатлиги, бу неъматни асраб-авайлаш, унга хиёнат қилмаслик лозимлиги таъкидланиб, ўз жонига қасд қилиш катта гуноҳ сифатида қораланган. Қолаверса, мазкур фатвони асослаш учун келтирилган Қуръони карим оятларини ўзларининг «фойдаси»га мослаб шарҳлаганларини кўриш мумкин. Жумладан, унда «Тавба» сураси 36-оятининг бир қисмигина, яъни «... **барча мушрикларга қарши жанг қилингиз**» тарзида таржима қилиниб, далил сифатида келтирилган. Ваҳоланки, ушбу оят тўлиқ ҳолида таржима қилинса, умуман бошқа маъно чиқишини кўриш мумкин. «Албатта, Аллоҳнинг наздида ойларнинг адади – Аллоҳнинг осмонлар ва Ерни яратган кунидagi битигига мувофиқ – ўн икки ойдир. Улардан тўрттаси (уруш) тақиқланган ойлардир. Ана шу тўғри диндир. Бас, ўша (ой)ларда (жанг қилиб) ўзингизга зулм қилмангиз! Мушриклар (мазкур тўрт ой асносида) сизларга ёппасига уруш очсалар, (сизлар ҳам) уларга ёппасига уруш очингиз! Яна, билиб қўйингизки, Аллоҳ тақволилар билан биргадир!» Мазкур оятнинг шарҳида бундай дейилади: «Ушбу оят далолат қиладики, исломда мушриклар билан жанг қилиш, балки умуман урушишга фақат зарурат тақозоси билан рухсат этилади ва шунда ҳам мусулмонлар тақвони қўлдан бермаслик ва тажовузкорликка ўтмасликка буюрила-

ди»¹. Бунда биринчидан, ушбу оятнинг охирида келтирилган маъно мушрикларга қарши қаратилган. Лекин террорчи гуруҳлар буни мусулмонларни кофирликда айблаб, уларга қарши далил сифатида келтирмоқда; иккинчидан, оятда «**Мушриклар** (мазкур тўрт ой асносида) **сизларга ёппасига уруш очсалар...**» маъносида шарт қўйилмоқда. Агар улар уруш очмасалар, урушишга ҳожат йўқ!

Шунингдек, баъзи тоифалар мансух бўлган ҳадислардан ҳам кенг фойдаланишга уринаётганини таъкидлаш лозим. Жумладан, айрим ашаддий «салафийлик»ка мансуб гуруҳлар қабрларни зиёрат қилишни мутлақ ширкка чиқармоқда. Уларнинг даъволарига кўра, қабрларни зиёрат қилган одам мусулмончиликдан чиқар экан. Шу билан бир қаторда, баъзи «фатвочилар» томонидан Расулulloҳ (алайҳис-салом)нинг қабрлари устига қурилган гумбазни бузиб ташлаш кераклиги ҳақида ҳам фатволар чиқарилган. Бунинг натижасида баъзи тоифалар ўз даврида Мадинаи мунавварадаги саҳобийлар қабрларини бузиш билан кифояланиб қолмай, ҳатто Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг қабрларини вайрон қилишга ҳам яқин келган эдилар. Ваҳоланки, қабрларни зиёрат қилиш ислом динида мандуб (мустаҳаб) амал ҳисобланиб, унинг ўзига хос одоби мавжуд. Маълумки, исломдан аввалги жоҳилият даврида қабрларни улуғлаш, уларга сиғиниш авж олган эди. Шунинг учун ҳам, Муҳаммад (алайҳис-салом) дастлаб – мусулмонлар бутпарастлик ва ширк асоратларидан батамом покланиб улгурмаган, тавҳид тўлиқ қарор топмаган бир пайтда кишиларни мазкур амалдан қайтарган эдилар. Ислом бутунлай қарор топгандан сўнг, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) охиратни эслатишини инобатга олиб, қабрларни зиёрат қилишга изн бердилар. Имом Термизий ривоят

¹ Қаранг: Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – Б. 192.

қилган ҳадисда: «*Мен сизларни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Энди қабрларни зиёрат қилаверинглар. Чунки у қалбни юмшатади, кўзни ёшлатади ва охиратни эслатади*», деб марҳамат қилинган. Ўтганлар хотирасини ёдга олиш дунёнинг ўткинчи эканини ҳис этиш, шу орқали кишини бошқаларга зарар етказадиган, гуноҳ ишларни қилишдан сақланиш ва эзгу амалларни кўпроқ қилишга ундайди. Демак, қабр зиёрати инсонлар ўртасидаги ўзаро меҳр-мурувват фазилатларини кучайтирувчи воситадир. Зиёратчининг дуо фотиҳасидан эса, қабрда ётганлар баҳраманд бўлади.

Шунга ўхшаш ҳолатлардан яна бири сифатида мисрлик сохта салафий оқими намоёндаларидан бири, такси ходимларининг христиан руҳонийларини олиб юриши оғир гуноҳ экани, бу ишни бажариш спиртли ичимликларни ичиш билан баробарлиги тўғрисида фатво берганини келтириб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, қизларнинг таълим даргоҳларида таҳсил олишини ҳам қоралаб, уларнинг математика, география каби замонавий фанларни ўқишларидан ҳеч бир фойда йўқлиги, бу нарса оғир мусибат экани ва қизларнинг мактабга боришларини тақиқловчи фатволар ҳам чиқарилган. Бу эса, ўз навбатида, қатор давлатларда қизларнинг мактабларига ҳужумлар уюштирилишига ва кўплаб талафотлар етказилишига сабаб бўлган.

Сохта салафийлар томонидан чиқарилаётган бу каби фатволар жамиятнинг пароканда бўлиши, инсонлар қони тўкилиши, фитналарнинг кўпайишига олиб келаётгани, унинг ислом таълимотларига зид эканини намоён этади. Зеро Расулulloҳ (алайҳис-салом): «*Фитна уйқудадир. Уни уйқотганни Аллоҳ лаънатласин*», деб марҳамат қилганлар (*Рофеъий ривояти*).

Фатво масаласидаги яна муҳим жиҳатлардан бири бу – бугунги кунда оммавий ахборот воситалари, спутник ка-

наллар орқали тўғридан-тўғри фатво бериш амалиёти авж олмоқда. Бу ҳолатда фатво берувчи фатво сўровчининг на ҳоли ва на вазияти тўғрисида билимга эга бўлмай фатво бериб юбораверади. Бу ўз навбатида, бир ёки ўн киши эмас, балки дунё бўйлаб турли мазҳабдаги миллионлаб мусулмонлар орасида тушунмовчилик ва низоларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Ваҳоланки, фикҳий китобларда қайд этилишича, муфтий юксак илм соҳиби бўлиш билан бир қаторда, ўзи яшаб турган вақтнинг воқелиги, инсонлар ҳолатини яхши билиши керак. Бу борада Хатиб Боғдодий ўзининг «Ал-фақиҳ ва-л-мутафаққиҳ» асарида: «*Фақиҳ киши дунёвий ва диний масалаларга тааллуқли бўлган барча нарсаларни билиши шартдир*», деб таъкидлайди.

Шу ўринда, сўнгги йилларда интернет тизими орқали ҳам кўплаб бузғунчи фатволар бериб борилаётганини таъкидлаш лозим. Хатарли тарафи шундаки, бу каби фатволар ислом оламида кўзга кўринган уламоларга нисбат берилмоқда. Шундай фатволардан бири, «Никоҳ жиҳоди» деб аталиб, унга кўра, ҳозирги кунда Сурия ёки Ироқда ўзларича «жиҳод қилишмиз» деб иддао қилаётган «жиҳодчилар»га никоҳланиш, уларнинг жинсий эҳтиёжини қондиришлари учун бошқа давлатлардан аёллар ва қизларнинг у ерларга хижрат қилишлари лозимлигини таъкидлайди. Одатда бундай сохта фатвога учган қизларга жиҳодчиларнинг лагерларида жорияларга қилинадиган муносабат кўрсатилади. Ҳатто бир ёки ундан ортиқ «мужоҳид»га никоҳланиб чиқишига ҳам изн берилади.

Бундан ташқари, баъзи ҳаракатлар бузғунчилик амалиётларини ислом динига боғлаб амалга оширишда «буюртма фатволар»дан самарали фойдаланмоқдалар. Аслида исломда илм-маърифатли бўлиш, Яратган томонидан инсонларга берилган неъматлар ҳақида билим орқали тадаббур қилишга тарғиб қилинган. Шунинг учун ҳам, Аллоҳ таоло тафаккур қилмайдиган, ўзининг ким эканини англаб етмайдиган, бу-

гуннинг ҳузур-ҳаловати билан яшаб, эртаси ҳақида қайғурмайдиган, онгсиз кимсаларни Қуръони каримда: «...Уларда қалблар бор, (лекин) улар билан «англамайдилар». Уларда кўзлар бор, (лекин) улар билан «кўрмайдилар». Уларда қулоқлар бор, (лекин) улар билан «эшитмайдилар». Ана ўшалар ҳайвонлар кабидирлар. Балки улар (янада) адашганроқдирлар. Айнан ўшалар ғофиллардир» (Азроф, 179), деб таърифлайди. Шунингдек, Ҳасан Басрий (р.х.) ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади: «Инсонлар илм ўрганиб амални тарк қилганларида, тиллари ила севишиб, қалблари ила адоватда бўлсалар ва силаи раҳми узсалар, Аллоҳ уларни лаънатлаб, қулоқларини қар ва кўзларини кўр қилиб қўяди». Дарҳақиқат, ислом оламининг эътиборли уламолари томонидан мўътабар манбалар асосида берилган фатволар ёки раддияларни тан олмаётган турли фирқа ва оқим тарафдорларини ҳам юқоридаги оят ва ҳадисларда келтирилган кимсаларга қиёслаш мумкин.

Шундай экан, фатво мусулмонлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Фатво беришга, фақатгина, илмда муайян даражага етишган ҳамда уламолар томонидан эътироф этилган кишигина ҳақлидир. Акс ҳолда, бу каби ҳолатлар қанчадан қанча бегуноҳ инсонлар қонининг тўкилиш ҳамда асл таълимоти тинчлик бўлган ислом динини «уруш» дини сифатида кўрсатиш, ўзаро адоват ва нафрат уруғини сочиш, мусулмонлар ўртасида турли хил фитналарнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Фатво оладиган одам ҳам, албатта, ўз навбатида ишончли, барча эътироф этган уламога мурожаат қилиши билан ўзини ҳам, атрофдагиларни ҳам турли мусибатлардан асраган бўлади.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ВА ТЕРРОРЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ ГОЯЛАРИ ҲАМДА ФАОЛИЯТИНИНГ ИСЛОМ ТАЪЛИМОТЛАРИГА ЗИД ЭКАНИ БОРАСИДА ЧИҚАРИЛГАН ФАТВОЛАРДАН НАМУНАЛАР

ДИН НИҚОБИ ОСТИДАГИ ДИНБУЗАРЛАР ҲАҚИДА ФАТВО

*Ўзбекистон муслмонлар
идорасининг раиси, муфтий.
Тошкент шаҳри. 1999 йил 16 июнь*

Аллоҳ таолога беадад шукрлар айтамыз, даҳрийликка асосланган кўп йиллик истибдод тузумидан халос этиб, жонанжон юртимиз халқини истиқлол неъматини ила сарофроз айлади. Лекин бу улғу неъматнинг кадр-қимматини чуқур англаб етмайдиган, ўтиш давридаги баъзи қийинчиликларга мардона бардош бериш ўрнига ношукрчилик балосига мубтало бўлган, ташқи ва ички душманларимизнинг макр ва хийлаларига учиб, турли жинойят ва хиёнат йўллариغا кириб кетаётган айрим ҳамюрт ёшларимизнинг қоқилаётганлиги ўта таассуфли ҳолдир.

Айниқса, кейинги пайтда «Ҳизб ат-Таҳрир» дея аталмиш диний-сиёсий фирқанинг хориждан келиб, юртимизда ўз даъвати ва фаолиятини юргизаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу

фирқа динни озод қилиш шиори остида, кимлардир тузиб берган режаларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Динимиз асосини пухта билмайдиган баъзи мағрур ёшларимиз онгини заҳарлаб, уларни ўз тузоқларига илинтирмоқдалар. 16 февраль воқеаларидан кейинги ўтказилган чора-тадбирлар ва жинойтчилар устидан олиб борилган суд шуни кўрсатаяптики, жинойтчиларнинг деярли ҳаммаси дин ниқоби остида сиёсий ғаразларини амалга оширмоқчи бўлиб юрган турли оқим, партия ва гуруҳларнинг малайлари бўлиб, Ислом дини қонун-қоидаларини яхши билмаганликлари оқибатида осонгина алданиб қолганлар. Улар ҳозирда қилган ишларига пушаймон бўлиб, хатоларини тан олиб, ёшларга қарата ўзларига ўхшаб алданиб қолмасликни такрор ва такрор айтмоқдалар.

Азиз мўмин-мусулмонлар!

Сизларни ўта хушёрликка, мазкур хизб ташкилотчиларининг дин номидан гапираётган ғаразли даъватларига сира ишонмасликка чақирамиз. Улар тарқатаётган варақаларда ёзилган даъволарда айтилишича, гўёки улар бу ҳаракатлари билан Аллоҳнинг амрини бажараётган эмишлар, ўз даврини ўтаган ислом халифалиги тузумини қайта тиклаб, ер юзидаги барча мусулмонларни шу халифаликка бўйсундирар эмишлар. Уларнинг фикрича, бизнинг мамлакат кофирлар диёри бўлиб, давлат раҳбарлари мусулмон эмас эмиш.

Уларнинг бу каби иддаоларига қисқача жавоб тарзида тўла ишонч билан шуни таъкидлаб айтамызки, Пайғамбаримиз мустафо (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафотларидан олдин шундай деганлар: *«Менинг вафотимдан кейин халифалик ўттиз йил давом этади. Ундан кейин амрлик ва подшоҳлик бошланади»*. (Имом Термизий ва Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ривоятлари).

Демак, ҳақиқий ислом халифалиги ўз даврини ўттиз йил муддатда ўтаб бўлган. Ундан кейинги умавийлар, аббосийлар

ёки усмонли турк халифаликларига гарчи халифалик атама-си қўлланилган бўлса-да, улар ҳақиқий халифалик эмас, балки, амирлик, подшоҳлик эканлиги Аҳли сунна вал-Жамоа уламолари томонидан исботланиб келмоқда.

Ҳизбчилар ҳар қандай даврда, ҳозир ҳам халифалик давом этиши керак, усиз яшаш мумкин эмас, у мусулмончиликнинг асосий шартларидан бири, деб жар солмоқдалар. Ваҳоланки, мусулмончиликнинг ҳамма шартлари азалдан ҳаммага аён. Бу шартлар ичида халифалик тўғрисида бирор ишорат ҳам йўқ.

Халифалик ислом шартларидан деб мусулмонлар онгини чалғитиш, имон-эътиқодларига шубҳа туғдириш – бу айни фитна-фасод ишлардандир. Халифалик Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафот этган замонларида зарур эди. Зеро, исломни энди қабул қилган, имонлари мустаҳкам бўлмаган мусулмонлар кўп бўлиб, улар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) вафотларини исломнинг инқирози деб тушуниб, диндан қайтишлари мумкин эди. Шу боис ўша даврдан бир кун ҳам халифасиз яшашлик аҳли ислом учун жоиз эмас эди. Ўттиз йил мобайнида мусулмонлар кўникиб, имонлар такомиллашиб олгандан кейин, ислом ер юзининг узоқ-узоқ ўлкаларига ҳам тарқаб бўлгач, халифалик каби яққа ҳокимликка эҳтиёж қолмади. Тарихга бир назар солсангиз, ўша 30 йил давом этган «хулафои рошидин» давридан кейинги халифаликлар, амирлик ва подшоҳликлар фақат мулку-салтанат, тожу-тахт талашини, мусулмонлар қонини тўкиш, нотинчлик келтирган. Ҳизбчилар қайси халифаликни қайта тикламоқчилар ўзи?!

Бинобарин, ҳозирда ҳизбчиларнинг халифаликни қайта тиклаш йўлидаги ҳаракатлари замирида ислом динига ва мусулмонларга фойда эмас, балки фақат қирғин-барот уруш ва нотинчлик келтириб чиқаришлик ётибди. Иккинчи тарафдан, мабода халифалик тикланган тақдирда ҳам,

ким халифа этиб сайланади? Қайси мамлакат номзоди қабул этилади? Унинг маркази ва ҳудуди қандай белгиланади? Бу муаммо шундай мураккаб, шундай ечими мушкул жумбоқки, уни ҳал этиш умуман мумкин бўлмаган, амри маҳол нарсадир. Шу йўл билан мусулмонларни инқирозга учратмоқчи бўлган дин душманлари гоҳ халифалик, гоҳида ислом давлати қуриш каби усти ялтироқ, ичи қалтироқ ғояларни содда мусулмонлар оммасига сингдирмоқчи бўладилар. Бу ҳийла ва макрни тушунмаган ёшларимизнинг кўпчилиги уларнинг тузоқларига илиниб қолмоқдалар.

Иккинчи иддаолари – бизнинг мамлакат кофирлар диёри эмиш. Йўқ, асло! Бизнинг мамлакат мусулмонлар диёридир. Зеро, аҳолимизнинг 80 фоиздан зиёди мўмин-мусулмон. Ислонинг беш рукни, яъни имон, намоз, рўза, закот, ҳаж ибодатлари амалга оширилиб келинмоқда. Ислон дини таълимотига тўлиқ амал қилиш учун бизда барча шароитлар мавжуд. Давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсати ижобий эканлигига, зарур бўлса, беҳисоб далиллар келтириш мумкин. Истиқлол тантанасидан кейин диний ва миллий қадриятларимизни тиклаш ва ривожлантириш соҳасида қилинган ишларни кўрмаслик – бу айна нонқўрлик ва ношукурликдир.

Уларнинг яна бир асоссиз иддаоларидан бири давлатимиз раҳбарлари мусулмонлардан эмас эмиш. Ахир, бу қандай бўҳтонки, оддий давлат хизматчисидан тортиб то юқори раҳбарлар, хусусан, муҳтарам Президентимиз сўзлари ва ишлари билан қанчалик ихлос, эътиқодли мусулмон эканликларини ошқора исботлаб келяптилар-ку! Ваҳоланки, исломий қонун-қоидаларга биноан бир шахсда 99 та кофирликка далолат қиладиган аломат мавжуд бўлиб, биттагина исломиятга далолат қиладиган белги топилса, уни кофир дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ! Наҳот ўша даъвогарлар давлатимиз раҳбарияти амалга ошираётган хайрли ва савобли ишларни билмасалар?! Ҳизбчиларнинг қўлланма ва тарқат-

ган маълумотларидан билинмоқдаки, мусулмончиликда ҳокимият учун кураш биринчи ўринда, ибодат ва ахлоқ иккинчи ўринда эмиш. Шунинг учун ҳам уларда на устозлар ва на ота-оналарга нисбатан иззат-ҳурмат бор.

Бундан ташқари улар мамлакатимиздаги расмий диний ташкилотларни ҳам тан олишмайди. Муфтиётдан тортиб, йирик-йирик дин пешволари, имом-хатиблар, ҳатто уларнинг ғоясига қўшилмаган ҳар қандай алломаларни ҳам эътироф этмайдилар, улар билан ҳисоблашмайдилар, балки улар шаънига турли таъна ва танқидларни йўллайдилар.

Яна энг ачинарлиси шундаки, улар Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) асос солган ҳанафий мазҳабига ҳурматсизлик билан қарайдилар. Юртимиз мусулмонларининг энг тўғри йўли саналмиш ҳанафий мазҳабида эканликларидан фахрланиш ўрнига бошқа заиф мазҳаб ва бузғунчи оқимларни қўллаб-қувватлайдилар. Ахир, бу ҳам хиёнатнинг бир тури эмасми?! Мазкур ҳақиқатлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Олий ҳайъати ва Уламолар кенгаши қуйидаги кўрсатмаларни юртимиз мусулмонлари диққатига фатво шаклида тақдим этади:

1. Ҳизб ат-таҳрир аъзоларининг фаолияти ва ташвиқоти ислом дини таълимотига мувофиқ эмас, балки дин душманлари томонидан мусулмонлар ўртасига низо ва нифоқ солиш йўли билан уларнинг инқирозга учратиш мақсадида тузиб берган режаларининг амалдаги татбиқи деб билинсин.

2. Ҳизбчиларнинг Ислом дини номидан тарқатаётган адабиётлари, дарсликлари ва қўлланмалари ҳамда варақаларида ёзилган маълумотлар жаҳондаги Ислом дини бўйича ҳақиқий етук олим ва уламолар томонидан эътироф этилмаган, балки ғанимларимиз томонидан ўргатилган ифвогарона ташвиқот экани назарда тутилсин.

3. Мамлакатимиздаги мавжуд барча масжид имом-хатиблари ўз мавъизаларида «Ҳизбут-таҳрир» каби жангари

оқимларининг ноҳақ эканликларини ва уларнинг таъсирига берилишнинг нохуш оқибатлари тўғрисида тушунтириш ишларини олиб борсинлар.

4. Имом-хатиблар муҳтарам Президентимиз томонидан эълон қилинган, ўз айбига иқрор бўлиб, кечирим сўраган ёшларни афв этилишининг аҳамиятини халқ оммасига етказиб, адашган гуруҳларга тўғри йўл топиб олишларида кўмаклашсинлар.

5. Шунингдек, улар жаҳолатга берилиб, адашиб кириб қолган жиноят йўлларида қайтмай, қайсарлик қилувчи ёшларнинг жавобгарликка тортилиши давлатимиз обрўси учун ҳам зарарли, уларни ўз вақтида тийиб олмасак, фожеали натижалар келтириши тўғрисида кенг жамоатчилик билан музокарали суҳбатлар ўтказилсин.

6. Етарли огоҳлантиришлардан кейин ҳам ўзларининг қалтис йўлларида қайтмаган катта-кичик кимсалардан мусулмон аҳолимиз қариндошчилик, қўшничилик ва дўстлик алоқаларини узсинлар. Уларнинг диний ва урфий маросимларида ҳам иштирок этмасинлар.

7. Барча мусулмон халқимиздан талаб қиламизки, мазкур оқим аъзоларининг иш-фаолияти, тарқатаётган варақалари тўғрисида хабар топганларида, улар бевосита ва билвосита тўсқинлик қилиб, чора кўрсинлар.

8. Динимиз ва миллатимиз шаънига доғ тушираётган бундай гуруҳларга қарши қандай чора ва тадбирлар кўраётганлиги тўғрисида ҳар бир имом-хатиб Диний идорага маълумот бериб турсин.

9. Барча имом-хатиблар ўз жойларидаги маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда динимиз ва маънавиятимизга ёт бўлган ҳар қандай ғояларнинг тарқатилишига қарши курашда фаолликларини оширсинлар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда бизларга шундай дуони таълим беради:

«Парвардигоро! Бизларни аҳли куфрлар учун фитна (масхара) қилиб қўймагин, бизларни мағфират эт! Парвардигоро! Сен Ўзинг қудратли ва ҳикматли зотдирсан!»
(Мумтаҳана, 5)

Шунинг учун Ҳақ таолодан илтижо ила сўраймизки, ҳеч бир бандани тўғри йўлдан адаштирмасин. Катталарга нури имон, ёшларимизга инсофу тавфиқ ато этсин. Ватанимиз равнақи кундан-кунга зиёда бўлиб, барча мусулмон-мўминларни рушду ҳидоятда собитқадам айлосин. Вассалому алайкум вароҳматуллоҳи ва баракотух.

ЎЗИНИ-ЎЗИ ТУРЛИ ЙЎЛЛАР БИЛАН ҚАСДАН ЎЛДИРИШНИНГ ОҒИР ГУНОҲЛИГИ ҲАҚИДА ФАТВО

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
Уламолар кенгаши раиси, муфтий
Усмоҳон АЛИМОВ.
Тошкент шаҳри,
2014 йил 22 апрель*

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

الحمد لله الذي خلق الموت والحياة ابتلاءً واعطى من فاز بصالح اعماله في الدنيا نجاة وفي الآخرة ارتضاءً والصلاة والسلام على من ارسله للعالمين رحمة واختصه للنبوّة اصطفاءً وعلى آله واصحابه ومن تبعهم باحسان يبتغون فضلاً من الله ابتغاءً أما بعد،

Инсон ўзига берилган барча илоҳий неъматларга доимо шукр қилиб, ҳаётда дуч келадиган ҳар қандай синов, қийин-

чилик, муваффақиятсизлик, мусибатларга сабр қилиши ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан умидвор бўлиб яшаши лозим. Турли шайтоний васваса, тушкунлик ва умидсизликка берилмай, Инсон деган улуғ номга мувофиқ иш тутиши керак.

Шунга қарамай, кейинги вақтда жамиятимизда айрим кишилар билиб-билмай, айниқса, хотин-қизлар ўзларининг жонларига қасд қилиб, Аллоҳ таоло ато қилган ҳаёт нуруни бевақт ўчиришга, икки дунёда абадий лаънатга ва дўзах азобида дучор бўлишдек оғир гуноҳ қилишга ўтмоқдалар. Динимиз таълимотида инсон ўз жонига қасд қилиши қаттиқ қораланади, ушбу ишни қилган осий банда жаҳаннам ўти билан азобланиши таъкидланади. Аллоҳ таоло айтади:

... وَلَا تَلْفُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ وَأَحْسِنُوا إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُحْسِنِينَ

(سورة البقر/ ٥٩١)

яъни: «...ўз қўлларингиз билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради» (Бақара, 195).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ўз ҳадиси шарифларида шундай марҳамат қиладилар:

مَنْ تَرَدَّى مِنْ جَبَلٍ فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَهُوَ فِي نَارِ جَهَنَّمَ يَتَرَدَّى فِيهِ خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا،
وَمَنْ تَحَسَّى سُمًّا فَقَتَلَ نَفْسَهُ فَمُسْمُهُ فِي يَدِهِ يَتَحَسَّاهُ فِي نَارِ جَهَنَّمَ خَالِدًا مُخَلَّدًا
فِيهَا أَبَدًا، وَمَنْ قَتَلَ نَفْسَهُ بِحَدِيدَةٍ فَحَدِيدَتُهُ فِي يَدِهِ يَجَأُ بِهَا فِي بَطْنِهِ فِي نَارِ جَهَنَّمَ
خَالِدًا مُخَلَّدًا فِيهَا أَبَدًا (رواه البخاري والمسلم).

яъни: «Ким тоғ тепасидан ташлаб, ўзини-ўзи ўлдирса, ўлгандан сўнг жаҳаннамда ҳам шу хил азобга гирифтор бўлади. Агар заҳар ичиб ўзини-ўзи ўлдирса, жаҳаннамда ҳам абадий шу азобга мубтало бўлади. Ким ўзини темир парчаси билан

ўлдирса, ўша кимса темир парчасини қорнига суққан ҳолда жаҳаннам ўтида абадий қолади».

Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) яна бир ҳадислариди: «Ўзини сувга ташлаб ёки осиб ёки куйдириб ўлдирган кишиларнинг ҳукми ҳам юқорида зикр қилинганлар ҳукми билан баробардир», - деб марҳамат қилганлар.

Имом Бухорий Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилиб, Расули акрам (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг ушбу ҳадиси шарифларини келтирадилар:

الَّذِي يَخْتُقُ نَفْسَهُ يَخْتُقُهَا فِي النَّارِ وَالَّذِي يَطْعَنُ نَفْسَهُ يَطْعَنُهَا فِي النَّارِ
(رواه البخاري).

яъни: «Ким ўзини-ўзи бўғиб ўлдирса, дўзахда ҳам шу хил азобга қолади ва ким ўзини олов билан ўлдирса дўзах оловида ҳам худди шундай азобга қолади».

Яна Имом Бухорий ривоят қилишларича, Ҳазрати Расули акрам (соллаллоху алайҳи васаллам) айтадилар: «Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда марҳамат қилади:

بَادَرَنِي ابْنُ آدَمَ بِنَفْسِهِ فَفَتَلَهَا ، فَقَدْ حَرَمْتُ عَلَيْهِ الْجَنَّةَ (حديث قدسي).

яъни: «Бандам ўзини-ўзи ўлдириб, менинг унга берган умримга шукр қилмай, шошилди. Шунинг учун унга жаннатни абадий ҳаром қилдим».

Ушбу ҳадиси қудсий мазмунига кўра, ўзини-ўзи ўлдирган банда жаннатдан абадий маҳрум қилинар экан.

Шу муносабат билан афсус ила зикр қилиб ўтиш лозимки, айрим вилоятларда турли йўллар ила ўз жонига қасд қилиш воқеалари рўй бериб турибди. Айниқса, бу ҳодиса аёллар ва ёшлар ўртасида кўпроқ рўй бераётгани маълум бўлмоқда.

Бу мудҳиш ҳолатлар Аллоҳ таолонинг қазойи қадарига туғён қилишдан иборатдир. Ўзини-ўзи ўлдириш Аллоҳ таоло ҳузурида энг оғир гуноҳлардан бўлиб, шу йўл билан

ўлганлар, юқорида айтилганидек, охиратда ҳам оғир азобга қолишади ҳамда хешу-ақрабларини ва ота-оналарини ҳам оғир кулфатга солиб қўйишади. Ислом шариатида ўзини-ўзи ўлдирувчилар ҳақида махсус фатволар берилган. Шулар жумласидан фикҳ китобларида ўз жонига қасд қилиб, ўзини-ўзи ўлдирган шахсларга айрим уламо ва фуқаҳолар жаноза намози ўқимаслик тўғрисида фатво ҳам берганлар.

Саййид Собиқнинг «Фикҳус сунна» номли китобида эса жумладан, шундай дейилади: «Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) бу мудҳиш феъдан зажр қилмоқ, яъни умматларини қатъиян қайтармоқ учун ўзини-ўзи ўлдирган шахсларга жаноза ўқимадилар».

Аллоҳ таолога шукрки, биз – мусулмонлар инсон учун ҳамма ҳаёт шароитлари тўлиқ муҳайё қилинган фаровон жамиятда яшамоқдамиз. Биров-бировнинг ҳақ-хуқуқини камсита олмайди. Бундай адолатли жамиятда яшаш айни саодатдир. Бинобарин, бизнинг Ватанимизда ўзини-ўзи ўлдиришга ҳеч қандай сабаб йўқ.

Ҳар бир инсон, хоҳ эркак ва хоҳ аёл бўлсин, ушбу ҳақиқатни яхши тушуниб олиши ва шундайин тўқин, тинч ва фаровон замонда ҳамда адолат устувор бир жамиятда яшаётгани учун Аллоҳ таолога шукр қилиши лозим. Ҳар қандай ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни сабру қаноат ва ҳусни тадбир билан ҳал қилса бўлади. Аммо бесабрлик ила ношукурлик қилинса, оқибати хайрли бўлмайди.

Аллоҳ таоло омонат қилиб берган ҳаёт неъматини ва умримиз йилларини чиройли солиҳ амаллар қилишга, савобли ишларни бажариш билан ўтказишга, кундалик ҳаётий қийинчилик ва муаммоларни ақл-заковат билан ҳал этишга ҳаракат қилиш ва Аллоҳ таолонинг раҳматидан доимо умидворлик билан яшашга интилиш ҳақиқий имонли инсоннинг баркамол фазилати бўлиб ҳисобланади.

Дунёнинг айрим ерларида, хусусан Яқин Шарқ давлатлари ва Афғонистонда рўй бераётган қўпоровчилик, диний экстремистик ташкилотлар томонидан уюштирилаётган террорчилик ҳаракатлари ўзини-ўзи портлатиш орқали нафақат ўзининг жонига, балки бошқа бегуноҳ одамларнинг ҳам умрига зомин бўлмоқдалар. Бу ҳолат азиз ва мукаррам бўлган бегуноҳ инсон ҳаётига тажовуз қилиш бўлиб, улкан гуноҳ эканлигини қуйидаги ояти карима равшан баён қилади Аллоҳ таоло айтади:

وَلَا تَقْتُلُوا النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ... (سورة الأنعام/ ١٥١)

яъни: «...Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз!...». (Анъом, 151).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада бегуноҳ инсонларнинг қонини ноҳақ тўкиш катта гуноҳ эканлигини таъкидлаб, бундай қабиҳ иш инсониятга қилинган тажовуз деб таъкидлайди.

Баъзи бир кимсалар ўзини портлатиш билан гўё «шахидлик» мақомига сазовор бўлмоқчи бўладилар, аммо улар ўзларининг бу ғайриинсоний ҳаракатлари билан қанчадан-қанча бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилишига, майибмажруҳ бўлишларига сабаб бўладилар. Ислом таълимоти бундай ҳолатни кескин қоралайди ва бегуноҳ бир инсонга қилинган тажовуз деб билади. Бундай қабиҳ ишни қилган кимса бу дунёда ҳам, қиёматда ҳам азобу уқубатда қолади, деб таъкидлайди. Аллоҳ таоло бу ҳақда шундай дейди:

مِنْ أَجْلِ ذَلِكَ كَتَبْنَا عَلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنَّهُ مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا وَمَنْ أَحْيَاهَا فَكَأَنَّمَا أَحْيَا النَّاسَ جَمِيعًا وَلَقَدْ جَاءَتْهُمْ رُسُلُنَا بِالْبَيِّنَاتِ ثُمَّ إِنَّ كَثِيرًا مِنْهُمْ بَعْدَ ذَلِكَ فِي الْأَرْضِ لَمُسْرِفُونَ

(سورة المائدة/ ٢٣)

яъни: «Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукми битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир». Уларга расулларимиз (илоҳий) ҳужжатларни келтирганлар. Сўнгра уларнинг кўпчилиги ўшандан кейин (ҳам) Ерда исроф қилувчилардир» (Моида, 32).

Жаҳондаги нуфузли ислом муассасалари ва уламолари ўзини турли портловчи восита билан портлатиш орқали бегуноҳ одамларнинг ўлимига сабаб бўлиш шаръан ҳаром амал эканлигини таъкидлаганлар. Бу ишни Исломга ҳеч бир алоқаси йўқ. Бу гуноҳ ишни амалга оширганлар ким бўлишидан қатъи назар Аллоҳ таолонинг азобига ўчрайди, деб алоҳида қайд этганлар. Миср Фатво Бошқармаси уламолари таъкидлайдики, ўзини-ўзи портлатиш ёки шунга ўхшаш йўллар билан ўзини-ўзи ўлдириш Жаноби Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам) нинг: «Бир киши дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, қиёмат куни шу нарса билан азобланади», деган ҳадислари мазмуни остига киради деб фатво беришди. Ўзини-ўзи портлатиб ўлдириш мусулмон ёки бошқа бегуноҳ кишиларнинг қонини тўкиш ҳисобланади.

Мазкур далиллар ва фатволарга асосланган Ўзбекистон мусулмонлари идораси Уламолар кенгаши «Ўзини-ўзи турли йўллар билан қасддан ўлдиришнинг оғир гуноҳлиги ҳақида» фатво беради ва бегуноҳ инсон қони тўкилишига олиб келувчи бундай жирканч ҳаракатни қатъий қоралайди.

Қуръони карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларига амал қилган ҳолда ва мазкур далиллар асосида Ўзбекистон мусулмонлари идораси юртимиздаги барча мусулмонларга

муружаат қилиб, ўзини-ўзи ўлдириш каби ношаръий ҳолатларга қарши кескин чоралар кўришга чақиради. Инсонлар шундай ҳолатларга дуч келган тақдирда уни бартараф этишнинг чора-тадбирларини кўриш барча имом-хатибларнинг энг муҳим вазифаси ва ҳам диний, ҳам инсоний бурчларидир, деб ҳисоблайди.

Барча имом-хатиблар инсон ўзини-ўзи ўлдиришни ёки ўзига ўт қўйиши катта гуноҳ эканлигини мусулмонларга оят ва ҳадислар билан исботлаб тушунтиришлари лозим. Бундай ношаръий ишлар Аллоҳ таолонинг бандаларига берган ҳаёт неъматига ношукрлик эканини батафсил англатиб боришлари зарурдир.

Шу билан имом-хатиблардан ўзини-ўзи ўлдирганларга жаноза намози ўқишдан бош тортишлари талаб этилади. Бундан ташқари, уларнинг шундай ўлимга боғлиқ маърака ва худойиларига бормасликлари ҳамда ўз жонига қасд қилиб ўлганларнинг рухларига Қуръони карим оятларидан ўқимасликлари шаръан жоиздир. Имом-хатиблар шу йўл билан ўзини-ўзи ўлдирган шахсларнинг гуноҳи қанчалик оғир эканини халққа ошкор қилган ва мусулмонларни бу мудҳиш феълдан асраган бўлишади.

Аллоҳ таоло ҳар бир бандасига ато этган неъматларига шукр қилишга ва синов учун етган мусибатларга сабр қилишни насиб айласин!

ИСЛОМ ОЛАМИ РОБИТАСИНИНГ ТЕРРОРИЗМГА МУНОСАБАТИ Маккаи муқаррама баёноти

Терроризм таърифи, исломда уни бартараф этиш йўллари

Ислом Олами Робитаси қошидаги Ислом Фикҳи Академияси 1423/2002 йил шаввол ойида ўтказилган йиғилишида Маккаи муқаррама баёнотини эълон қилди. Унда терроризмга исломий таъриф берилиб, қўйидагилар баён қилинган:

Исломда инсоннинг эъзозланиши

Аллоҳ таолонинг «Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) муқаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик» (*Исро, 70*) оятидан ислом динининг инсонга бўлган юксак эҳтиромини англаш мумкин. Аллоҳ таоло жорий қилган мажбурият ва ҳуқуқлар эса унга дунё ва охиратда фаровон ҳаётни таъминлайди.

Академия инсонга қарата, инсонларни бир-биридан ажратмай, исломда кўрсатилганидек эъзозлаш турли миллат ва элатлар ўртасида бағрикенгликнинг пайдо бўлишига замин яратади. Инсоният олийлиги, тараққиёти, ривожланиши, халқларнинг тинчлик ва омонликда яшаши адолат каби бир қанча тамойил ва қадриятлар мажмуасининг устуворлиги билан амалга ошади. Халқлар бир-бирини илоҳий китоблар, пайғамбарлар кўрсатмаларига кўра эҳтиром қилиши билан ривожланишга эришади. Ана шу пайғамбарларнинг охиргиси Муҳаммад (соллаллоху алайҳи васаллам) барча миллат ва элатларга раҳмат қилиб жўнатилган: «(Эй, Муҳаммад!) **Биз Сизни (бутун) оламларга айни раҳмат қилиб юборганмиз»** (*Анбиё, 107*).

Академия, исломнинг инсонни эъзозлаши унинг ҳимоясини тақозо қилишини таъкидлайди. Шунинг учун ислом ин-

соннинг жони ва молини дахлсиз қилган. Ислом юртидаги ғайри мусулмон уммат итоат қиладиган суннатга кўра химоя этилган: «Унга бизга берилган ҳуқуқлар берилади, унинг зиммасига бизга юкланган мажбуриятлар юкланади».

Ислом ва терроризм

Ислом Фикҳи Академияси экстремизм, куч ишлатиш ва терроризмнинг исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканини таъкидлайди. Бу ишлар хатарли бўлиб, улар ўта салбий оқибатларга олиб келади. Уларда инсонга тажовуз, зулм қилиш бор. Шариатнинг икки манбаи Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) суннاتини ўқиган киши уларда ўзгаларга ноҳақ тажовуз қилиш каби экстремизм, куч ишлатиш ва терроризмнинг ҳеч қандай маъносини топмайди.

Терроризмга нисбатан мусулмонларнинг қарашлари, муносабатларига мос исломий таъриф бериш, экстремизм, куч ишлатиш ва зўравонликни исломга боғлашнинг хатарли эканини кўрсатиш учун Ислом Фикҳи Академияси мусулмонлар ва бутун дунё учун терроризмнинг таърифи, Исломнинг унга муносабатини тақдим этади.

Терроризмнинг таърифи

Терроризм бу – шахслар, гуруҳлар ёки давлатлар инсонга (унинг дини, жони, ақли, моли ва номусига) қарши тажовузона амалга оширадиган душманлик. Бу қўрқитиш, озор бериш, таҳдид ва ноҳақ ўлдириш, босқинчилик, йўловчиларни қўрқитиш, йўлтўсарликнинг турлари, зўравонлик ва таҳдид ишларини қамраб олади. Бу шахсий ёки гуруҳнинг жиноий режаси асосида содир этилади. Одамлар орасида қўрқув юзага келтириш, уларга азият бериб, хавотирга солиш, ҳаётлари, эрклари, хавфсизликларини хатарга қўйишни мақсад қиладди. Атроф-муҳит, кўприklar, оммавий ёки шахсий мулкларга зарар етказиш, миллий ёки табиий манбаларни хатарга қўйиш терроризм турларидан ҳисобланади. Буларнинг барчаси Аллоҳ таоло мусулмонларни «Ерда бузгунчи-

лик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас», (*Қасас, 77*) дея қайтарган ер юзидаги бузғунчиликнинг кўринишларидир.

Аллоҳ таоло терроризм, адоват ва бузғунчиликка қаттиқ жазо тайинлаган. Бу ислом шариатида Аллоҳ ва Унинг Расулига қарши уруш, Аллоҳнинг чегараларига, Унинг яратганларига қарши чиқиш сифатида эътиборга олинган: «**Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши жанг қиладиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси – ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилинишдир. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор) дир»** (*Моида, 33*). Ҳеч қайси башарий қонунда бу даражадаги қаттиқ жазо йўқ.

Экстремизм, куч ишлатиш ва терроризмнинг исломий давоси

Ислом барча қонунлардан аввал терроризмга қарши курашган, жамиятларни унинг ёмонлигидан ҳимоя қилган. Ана шу ишларнинг бошида аниқ белгиланган чегаралар орқали инсонни асраш, унинг ҳаёти, номуси, моли, дини, ақлини ҳимоя қилиш туради. Аллоҳ таоло айтади: «**Кимки Аллоҳнинг ҳудудидан тажовуз қилса, ана ўшаларгина золимлардир»** (*Бақара, 229*). Бу бутун башарга кўрсатмадир.

Ушбу эъзозни амалга ошириш учун ислом инсоннинг бошқа инсонга тажовуз қилишини тақиқлаган, унга зулм етказадиган ҳар қандай амални ҳаром қилган. «**Айтинг: «Раббим, албатта, фаҳш ишларнинг ошкораю пинҳонасини, гуноҳ (ишлар)ни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳ ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарса(лар)ни Унга шерик қилишингизни ҳамда Аллоҳнинг шаънига ўзингиз билмаган нарсаларни гапиришингизни ҳаром қилди»** (*Аъроф, 33*).

Ислом таълимотларига кўра, инсонларга азият берувчилар қаттиқ қораланган. «(Олдингиздан) кетганида ерда фитна-фасод, экин ва наслни ҳалок қилиш ишлари билан юради. Аллоҳ эса, фасодни (бузғунчиликни) ёқтирмайди. Унга «Аллоҳдан кўрққин!» дейилса, ғурури уни гуноҳ ишларга ундайди. Унга фақат жаҳаннам бас келур. Нақадар мудҳиш жой у!» (Бақара, 205-206).

Одамлар орасида фитна кўзғайдиган ҳар қандай ишдан узоқ бўлишга буюрган, бу ишларнинг хатарларидан огоҳлантирган. Аллоҳ таоло айтади: (Сизлардан фақат зolimларгагина хос бўлмаган (балки ҳаммаларингизга омавий бўладиган) фитна (азоб)дан сақланингиз ва билиб кўйингизки, Аллоҳ жазоси қаттиқ (зот)дир» (Анфол, 25).

Ислом динида шахслар ва гуруҳларга мўътадил бўлиш, экстремизмни тағ-томири билан йўқотиш, уларга олиб борувчи динда чуқур кетишга йўл кўймасликка кўрсатмалар бор. Чунки буларда муҳаққақ ҳалокат бордир. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтганлар: «Динда чуқур кетманглар. Сизлардан олдингиларни динда чуқур кетиш ҳалок қилган» (Имом Аҳмад ва Насоий ривояти).

Ислом кўрқитиш, ваҳима, саросимага солиш, ноҳақ ўлдиришга олиб борувчи ёмон иллатларни даволаган. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Мусулмонга бошқа мусулмонни кўрқувга солиш ҳалол эмас», деганлар (Абу Довуд ривояти). Яна Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам): «Ким биродарига бир темирни ўқталса, ўша ишини тўхтатмагунча фаришталар уни лаънатлаб туради. Агар у ота ёки она бир ака ёки укаси бўлса ҳам», деганлар (Имом Муслим ривояти).

Аллоҳ таоло зиммийларга адолат билан муомала қилишга буюриб, уларга ҳуқуқлар берган, мажбуриятлар юклаган. Уларга мусулмон юртда омонлик берган. Улардан бирининг хато билан ўлдиришга дия ва каффорат тайинлаган. Куръони каримда бундай дейилган: «Агар у сизлар билан улар ўртасида

сулҳ (тузилган) қавмдан бўлса, унинг оиласига хун тўлаш ва бир мўмин қулни озод қилиш (буюрилади)» (Нисо, 92).

Мусулмонлар юртида яшаётган зиммийни ўлдиришни тақиқлаган: «*Ким аҳдлашилган кишини ўлдирса, жаннатнинг ҳидини ҳидламайди*» (Имом Бухорий, Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривояти).

Аллоҳ таоло мусулмонларни ғайри мусулмонларга, агар улар мусулмонларга қарши урушмасалар ва юртларидан чиқармасалар, уларга яхшилик қилишдан қайтармаган: «**Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар**» (Мумтаҳана, 8).

Аллоҳ таоло зиммийлар, омонлик берилганлар ва бошқа ғайри мусулмонларга адолат билан муомала қилишни вожиб қилган: «...бирор қавм (кишилари)ни ёқтирмаслик сизларни уларга нисбатан адолатсизлик қилишга ундасин! Адолатли бўлингиз! Зеро, у (адолат) тақвога яқинроқдир. Аллоҳдан кўркингиз! Албатта, Аллоҳ ишларингиздан хабардордир» (Моида, 8).

Шунинг учун Академия исломда динига кўра, яъни мусулмон бўладими ёки номусулмон бўладими бир жонни ноҳақ ўлдириш бутун инсонларни ўлдиришга тенг дея эълон қилди: «**Ана ўша (илк қотиллик) туфайли Исроил авлодига шундай ҳукмни битиб қўйдик: «Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир**» (Моида, 32). Яна Академия таъкидлайдики, ҳаддлар ва қасосни амалга ошириш, шахслар ёки гуруҳларнинг эмас, балки давлат раҳбарининг ишидир.

Жиход терроризм эмас

Исломда жиход ҳаққа ёрдам, зулмни қайтариш, адолат, тинчлик ва омонликни қарор топтириш, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) олиб келган раҳматга йўл очиш учун жорий қилинган. Бу раҳмат одамларни зулматлардан нурга чиқариш учундир. Бу эса терроризмнинг барча кўринишларига барҳам беради. Зеро, уруш маъносидаги жиход Ватан ҳимояси учун босқинчилик, бойликларнинг ўғирланиши, одамларнинг ўз юртларидан чиқаришга ёрдам берадиганлар, аҳдларини бузадиганлар, мусулмонларнинг динларида фитналанишига қарши жорий қилинган. Аллоҳ таоло айтади: **«Дин тўғрисида сизлар билан урушмаган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқармаган кимсаларга нисбатан яхшилик қилишингиз ва уларга адолатли бўлишингиздан Аллоҳ сизларни қайтармас. Албатта, Аллоҳ адолатли кишиларни севар. Аллоҳ фақат сизларни дин тўғрисида сизлар билан урушган ва сизларни ўз юртингиздан (ҳайдаб) чиқарган ҳамда сизларни ҳайдаб чиқаришда бир-бирларига ёрдамлашган кимсалар билан дўстлашингиздан қайтарур. Кимки улар билан дўстлашса, бас, ана ўшалар айнан золим кимсалардир»** (*Мумтаҳана, 8-9*).

Исломда жиходнинг ўз одоб ва ҳукмлари бор. Уларга кўра, урушмаган кишилар, кексалар, аёллар ва болалардан иборат беғуноҳ инсонларни ўлдириш тақиқланади. Қочганларни қувлаш, таслим бўлганларни ўлдириш, асирларга озор бериш, ўлганларнинг жасаидан аъзоларини кесиш, урушга алоқаси йўқ бино ва иншоотларни вайрон қилиш ман қилинади.

Юртларни талаётган, муқаддас нарсаларни топтаётган, бойликларни ўғирлаётган золимларнинг зўравонлиги билан зулм кўрганларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлида қонуний ҳимоя ҳуқуқини амалга оширишини тенглаштирмастик керак.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Академия барча халқ ва элатларни, халқаро ташкилотларни душманни қайтариш, зулмни даф қилиш, ҳақиқат ва адолатни қарор топ-

тириш учун жорий қилинган жиҳод билан бошқаларнинг ерини босиб оладиган, ҳукуматларнинг ўз ерларида ҳукм юритишини чеклайдиган, тинч аҳолини кўрқувга соладиган, уларни қочоқларга айлантирадиган зўравонликни ажратишга чақиради.

Ислом терроризм, душманчиликни тақиқлар, одамлар ўртасида адолат, бағрикенглик, ҳамкорликни таъкидлар экан, Академия халқлар ва халқаро ташкилотларнинг инсоният муаммоларига оид ечимларни билиш, исломнинг барча учун адоватни тақиқловчи тинчлик дини эканини англашни асл манбалар орқали ўрганишга чақиради: «...ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай» (Бақара, 190).

ТЕРРОРИСТИК ПОРТЛАТИШЛАР ВА ТАҲДИДЛАР. САБАБЛАРИ, ОҚИБАТЛАРИ, ШАРЪИЙ ҲУКМИ ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ВОСИТАЛАРИ

Маккаи мукаррама баёноти

Ислом Олами Робитаси қошидаги Ислом Фикҳи Академияси Маккаи мукаррамада 19-23/10/1424 ҳ.й. (13-17/12/2003 м.й.) санада бўлиб ўтган 17-йиғилишида «Террористик портлатишлар ва таҳдидлар. Сабаблари, оқибатлари, шаръий ҳукми ва уларнинг олдини олиш воситалари» мавзуларини кўриб чиқди. Йиғилишда қимматли тадқиқотлар тақдим қилинди. Уларда ушбу юқумли иллатга эътибор қаратилиб, унинг оқибатида келиб чиқадиган, кенг қамровли тартибсизлик, салбий оқибатлардан огоҳлантирилди. Бу ишларнинг ислом шариатидаги ҳукми Қуръон, суннатдан қатъий далиллар, ҳикмат ва омиллари асосида баён қилинди. Уларнинг олдини олиш учун, мусулмон юртлардан илдизини қуритиш учун самарали чоралари кўрсатиб ўтилди.

Ушбу тадқиқотларнинг қисқа баёни тақдимотчилар томонидан ёритилди. Амалга оширилган ишлар (тадқиқотлар) юза-

сидан ўтказилган муҳокамалар натижаси шуни кўрсатадики, бу бўйича шаръий ҳукмни мусулмон омма, шахслар, гуруҳлар, давлат ва халқлар, номусулмон олимлар, ташкилотлар, ҳайъатлар ва давлатларга баён қилишга эҳтиёж борлиги таъкидланди.

Йиғилишда террористик амалиётлар, вайрон қилувчи портлатишлар оқибатида қурбон бўлаётган бегуноҳ инсонлар, инсоният учун зарур бўлган моддий ва маънавий мол-мулкларга етган талафотлар, кўприклар, иншоотларнинг вайрон этилиши, инсонлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар фойдаланиш учун бирдек зарур бўлган атроф-муҳитга зарар етаётгани таассуф билан тилга олинди.

Йиғилиш иштирокчилари манбаларда ғулув ва терроризмнинг сабаблари борасида кўплаб тушунмовчиликлар мавжудлигини таъкидлади. Бу эса, ушбу сабабларни илмий, ҳолисона ўрганиб чиқиб, уларни бартараф қилиш йўллари топишни тақозо қилади. **Иштирокчилар ана шу сабаблар бошида қуйидагиларни санаб ўтди:**

1. Янглиш фатволар, заиф гапларга эргашиш. Илми ва дини ишончли бўлмаган шахслар фатво ва кўрсатмаларини олиш, уларга муккасидан кетиш. Бу каби ишлар хавфсизликка таҳдид солиб, тартибсизлик ва одамлар ҳаёти барқарорлигининг гарови бўлган ҳукумат ишининг заифлашишига олиб келади;

2. Динга қарши кескин кураш, уни танқид, масхара қилиш, уни ҳаётдан очик узоқлаштириш, даҳрийлар ва адашганларнинг унга қарши ҳужумлари, уларнинг дин олимлари, диний китоб ва манбаларнинг камситишларига кўз юмиш ҳамда дин таълимотларини ўрганиш ва ўргатишни эътибордан четда қолдириш;

3. Баъзи мусулмон жамиятлардаги соф, тўғри динга Қуръон, суннат, мўътабар шаръий асосларга таяниб, бу умматнинг олдинги авлодлари: саҳобийлар, тобейийлар ва эътиборли имомлар тушунчасига мувофиқ даъват қилиш йўлидаги тўсиқлар;

Зеро, динга эътиқод қилиш Аллоҳ бандаларида яратган табиий хусусиятдир. Улар усиз яшай олмайдилар. Улар қачон тўғри динни ўрганиш, унга амал қилишдан маҳрум бўлсалар, тарқоқликка учрайдилар, ҳар қандай хурофотга бериладилар, ҳар қандай чақириққа эргашиб кетаверадилар.

4. Баъзи жамиятларда ижтимоий адолатнинг йўқлиги, асосий ҳуқуқлар сирасига кирувчи таълим олиш, даволаш, ишлаш каби ҳуқуқларнинг таъминланмагани, ишсизликнинг авж олгани, иқтисодий инқирознинг мавжудлиги норозилик сабабларидир. Бу ўз навбатида салбий оқибатли жиноятларга олиб боради;

5. Баъзи ҳукмронлик, гегемонликка интилганларнинг тартибсизлик чиқариб, юрт хавфсизлигига путур етказиши. Бунда улар ўз мақсадларига етишиш учун шариатга ҳам, тузумга ҳам, муҳитга ҳам парво қилмайдилар.

Терроризмнинг оқибатлари

Террористик амалиётлар аввало, дин, жон, молга қарши тажовуз, йўлтўсарлик, тинч аҳолига кўрқув солишдир. Чунки улар динни жон ва молларнинг дахлсизлигини бузадиган, мулоқотни рад қиладиган, муҳолифлари билан муаммо ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилишга кўнмайдиган қилиб кўрсатади. Яна мусулмонларни халқаро тинчлик ва хавфсизликка, цивилизация қадриятлари, инсон ҳуқуқларига хавф соладиган қонхўрлар қилиб кўрсатади. Бу эса ислом умматининг асосий манфаатларига салбий таъсир ва зарарлар етишига олиб келади, тинчлик ва омонликни ёйиш, одамларга ислом рисолатини етказиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги етакчи ролига тўсиқ бўлади. Шу вақтнинг ўзида мусулмонларнинг бошқа халқлар билан бўладиган сиёсий, иқтисодий, тижорий, маданий ва ижтимоий алоқаларига зарар етказилади. Мусулмон бўлмаган юртларда яшайдиган кам сонли мусулмонларга нисбатан сиқув бўлишига олиб келади. Уларни сиёсий, ижтимоий жиҳатдан ажратиб қўйиб, иқтисодий жиҳатдан зарар келтира-

ди. Улар шу давлатларнинг фуқароси бўладими ёки ўқиш, тижорат, саёҳат, дипломатик, халқаро анжуман ва тадбирларда иштирок этиш учун келган чет элликлар бўладими, барибир.

Вайрон қилиш, таҳдид ва портлатиш каби террористик амалиётларнинг шаръий ҳукми

Иншоотлар, кўприклар, жон ва моллар дахлсиз, халқаро шартнома ва келишувларга мувофиқ, давлатдан аҳд ва омонлик олган тинч аҳоли яшайдиган уйларни портлатиш, самолётлар, поездлар ва бошқа транспорт воситаларини олиб қочиш, улардаги йўловчилар ҳаётига таҳдид солиш, уларда кўрқув уйғотиш, уларнинг йўлини тўсиш каби ишлар Ислом шариатида катта гуноҳ ва ҳалок қилувчи амаллардан ҳисобланади. Мазкур ишларни бевосита бажарувчилар, шунингдек унга молиявий ёрдам бериш, қурол етказиб бериш, ОАВда тарғибот ишларини олиб бориш ҳамда бу каби фаолиятни жиҳод ва шаҳидлик деб баҳолаш орқали билвосита амалга ошираётганлар учун улкан азоблар борлиги қатъий белгилаб қўйилган: «Дарҳақиқат, Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига қарши жанг қиладиган ва Ер юзида бузғунчилик қилиб юрувчиларнинг жазоси – ўлдирилиш ё чормихланиш ёки оёқ-қўлларининг қарама-қарши томондан кесилиши ёхуд ердан (ватандан) қувғин қилинишидир. Ана шу (жазо) улар учун бу дунёда шармандалик ва охиратда улар учун улкан азоб (ҳам бор)дир» (Моида, 33).

Экстремизм ва ундан келиб чиққан террористик амалиётларнинг олдини олиш йўллари

1. Бу жиноятга олиб борадиган сабабларни тезлик билан йўқотиш. Ҳақни қарор топтириш, ботилни йўқотишга интилиш;

2. Зўравонлик, вайрон қилиш ишлари натижасида давлат, миллат, жамият ва шахсларга етадиган умумий ва хос зарарларни баён қилиш;

3. Илмли, солиҳ ва тажрибали мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган мақсадли тарбия. Шунинг билан амалга ошириш учун осон, аниқ амалий услуб жорий қилиш;

4. Жиход, Дорул ҳарб, Валийқол амр, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шартномалар, уларни тузиш ва бузиш каби шаръий истилоҳларни таҳрир қилиб, уларни аниқ қоидаларга солиш.

Аллоҳ таолодан мусулмонлар юртлари ва авлодларини ҳар қандай ёмонликдан асрашини сўраймиз.

ТИНЧ АҲОЛИГА ҚАРШИ ҚЎПОРУВЧИЛИК ИШЛАРИНИНГ ИСЛОМ ДИНИДА ҚОРАЛАНИШИ

*Миср фатво марказининг мазкур
мавзуга доир берилган саволга жавоби*

Савол: Баъзи давлатларда мусулмонларга қарши уруш-маётган тинч аҳолига нисбатан содир этилаётган амалиётларнинг ҳукми қандай? Мазкур ишларни амалга ошириш жараёнида вафот этганлар шаҳид ҳисобланадими?

Жавоб: Шубҳасиз, тинч аҳолига қарши олиб борилаётган ҳар қандай қўпоровчилик амалиётлари шаръан ҳаром бўлиб, унинг Ислому динига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аксинча бу шариат жазо белгиллаган катта гуноҳлардан саналади. Бунинг бир қанча омиллари мавжуд:

Биринчидан: Бу Аллоҳ таоло ҳаром қилган қон тўкиш ва бегуноҳларни ўлдиришдир. Шариат инсон умрини улуғлаб, унинг қонини тўкишдан қаттиқ қайтарган: «**Аллоҳ тақиқлаган жонни ноҳақ қатл қилмангиз!**» (*Анъом, 151*). Аллоҳ таоло мусулмон ёки номусулмон инсонни ноҳақ ўлдиришни бутун инсониятни ўлдириш билан тенглаштирган. Аллоҳ таоло айтади: «**Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир**» (*Моида, 32*).

Иккинчидан: Бунда ғофил, беҳабар кишиларни ўлдириш бор. Абу Довуд ва Ҳоким «Мустадрак»да Абу Хурайра (розиял-

лоху анху)дан ривоят қилади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтдилар: «Мўмин омонлик берилган кишини ўлдирмайди. Имон омонликдаги кишини ўлдиришдан қайтариб туради».

Ибн Асир «Ниҳоя»да айтади: «(Фатк) Омонликдаги кишини ўлдириш бу беҳабар турган кишини ўлдиришдир». Ҳадиснинг маъноси шуки, имон омонликдаги одамни ўлдиришдан қайтаради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг «Мўмин омонлик берилган кишини ўлдирмайди», деганлари қайтариш маъносидаги дарак гапдир. Чунки бу ишда макр, хийла бордир.

Аввалги мусулмонлар шу олий маъноларни билганлари ва уларга бўйсунганлари учун тарихда ажойиб мисоллар қолдирганлар. Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида ривоят қилган Хубайб (розияллоҳу анху)нинг қиссаси бунинг ёрқин мисолидир. Унда бундай ҳикоя қилинади: «У ва Зайд ибн Дасина мушрикларга асир тушдилар. Мушриклар уларни Маккада сотдилар. Хубайбни Ҳорис ибн Омир ибн Навфал уруғи сотиб олди. Хубайб Ҳорисни Бадр куни ўлдирган бўлиб, у уларда бир неча муддат асирликда турди. Улар Хубайбни ўлдиришга қарор қилганларида Хубайб Ҳориснинг қизларидан биридани тозаланиш учун устара сўраб олди. Ўша аёл айтади: «Хабарсиз қолиб, ўғилчам Хубайбнинг олдига кириб кетибди. Хубайб уни тиззасига ўтқизиб олган экан. Мен қаттиқ кўрқиб кетдим. Чунки унинг қўлида устара бор эди. Буни сезган Хубайб: «Боламни ўлдиради, деб кўрқяпсанми? Кўрқма! Иншааллоҳ, бундай қилмайман!» деди. Хубайбдан кўра яхшироқ асирни кўрмаганман». Мана шу мусулмон ўзини ўлдирмоқчи бўлиб турган душманлари қўлида, ўлим ёқасида турган эди. Лекин у уларнинг фарзандларини ўлдириш билан қалбларини қон қилиш имконини амалга оширмади. Чунки алдаш ва хабарсиз кишиларни чув тушириш мусулмоннинг хулқидан эмас.

Уруш ҳолатида урушмаётган аёллар, болалар, ожиз кексалар ва умуман, тинч аҳолини ўлдириш жоиз эмас экан, бошқа ҳолатда ҳам ўлдириш ундан-да ёмонроқдир.

Аллоҳ таоло айтади: «Сизларга қарши жанг қилувчилар билан Аллоҳ йўлида жанг қилингиз, (лекин жанг асносида ҳам) ҳаддан ошмангиз! Зеро, Аллоҳ ҳаддан ошувчиларни ёқтирмагай» (Бақара, 190). «Сизларга қарши жанг қилувчилар»дан мурод сизларга қарши урушга тайёргарлик кўрганлардир. Яъни, кексалар, аёллар ва болаларга қарши урушмангиз.

Имом Аҳмад «Муснад»ида Марқазъ ибн Сайфийдан, у боси Ҳанзала Котибнинг биродари Рабоҳ ибн Рабиъдан ривоят қилишича, у бир ғазотда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) билан бирга чиқибди. Қўшин бошида Халид ибн Валид эди. Рабоҳ ва Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) саҳобалари қўшин боши ўтиб кетган жойда бир ўлдирилган аёлнинг олдидан ўтибдилар. Улар тўхтаб, унинг кўринишидан ажабланиб қолишди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) уловларида уларнинг олдига етиб келганларида орани очиб, у кишига йўл беришди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) у аёлнинг тепасига келиб: «Бунга қарши уруш қилиш керак эмас эди», дедилар. Кейин бир кишига: «Халидга бориб, унга: «Болаларни ҳам, мардикорларни ҳам ўлдирма!» деб айт», дедилар.

Имом Нававий «Шарҳу Саҳиҳи Муслим»да айтади: «Олимлар уруш қилмасалар, аёллар ва болаларни ўлдиришнинг ҳаромлигига иттифоқ қилганлар».

Агар ўлдиришнинг сабаби урушиш деб эътибор қилсак, урушмаган ҳар бир киши шаръий нассларда келган кўр, касал, давосиз касал, деҳқон кабиларга қўшилади. Мана шу кишилар замонавий истилоҳда тинч аҳоли деб номланади. Шунинг учун, уларни ўлдириш у ёқда турсин, уларга азият бериш, молларига талафот етказиш, тинч аҳолини ўлдириш катта гуноҳлардандир.

Учинчидан: Бу ишларнинг шариат мақсадларига хилофлиги.

Маълумки, шариат мақсадларига кўра, инсоннинг дини, жони, ақли, номуси ва молига тажовуз қилиш ҳаром саналади. Истилоҳда мазкур тушунчалар беш шаръий мақсад, деб аталади.

Юқоридаги саволда сўралган портлатишлар айтиб ўтилган мақсадларнинг баъзиларини йўққа чиқаради. Шундан, жонни сақлаш мақсади. Ўлдирилган киши хабарсиз бўлиб, унда тажовуз қилиш ҳаром бўлган ва асраш керак бўлган жон бор. Аллоҳ таоло инсон жонини улуғлаб: **«Бирор жонни ўлдирмаган ёки Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларини қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир. Унга ҳаёт бахш этган (ўлимдан қутқариб қолган) одам эса барча одамларни тирилтирган кабидир»** (*Моида, 32*), деган.

Шунингдек, бу портлатишлар молларни сақлаш мақсадини ҳам йўққа чиқаради. Бу ишлар натижасида мол-мулк, бинолар, оммавий ва хусусий мулкларга зарар етиши ҳеч кимга сир эмас. Мол-мулкга талафот етказиш, зое қилишни шариат тақиқлайди. Айниқса, кўриб чиқиладиган ҳолатдагидек, бу моллар талафот етказаётган кишиники эмас, балки бошқаники бўлса, бу тақиқ янада қатъийлашади.

Ўзини ўзи ўлдириш масаласига келсак, бу Набий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг Абу Авона «Мустахраж»ида Собит ибн Заҳҳок (розияллоҳу анху) ривоят қилган ҳадиси доирасига киради. Бу ҳадисда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): **«Ким дунёда ўзини бир нарса билан ўлдирса, ўша нарса билан қиёматда азобланади»**. Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Абу Ҳурайра (розияллоҳу анху)дан, у Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан ривоят қилади: **«Ким ўзини бир темир билан ўлдирса, у қўлига ўша темирни ушлаб, қорнига тиқиб турганча жаҳаннам оловида абадий қолади. Ким ўзини заҳар ичиб ўлдирса, у жаҳаннам оловида ўша заҳарни абадий ичиб туради. Ким ўзини тоғдан ташлаб ўлдирса, у жаҳаннам оловига абадий тушиб кетаверади»**. Имом Нававий ушбу ҳадис шарҳига «Инсон ўзини ўлдириши ҳаромлигининг қаттиқлиги, ким ўзини бир нарса билан ўлдирса, ўша билан дўзахда азобланиши боби» деб сарлавҳа қўйган.

**«ИСЛОМ ҲАҚИҚАТИ ВА УНИНГ ЗАМОНАВИЙ
ЖАМИЯТДА ТУТГАН ЎРНИ»
2005 йил 6 июлда қабул қилинган
Уммон декларацияси**

«Аҳли сунна вал-жамоанинг тўрт мазҳаби: ҳанафий, моликий, шофеий, ханбалий, шунингдек, жаъфарий, зайдий, ибодий ва зоҳирий мазҳабларига эргашувчи ҳар бир шахс муслмондир. Уни кофир дейиш, жонига қасд қилиш, шаъни ва мол-мулкига тажовуз қилиш мумкин эмас... Умуман олганда, Аллоҳга, Унинг Расулига имон келтирган, дин арконларини ҳурмат қиладиган ва уларнинг бирортасини инкор этмайдиган муслмонларнинг ҳар қандай тоифасини кофирга чиқариш жоиз эмас. Исломдаги мазҳаблар ўртасида умумий жиҳатлар жуда ҳам кўп. Саккиз мазҳаб вакиллари ягона Аллоҳ таолога, муқаддас Қуръони карим (Аллоҳ нозил қилган Калом)га ва оламлар сарвари Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га имон келтирган ҳолда ислом таълимотига риоя қиладилар. Айни пайтда, улар имон, намоз, закот, рамазон рўзаси ва ҳаж қилиш каби исломнинг беш арконига ҳамда имон арконлари: Аллоҳга, Унинг фаришталарига, муқаддас китобларига, пайғамбарларига, қиёмат кунига ва қазойи қадарга ишонадилар».

**МУСУЛМОНЛАРНИ ЎЗИНИ ПОРТЛАТИШГА
ДАЪВАТ ЭТУВЧИЛАР ДЎЗАХ ОЛОВИДАДИР**

Тоҳир Қодирий
Покистонлик ҳанафий уламо,
«Халқаро Қуръон йўли» ташиқлотининг асосчиси

Қуръони каримга кўра, террористларнинг омма халқни портлатиши, инсонларни ўзини-ўзи портлатишга даъват этиши ва бошқа ҳар қандай тинч аҳоли ҳаётига қаратилган

тажовузларни амалга ошириши улкан жиноят ҳисобланади. Албатта, бу ишларни амалга оширувчиларга жаҳаннамда оғир азоб-уқубатлар борлигида ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Қуръони каримнинг «Буруж» сурасида одамларни ёндириш тақиқлангани келтириб ўтилади:

إِنَّ الَّذِينَ فَتَنُوا الْمُؤْمِنِينَ وَالْمُؤْمِنَاتِ ثُمَّ لَمْ يَتُوبُوا فَلَهُمْ عَذَابُ جَهَنَّمَ
وَلَهُمْ عَذَابُ الْحَرِيقِ.

«Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб, сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби ва улар учун ўт азоби бордир» (Буруж, 10).

Оятдаги «фатану» сўзи «ёндириш» маъносида ҳам тафсир қилинади. Бу оят одамларни портлатувчилар дўзах эгалари эканига ишора қилади. Ибн Аббос ва Муқотил айтдилар: «фатану ал-муминина» сўзлари қуйидаги маънони англатади: «Улар мўминларни олов билан ёндирадилар». Ибн Хумайд ва Ибн Мунзирдан ривоят қилинишича, Қатода «Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб», оятини «олов билан ёндириб ўлдириш» деган маънони англатади, дея тафсир қилган. Имом Қуртубий ва Абу Ҳафс Ҳанбалий ҳам шундай тафсир қилганлар.

Мусулмонларни ўлдиришликни ҳақ деб билганлар Ислом чегарасидан чиққан ҳисобланадилар ва ловуллаб ёнаётган дўзахнинг оловида азобланадилар. Абдуллоҳ ибн Бусрдан ривоят қилинади, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: «Ҳасадчи, тухматчи ва фолбин мендан эмас ва мен ҳам улардан эмасман. Шундан сўнг Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам) қуйидаги оятни тиловат қилдилар: «Мўмин ва мўминаларга қилмаган гуноҳлари билан озор берадиган кимсалар бўҳтон ва аниқ гуноҳни ўзларига олган бўлурлар» (Аҳзоб, 58)».

Фахриддин Розийнинг Қуръони карим тафсирида: «Охиратда дўзах аҳлини икки турдаги азоб ўраб олади,

биринчиси бу уларнинг кўфр келтирганликлари учун бўлса, иккинчиси қўшимча азоб сифатида мусулмонларни ёндирганлари учун берилади», – деб айтилади.

Тафсири Жалолойн асарининг муаллифи, юқоридаги каби фикрларни келтириб ўтиб, жумладан «*Албатта, мўмин ва мўминаларни фитнага солиб*» – оловда куйдириш орқали, «*сўнгра тавба қилмаган кимсаларга жаҳаннам азоби*» – имонсизликлари сабабли, «*улар учун ўт азоби бордир*» – мусулмонларни оловда ёндирганлари учун», деб таъкидлаганлар.

МУСУЛМОН ВА МУСУЛМОН БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ЎЛДИРИШЛИК ОРАСИДА ҲЕЧ ҚАНДАЙ ФАРҚ ЙЎҚ

Тоҳир Қодирий
*Покистонлик ҳанафий уламо,
«Халқаро Куръон йўли» ташкилотининг асосчиси*

Куръон ва Пайғамбаримизнинг суннатларида Ислом дини тинчлик дини экани, у жамиятнинг барча аъзоларини, ирқи, жинси, дини, табақасидан қатъи назар уларнинг ҳаётини, мол-мулкани, ор-номусини сақлашни кафолатлаган дин экани борасида кўплаб маълумотлар келтирилган. Шулар жумласига, мусулмон ёки мусулмон бўлмаган мамлакатларда истиқомат қилаётган бошқа дин вакилларининг жони, моли ва обрў-эътиборини муҳофаза қилиш ҳар бир мўмин-мусулмон зиммасидаги вазифа экани ҳам киради.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи васаллам) ўзларининг охирги хутбаларида инсонлар ҳаёти, мол-мулкани ва обрў-эътиборини сақлаш ҳақида шундай дедилар: «*Албатта, Аллоҳ таоло қонингиз, молингиз ва номусингизни бир-би-*

рингиз учун мана шу муқаддас шахрингиз, табаррук ойингиз ва улуғ айёмингиз каби муқаддас айлади».

Ушбу ҳадисга кўра, бир одамни ноҳақ ўлдириш, унинг молига тажовуз қилиш, обрўсига путур етказиш мутлақо тақиқланади.

Дарҳақиқат, мусулмон ёки бошқа дин вакилини улар қарда яшашларидан қатъи назар уларнинг ҳаётига тажовуз қилишлик мумкин эмас. Бу ҳақда Қуръон каримда қуйидагича баён этилади:

مَنْ قَتَلَ نَفْسًا بِغَيْرِ نَفْسٍ أَوْ فَسَادٍ فِي الْأَرْضِ فَكَأَنَّمَا قَتَلَ النَّاسَ جَمِيعًا .

яъни «... бирон жонни ўлдирмаган ва Ерда (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод ишларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган кабидир» (Моида, 32).

Ушбу оятда «нафс» сўзининг ишлатилиши барча башарият учун далолат қилишни англатади. Исломда ҳар бир жон жуда қадрланади. Шу боис, бир беайб инсонни ўлдирган одам бутун бошли инсониятни ўлдиргандек жиноят қилган ҳисобланади. Чунки жонлар кўп бўлгани билан ҳаёт кечириш ҳаққи битта. Ҳар бир жон ҳаёт кечириш ҳаққига эга. Ана ўша жонлардан биттасини ўлдирган одам ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққига тажовуз этган бўлади. Шунинг учун бир жонни ноҳақ уни қайси динга мансублигидан, тилидан ёки қайси мамлакат фуқароси эканлигидан қатъи назар қатл этиш ислом динида қатъиян ман этилади. Аксинча, битта жоннинг ҳаётини сақлаб қолиш эса, ҳамма жонларнинг ҳаёт кечириш ҳаққини сақлаб қолган билан тенг бўлади.

МУСУЛМОН БЎЛМАГАН АҲОЛИНИ ҚАТЛ ЭТГАН ЖАННАТГА КИРМАЙДИ

Тохир Қодирий
Покистонлик ҳанафий уламо,
«Халқаро Қуръон йўли» ташкилотининг асосчиси

Мусулмон мамлакатда истиқомат қилаётган бошқа дин вакили ўша юртда яшаётган мусулмон аҳоли билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлади. Мусулмон давлати, энг аввало, бошқа дин вакиллари мамлакат ичида ҳамда ташқарисида тинч ҳаёт кечиришлари учун уларни ички ҳужум ва ташқи жабр-зулмдан муҳофаза этмоғи шарт.

Абдуллоҳ ибн Умар (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайгамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *«(Айб-сиз) зиммийни ўлдирган киши жаннатнинг ҳидини ҳидламас. Жаннатнинг ҳиди эса қирқ йиллик масофадан ҳам келиб туради»*.

Ушбу ҳадисда кофир бўлса ҳам, инсон жони Ислоом наздида қанчалик қадр-қийматга эга экани кўриниб турибди. Ҳадиси шарифда «ғайридинни ўлдириш»нинг оқибати қандоқ бўлиши ажойиб ўхшатиш ила васф қилинган. Мазкур жиноятни қилган одам жаннатга кириш, ундаги хушбўй мушқу анбарлардан ҳидлаб, лаззат олиш у ёқда турсин, жаннатнинг ҳидини ҳам ҳидлай олмайди. Яқинига йўлай олмаслик қай даражада бўлади? Бундай жиноят қилган одам жаннатдан қирқ йиллик масофадан ҳам узоқроқда бўлади. Чунки жаннатнинг ҳиди қирқ йиллик масофадан келиб туради. Бас, шундоқ экан, ҳар бир мўмин-мусулмон ўзи билан тинч-тотувликда яшамоқчи бўлган ҳар бир ғайридиннинг хурмати-ни жойига қўйиши, унга зинҳор ёмонлик қилмаслиги зарур. Ушбу ҳадисни Анвар Шоҳ Кашмирий ўзининг «Файз ал-Борий» китобида шарҳлаб, қуйидагиларни келтириб ўтади:

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи васаллам)нинг юқорида келтириб ўтилган ҳадисларининг энг асосий мазмуни шундан иборатки, мусулмонни ўлдириш улкан гуноҳ, бу жирканч ишни содир этиш куфрга олиб бориш ва дўзахда абадий азоб бўлиши яхши маълум. Бироқ худди шунингдек, бошқа дин вакилини ўлдириш ҳам юқоридаги каби улкан азобларга сабаб бўлади.

ТАКФИРДА ЧУҚУР КЕТИШ

Юсуф Қарзовий
Бутунжаҳон ислом
уламолари уюшмаси раиси

Аллоҳ таолога ҳамд ва Унинг расули саййидимиз Муҳаммад мустафога саловоту саломларимиз бўлсин!

Инсон «Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва Муҳаммад унинг расули), – деб шаҳодат калимасини қалби билан ҳолис тасдиқласа, мусулмон ҳисобланади. Унга мусулмонларга қилинадиган муомага қилиниши лозим. Ким фақат тили билан шаҳодат калимасига иқроор бўлса ҳам Исломга киради. Қалбида уни инкор қилиб турган тақдирда ҳам унга мусулмонларнинг ҳукми жорий бўлади. Чунки биз зоҳирга қараб ҳукм чиқаришга, қалблардаги нарсаларни Аллоҳга ҳавола қилишга буюрилганмиз. Бунга далиллар:

1. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) икки шаҳодатни айтганнинг мусулмонлигини қабул қилаверардилар. Намоз, рўза ва бошқа ибодатларни бажаришини кутиб ўтирмасдилар;

2. Усома ибн Зайд (розияллоху анху) душманлардан бирига қилич яланғочлаб турганида у «Ла илаҳа иллаллоҳ», дейди. Лекин Усома уни ўлимдан қутулиш учун айтди, деб ўл-

диради. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) бу ишни инкор қилиб, «Уни «Ла илаҳа иллаллоҳ», дегандан сўнг ўлдирдингми?» дедилар. Усома: «У бун қиличдан сақланиш учун айтди», деди. Шунда У зот: «Унинг қалбини ёриб кўрдингми?» дедилар.

Яна киши шаҳодат қалимасини айтиш билан Аллоҳдан икки нарсага ҳақли бўлади:

1. Дўзахда абадий қолишдан нажот топиш;

2. Жаннатга кириш.

Бунга далил:

Убода ибн Сомит (розияллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) айтдилар: «Ким Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқлигига, У ёлғиз Ўзи экани ва Унинг шериги йўқлигига, Муҳаммад Унинг бандаси ва расули эканига, Исо Аллоҳнинг бандаси ва расули эканига, Марямга ташлаган қалимаси ва Ундан бўлган руҳ эканига, жаннат ва дўзахнинг ҳақлигига гувоҳлик берса, Аллоҳ унинг амали қандай бўлишидан қатъи назар жаннатга киритади» (Муттафақун алайх).

Абу Зарр (розияллоҳу анҳу)дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг олдиларига келдим. У киши: «Қайси банда «Ла илаҳа иллаллоҳ», деса, сўнг ўшанда ўлса, албатта жаннатга киради», дедилар» (Муттафақун алайх).

«Куфр» сўзи шаръий манбалар (наслар)да икки маънода келади. Биринчиси катта куфр бўлиб, у билан инсон диндан чиқади. Иккинчиси эса, кичик куфр бўлиб, инсон у билан диндан чиқмайди. Балки жазога мустаҳиқ бўлади. Масалан, «Ким Аллоҳдан бошқа билан қасам ичса, кофир бўлибди», «Муслмоннинг сўкиши фосиқлик, урушиши куфрдир», «Мендан кейин бир-бирингизнинг бўйингизга урадиган кофирлар бўлиб кетманглар» ҳадислари шу маънодадир. Бунга далил шуки, саҳобийлар бир-бирлари билан урушганларида бир-бирларини кофирга чиқаришмаган. Масалан, Али (розияллоҳу

анху) Жамал, Сиффин урушларида ўзига қарши урушганларни кофир ҳисобламаганлар, балки боғийлар, деб санаганлар.

Катта гуноҳлар имоннинг комиллигига путур етказса-да, уни йўқ қилмайди. Бунга далил:

1. Агар катта гуноҳлар имонни йўқ қилганида унда диндан қайтиш ва катта гуноҳларнинг ҳукмлари бир хил бўлиб қоларди. Шунда ўғрилик, зино каби жиноятларга алоҳида жазо тайинланмасди. Балки диндан қайтганлик (муртад) жазоси бериларди;

2. Куръонда урушиб турган икки гуруҳ ҳам мўминлар деб аталган: **«Агар мўминлардан икки тоифа ўзаро урушиб қолсалар, дарҳол улар ўртасини ислоҳ этингиз!»** (*Хужурот*, 9). Агар юқоридаги ҳадиси шарифда келганидек «икки мўминнинг урушиши куфр» бўлганда, Аллоҳ таоло уларни «мўминлар» деб сифатламаган бўлар эди;

3. Расулulloҳ (соллалoҳу алайҳи васаллам) айтганлар: **«Икки мусулмон қиличлари билан юзлашса, ўлдирган ҳам, ўлдирилган ҳам дўзахдадир»**. Шу ҳадисни Имом Бухорий гуноҳлар эгасини кофирга чиқармаслигига далил қилган. Чунки Расулulloҳ (соллалoҳу алайҳи васаллам) уларнинг дўзахга тушишини айтган бўлсалар ҳам, уларни мусулмон деб атадилар.

Маълумки, Аллоҳ таоло ўз Каломида ширкдан бошқа гуноҳларни кечиршини таъкидлаган. Жумладан, «Нисо» сураси 48-оятда: **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтириш (гуноҳи)ни кечирмагай ва (лекин) ана шундан бошқа (гуноҳлар)ни Ўзи хоҳлаган (банда)ларидан кечирур»**, деб марҳамат қилган.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ислом оламида маълум бўлган, мусулмонлар эргашиб келаётган мазҳабларнинг барчаси, жумладан, бу Аҳли сунна вал-Жамоодаги тўрт фикҳий мазҳаб ёки ашъария, мотуридия, жаъфария, зайдия, ибодия каби ақидавий мазҳаблар бўладими фарқи йўқ, буларнинг барчаси ислом ҳукмидадир. Чунки мазкур мазҳаб вакиллари Куръони каримда

келтирилган (Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига ва охират кунига) ҳамда суннатда зикр қилинган қадарга имон келтирганлар ва яна исломнинг амалий арконлари бўлмиш – икки шаҳодат калимаси, намоз, закот, рўза ва ҳажни эътироф этадилар.

Кенг қамровли қоидалар, қатъий далилларни баён қилганимиздан сўнг икки кўзи бор ҳар кишига такфирда ҳаддидан ошган «биродарларимиз» йўл қўйган улкан хато, катта хатар маълум бўлади. Улар шахслар ва жамиятларни бира тўла кофирга чиқара бошлашди. Ўзларининг қарашларига мос келмайдиган шариат далилларида юз ўтирдилар. Таъвилда ўзбошимчалик қилдилар. Далилмас нарсани далил қилдилар. Ўзларига мувофиқ бўлмаган умматнинг олдинги ва кейинги олимларини, имомларини хатокорга чиқардилар. Ўзларини имомлик, мутлақ мужтахидлик даражасига етганларини даъво қилдилар. Ўзларини умматнинг олдинчилари ва кейинчилари иттифоқ қилган ишларга хилоф қилишга ҳақли деб билдилар. Бу, Аллоҳ сақласин, ҳалокатга олиб борувчи ўзига бино қўйиш (ужб), алданиш, зарар етказувчи чуқур кетишдир. Бунинг манбаи Аллоҳ таолони, одамларни, қолаверса, ўзни билмасликдир. Саҳиҳ ҳадисда бундай дейилган: *«Чуқур кетишдан узоқ бўлинг, сизлардан олдинчиларни чуқур кетиш ҳалок қилган»*. Бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам): *«Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди. Динда чуқур кетадиганлар ҳалок бўлди»*, деб уч марта айтганлар.

Шунинг учун, олдинги салаф олимлар хорижийларни қоралаб, бу каби тоифалар борасида саҳиҳ ҳадислар келган бўлса-да, уларни кофирга чиқаришда ихтилоф қилганлар. Али (розияллоҳу анҳу) ҳам уларни кофир демаганлари, уларга қарши биринчи бўлиб жанг бошламаганлари маълум. У кишидан: *«Улар кофирларми?»* деб сўралганида, у киши: *«Куфрдан қочишди»*, деганлар. Шунинг учун, улар ўз ғояларида адаш-

ган, чуқурга кетган бўлсалар-да, уларни биродар дейишдан қайтмаганлар. Мен аниқ ишонаманки, уларнинг кўпчилиги ёзганларимни инсоф ва ҳақ талабида ихлос билан, мутаасибликдан холи ўқишса, такфирдаги фикрларидан қайтишади.

Хулоса ўрнида Имом Шавкониёнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтамиз: «Билгинки, Аллоҳ ва охират кунига имон келтирган мусулмон киши ёруғ кундаги Қуёш каби аниқ далили бўлмай туриб, бошқа бир мусулмон кишини кофир санаб, Исломдан чиққан деб ҳукм қилишга ҳаққи йўқ. Чунки саҳиҳ ҳадисларда: «*Кимки бир биродарига кофирсан деса, унинг ўзи кофир бўлибди*», деб бу ишнинг оғир гуноҳ ҳамда оқибати хатарли экани таъкидланган».

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ БЎЙИЧА АЛ-АЗҲАР КОНФЕРЕНЦИЯСИНИНГ «АЛ-АЗҲАР ХАЛҚАРО БАЁНОТИ» НОМЛИ ЯКУНИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯСИ

2014 йил 3-4 декабрь кунлари Қоҳирада экстремизм ва терроризмга қарши кураш доирасида ўтказилган мазкур конференцияда 120 та давлатдан исломдаги барча мазҳаб вакиллари ҳамда христиан дини вакиллари иштирок этдилар. Конференция ниҳоясида қуйидаги якуний хулоса ва тавсиялар қабул қилинди:

Биринчидан, ўзларига динни байроқ қилиб олиб, уммат фарзандларига нисбатан зўравонлик ва террор амалиётидан фойдаланаётган қуролланган фирқа, жамоа ва турли хилдаги гуруҳларнинг асл исломга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Аслида, уларнинг қарашлари бузғунчи, тутган йўллари эса гуноҳ ботқоғидир. Зеро, аҳолининг тинчлигини бузиш, беғуноҳ инсонларнинг қонини тўкиш, уларнинг шаъни ва мол-мулкига тажовуз қилиш, диний қадриятларини топташ инсониятга зид бўлган жиноятлар бўлиб, ислом дини бу каби амалиёт-

ларга бутунлай қаршидир. Шунингдек, давлатлар ҳудудларини янгидан тақсимлаш, уларнинг яхлитлигига раҳна солиш учун олиб борилаётган ҳаракатлар дунё афкор оммасида ислом динини қабих суратда гавдалантирмоқда. Шундай экан, мазкур жинойтлар нафақат ислом таълимотларига зид, балки бирлик, адолат, ўзаро меҳр-оқибатга асосланган ислом динига нисбатан нафрат уйғотишга ҳам сабаб бўлиб қолмоқда.

Иккинчидан, Шарқда мусулмонлар ва христианлар ўзаро бир-бирлари билан яқин муносабатларда бўлганлари, асрлар давомида бир маданият ва бир халқ бўлиб яшаб келганларини алоҳида таъкидлаш лозим. Улар эркин ва обод диёрда, инсонлар ўртасида тенглик бўлган жамиятда яшашда давом этиш тарафдоридирлар.

Динлар ва мазҳабларнинг кўплиги муштарак тарихимизда янгилик эмас. Бу турфа хиллик улар ҳамда дунё учун тенги йўқ манба бўлиб қолади. Бунга узоқ тарих гувоҳдир.

Албатта, мусулмон ва христианлар ўртасидаги ўзаро алоқалар тарихий жараён бўлиб, ҳамжиҳат ва самарали ҳаёт тарзига асосланган узоқ тажрибага эга. Бу борада биз катта тажрибага эгамиз. Масалан, Миср Араб Республикаси ва бошқа кўплаб араб давлатларида тенг ҳуқуқлик юзасидан олиб борилган кўплаб ислохотларни келтириш мумкин. Шундай экан, христианлар ёки бошқа дин ва эътиқод вакилларига нисбатан турли хил диний вазларни ўйлаб топиб, уларга қарши мутаассибона муносабатда бўлиш соф ислом дини, Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи васаллам) кўрсатмаларига қарши хуруж ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқларини топташ ҳисобланади.

Учинчидан, христиан ҳамда бошқа дин ва эътиқод вакилларини ўзлари яшаб турган диёрларидан зўравонлик билан чиқариб юбориш оғир жинойтдир.

Тўртинчидан, сир эмаски, ғарбдаги баъзи кишилар ва журналистлар ислом дини таълимотларига зид бўлган

жамоаларнинг фаолиятларини динимиз шариати ва таълимоти билан чалкаштирмоқдалар. Бу каби салбий қарашларнинг олдини олиш мақсадида конференция иштирокчилари юқоридаги каби нотўғри фикрда бўлган кишилардан ўзларининг фикрларини ўзгартиришларини талаб қиладилар. Токи, эзгулик дини ҳисобланган ислом ўзи қарши бўлган нарсалар борасида тухматга учрамасин.

Бешинчидан, конференция дунёда тинчлик ўрнатиш ҳамда эътиқодий, мазҳабий ва ирқий турфа хилликка эҳтиром кўрсатиш йўлида ўзаро ҳамкорликка чақиради.

Олтинчидан, умматнинг айрим ёшлари Қуръон, суннат ва уламоларнинг ижтиҳодларига зид бўлган бузғунчи ғояларга ишониш орқали «онгни заҳарлаш» амалиёти натижасида террор йўлига кириб қолдилар ва таассуфки, бу аянчли ҳолат ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бу ўринда уламолар зиммасига нотўғри йўлга кириб қолган ғўр ёшларнинг қўлидан тутиб, уларга Қуръон ва суннат ҳамда исломий тушунчаларнинг асл моҳиятини тушунтиришдек масъулиятли вазифа юклатилди. Токи, зўравонликка тарғиб қилувчилар ва бузғунчи ғояларни ривожлантирувчилар учун асло йўл қолмасин.

Бу каби тушунчалардан бири Пайғамбар (соллаллоху алайҳи васаллам) даврларидаги халифалик тушунчасидир. Маълумки, ундаги қонунлар инсон манфаатларига йўналтирилган бўлиб, жумладан, дин ҳимояси, инсонлар орасида тенглик ва адолат тамойилларини келтириш мумкин. Шунингдек, ислом фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда уларнинг ранги, ирқи ва эътиқоди жиҳатдан бир-биридан ажратмаган. Шундай экан, мазкур инсоний қадриятларни ўзида мужассам этган қонуний тизим, исломий тамойилларни ўзида акс эттирган ҳисобланади.

Яна шу каби бузиб талқин қилинаётган тушунчалардан бири жиҳоддир. Маълумки, унинг ислом динидаги ҳақиқий маъноси – нафс ва душманга қарши курашдир. Айтиш лозим-

ки, душманга қарши кураш бир киши ёки бирор жамоатнинг эмас, балки давлат раҳбарининг ваколат доирасига киради.

Еттинчидан, конференция барча араб олами давлатларини бирдамлик ҳамда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида ўзаро ҳамкорлик қилишга чақиради. Агар мазкур давлатлар савдо-иқтисодий, бозор, божхона иттифоқи ва мудофаа йўлида ҳамкорлик қилишса, бу уларнинг ягона стратегик йўлда ҳамкорликка эришишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Саккизинчидан, конференция турли ирқий ва мазҳабий келишмовчиликлар, хусусан Бахрайн, Ироқ, Яман ва Сурияда юзага келган уруш оловларини ўчиришда уламолар ва диний ташкилотлардан ўз ёрдамларини кўрсатишни талаб қилиш баробарида, уларнинг Аллоҳ таолонинг олдидаги масъулиятини ҳам алоҳида таъкидлайди.

Тўккизинчидан, конференция Фаластин ерларида мусулмонлар ва христианларга нисбатан амалга оширилаётган террорчилик амалиётларини қаттиқ қоралайди ҳамда масжид ва черковлар, шунингдек, Аллоҳ атрофини баракали қилган «ал-Ақсо» масжидини вайрон қилишга чек қўйиш кераклигини таъкидлайди ҳамда мазкур хуружлар ортида турган қора кучларга нисбатан халқаро трибуналда чора кўришга чақиради.

Ўнинчидан, конференция мусулмон, христиан, қолаверса, қайси динга эътиқод қилишидан қатъи назар, қандай мақсад ва ғояларни илгари сурмасин, мутаассиблик, экстремизм ва терроризмнинг қандай кўриниши бўлмасин, унга қарши курашда барча масъул эканини яна бир бор таъкидлайди.

ГЛОССАРИЙ

Амирул-аъзам – (араб. – буюк амир) «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотидagi энг юқори лавозимли мансаб. Бутун дунё бўйича ташилот раҳбари.

Ансорлар – (араб. – ёрдам берувчилар) илк ислом тарихида Маккадан ҳижрат қилган Пайғамбар (алайҳис-салом) ва муҳожирларга ёрдам берган мадиналик мусулмонлар.

Ақидапарастлик – (ақида – араб. – ишонч, бирор нарсани иккинчисига боғлаш) муайян шароитда, бирон-бир ғояга қатъий ишонч ва уни мутлақлаштириш асосида шаклланган қоида ва тартибларни ҳамда уларни шароит, ҳолат, вазиятни ҳисобга олмаган ҳолда, кўр-кўрона қўллаш.

Аҳли китоб – ислом динига кўра, Аллоҳ таоло томонидан муқаддас китоблар нозил қилинганлар, яъни, яҳудий ва христианлар тушунилади.

Аҳли раъй – манбалардан хулосалар чиқариб, уларга қиёсий нуқтаи назардан ёндошадиган, ҳукмларни давр ва замонга мослаштирувчилар жамоаси.

Аҳли қибла – ислом дини кўрсатмаларига тўлиқ амал қилмаса ҳам, имон келтирган киши.

Аҳли ҳадис – ҳукм чиқариш борасида Куръон ва ҳадисдан четга чиқмасликка ҳаракат қиладиган жамоа.

Аҳлу ҳал ва аҳд – (араб. – аҳд ва муаммоларни ечувчилар) «Ҳизбут таҳрир» ғоясига кўра, халифаликдаги мужтаҳидлар, яъни, қонун чиқарувчилар.

Байтулмол – (араб. – мол-мулк уйи) умумий жамғарма. 1) ислом мамлакатларида давлатга қарашли мол-мулк; 2) қимматбаҳо нарсалар сақланадиган бино (Байтулмолни дастлаб халифа Умар ибн Хаттоб (р.а.) таъсис қилган. Ундаги бойлик-

лар асосан хирож, жизя, закот каби солиқлардан тўпланган). Хозирда айрим диний оқимлар таркибида барпо этилган «байтулмол»да жамоа фаолиятини ривожлантириш бўйича йўлга қўйилган фаолият тури бўлмиш «воситалар»дан келадиган фойдадан 5/1 қисми тўланади.

Байъат – (араб. – олди-сотди) шариатда кишиларнинг Расулуллоҳ (алайҳис-салом)га итоат ҳақида берган ваъдалари. Бунда ваъда берувчи шахс ўз итоати эвазига савобни сотиб олиш маъноси борлигидан «байъат» дейилган. Расулуллоҳ (алайҳис-салом)дан кейин халифалар, давлат бошлиқларига байъат қилиш одати бўлган. Кейинроқ давлат бошлиғидан бошқаларга, маълум раҳбарлик маъносигаги улуғларга ҳам байъат қилиш тарқалган. Байъат вақтида қўл ушлашиб турган ҳолда аҳд берилгани учун аҳли тасаввуфда муриднинг шайхга қилган байъатини «қўл бериш» дейилади.

Бидъат – (араб. – янгилик киритмоқ, янгидан яратмоқ) истилоҳий маънода Муҳаммад (алайҳис-салом) замонасида исломда бўлмаган ва кейинчалик динга киритилган ортиқча, фойдасидан зарари кўпроқ амалга айтилади. Бироқ бидъатул-ҳасана (яхшиликка хизмат қилувчи янгилик) ҳам мавжуд. Бугунги кунда айрим мутаассиб оқимлар томонидан ҳар қандай янгиликни (жумладан, яхшиликка хизмат қилувчи янгиликни ҳам) бидъат сифатида баҳолаб, бажарувчиларни диндан чиқишда айблаш ҳолатлари учрамоқда.

Богий – (араб. – душманлик қилувчи, зулм қилувчи, тажовузкор) истилоҳда бирор масала юзасидан адолатли давлат раҳбарига қарши чиқувчи мусулмонларнинг қурол-аслаҳага эга бўлган тоифасидир.

Виртуал олам – одатда ахборот технологиялар, интернетга нисбатан ишлатилади, аслида рақамлардан ташкил топган реал бўлмаган, аммо нусха қилинган ёки хаёлан ишланган лойиҳа ёки дастур.

Вожиб – ҳанафий мазҳаби таълимотига кўра, Куръони каримда тўғридан-тўғри буйруқ келмаган ҳолда бажарилиши шарт бўлган амалларга нисбатан ишлатилади.

Волий – (араб. – ҳоким) «Ҳизбут-тахрир» ва шу каби ҳаракатларга кўра, халифаликдаги муайян минтақани бошқариш ваколатига эга шахс. Губернатор, ҳоким сўзлари билан маънодош.

Диний экстремизм – жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидаларни рад этиш, уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишга асосланган назария ва амалиёт.

Дия – хун ҳақи.

Дорис – (араб. – ўқувчи) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотида таълим олувчи ўқувчиларнинг номланиши.

Дорул-ислом – (араб. – ислом худуди, ислом диёри) истилоҳда исломнинг беш арконини бажаришга тўсқинлик қилинмайдиган худудга «Ислом диёри» нисбати берилган.

Дорул-куфр (ёки дорул-ҳарб) – (араб. – куфр (уруш) диёри) истилоҳда куфр (ҳарб) диёри ислом дини умуман кирмаган, яъни куфрга асосланган жамиятга нисбатан қўлланилган. Мазкур тушунча ислом арконларини бажаришга умуман йўл қўйилмайдиган худудга нисбатан қўлланилади.

Дорус-сулҳ – (араб. – сулҳ диёри) мусулмонлар томонидан олиб борилган фатҳлар чоғида маълум солиқ тўлаш эвазига ғайридинларнинг ҳуқуқий ҳолатини кафолатлаш бўйича сулҳ шартномаси тузган ўлкага нисбатан ишлатилган.

Дустур – (дастур) – давлат программаси, дастури, конституцияси, умум қабул қилинган қонуни.

Глобал – дунёвий, бутунжаҳон, Ер сайёраси бўйича кенг қамровли жараён.

Жиход – (араб. – ғайрат қилиш, кучни ишга солиш). «Жиход» сўзи «жидду-жаҳд», яъни, инсон ўз мақсадига эришиш йўлида бор имкониятларини ишга солиб, ҳаракат қилишини англатади. Истилоҳда эса, ушбу сўз бир қанча маъноларда ишлатилади. Жумладан, «жиход» – Аллоҳнинг йўлига даъват қилиш, яхшиликка чақириш ва ёмонликдан қайтариш, Аллоҳ

йўлида инсоннинг ўз ҳавойи-нафсига қарши кураши, ота-онага хизмат қилиш, ёвга қарши курашишдек турлари мавжуд.

Ислом тарихини чуқур ўрганган мутахассис олимлар, тарихда юз берган ҳар қандай жиҳод, фақатгина, мудофаа мақсадида олиб борилганини таъкидлайдилар. Хусусан, Муҳаммад Саид Рамазон Бутий бундай дейдилар: «Мусулмонлар томонидан олиб борилган жиҳодлар, ёв бостириб келганда ҳимоя мақсадида ёки душман тарафдан ҳужум хавфи пайдо бўлганда унга қарши бориш учунгина юз берганини кўриш мумкин».

Бугунги кунда ғаразли мақсадларни кўзлаб, олиб борилаётган урушларнинг «жиҳод» деб аталаётгани мутлақо асоссиздир. Чунки «жиҳод»нинг ҳам бошқа фарз амаллари каби ўзининг вақти, шароити, тартиб-қоидалари мавжуд. Бу борада Шайх Абдулазиз Мансур бундай дейди: «Агар «жиҳод» ислом давлатини қуриш учун ёки инсонларни динга киришга мажбурлаш учун жорий этилганида эди, Расулulloҳ (алайҳис-салом)нинг ўзлари бу борада намуна кўрсатган бўлур эдилар. Яъни, у зот биринчи бўлиб Маккадаги мушрикларнинг катталари билан урушган, ислом давлатини барпо этиш учун жиҳод эълон қилган бўлардилар. Бироқ Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) бундай йўл тутмадилар. Аксинча, мусулмон жамияти юзага келгач, унинг ҳимояси учунгина жиҳодга чиққанлар».

«Жиҳод» сўзи «қитол», яъни «уруш» сўзининг синоними эмас. Шунингдек, ҳар қандай жиҳод уруш ва аксинча ҳар қандай уруш жиҳод бўлавермайди. Ислом таълимотларига кўра, Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қиладиган ҳар қандай амал жиҳод ҳисобланади. Масалан, ота-онага яхшилик қилиш, ўз нафсига қарши курашиш ва бошқа хайрли амаллар.

Уруш маъносидаги жиҳодга келадиган бўлсак у – киши ўз эътиқодини ҳимоя қилишидир. Бу борада Куръони каримда шундай дейилади: **«Улар ўз диёрларидан фақатгина «Раббимиз Аллоҳдир», деганлари учун ноҳақ қувилган эдилар»** (Ҳаж, 40).

Ислом таълимотларига кўра, мусулмон бўлмаганлар билан ўзаро мулоқот ўрнатишнинг асли тинчлик орқалидир. Жиҳод

жорий қилинишининг асл сабаби ҳам «доимий тинчлик»ка эришиш учун бўлган. Тинчлик сезилган заҳотиёқ уни қабул қилиш ҳар бир мусулмондан талаб қилинади. «**Агар улар сулҳга мойил бўлсалар, Сиз ҳам унга мойил бўлинг ва Аллоҳга таваккул қилинг!**» (Анфол, 61). Бу борада ислом тарихида юз берган Худайбия сулҳида Пайғамбар (алайҳис-салом)нинг тинчлик учун кўрсатган жонбозликлари машҳурдир. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, уруш маъносидаги жиҳод ҳозирдаги каби халқаро шартномалар ҳамда давлатлараро битим ва келишувлар бўлмаган ҳолатда юз берган. Пайғамбар (алайҳис-салом) тинчликни кўзлаб мушрик қабилалар билан тузилган шартномага амал қилишга ҳам ўта ҳарис бўлганлар. Куръонда ҳам шартномага амал қилган мушрик қабила яхшилик билан зикр этилган.

Жоҳилия – (араб. – билимсизлик, билмаслик) Арабистон ярим оролининг ислом динидан аввалги даври шундай аталган. Ҳозирда айрим диний оқимлар томонидан мусулмон жамиятларни жоҳилияда айблаш одати бор.

Зиммий – ислом давлати соясида яшайдиган ғайридинлар.

Зоҳид – (араб. – безътибор, моддий манфаатга бефарқ бўлувчи) – тасаввуфда таркидунё қилган кишини англатувчи атама сифатида қўлланилади. Зоҳидлар мусулмонларни бу дунё роҳат-фароғатидан воз кечишга, Аллоҳнинг зикрига халал берувчи нарсаларга машғул бўлмасликка ундаганлар.

Идорий ишлар жиҳози – «Ҳизбут-таҳрир» ҳаракати стратегияси бўйича халифаликнинг бошқарув структураси.

Ижодий халқа – «Акромийлик»даги энг юқори бошқарув органи бўлиб, унда жамоа раҳбарининг буйруқ ва кўрсатмалари амалда татбиқ этилиши ҳамда унинг ижросини қуйи халқларда бажарилиши назорат қилинади.

Ижтиҳод – исломда янги пайдо бўлган диний муаммоларни ҳал қилишнинг ўзига хос усули.

Имон – (араб. – ишонмоқ, тасдиқламоқ) истилоҳда эса, «Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулуллоҳ» («Аллоҳдан ўзга

илоҳ йўқ ва Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари») калимасини тил билан айтиб (ал-икрор би-л-лисон), дил билан тасдиқлаш (ат-тасдиқ би-л-қалб) демакдир.

Инқилоб – (араб. – тўнтариш) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотининг ўз мақсадларига эришиш учун тузиб чиққан уч босқичли режанинг сўнгги босқичи. Бунда мавжуд тузумни тўнтариш учун фаол ҳаракатлар амалга оширилади.

Истинбот – бирор масала бўйича шариятнинг асосий манбаларидан ҳукм чиқариб олиш услуби. Абу Ҳанифанинг истинбот услуби қуйидаги асосларга таянган: Қуръон, сунна, саҳобийларнинг сўзлари, қиёс, истехсон, ижмо, урф.

Ихтилоф – (араб. – тафовут, ҳар хиллик, фарқ, ихтилофли) – ислом илмларида икки тенг кучли олимларнинг бир-биридан фарқли фикр билдиришига айтилади. Ихтилоф икки хил бўлади. Биринчиси, бир нарсанинг ичидаги ихтилоф бўлиб, унга рухсат берилган. Бу хилдаги ихтилофларга тўрт мазҳаб ичидаги фарқлиликлар киради. Иккинчиси, бир нарсага қарши ихтилоф бўлиб, у тақиқланган. Бунга Аллоҳ, унинг сифатлари борасидаги ақидавий ихтилофлар киради.

Калом – (араб. – сўз, нутқ). Муътазилийлар пайдо бўлгандан кейин ақида илмининг номи «калом» деб атала бошланган.

Каромат – (араб. – улуғлик, буюклик) ислом таълимотига кўра, Аллоҳ томонидан унинг дўстлари – авлиёларга ато этиладиган сеҳрдан фарқли ғайриоддий қудрат.

Конфессия – (лотин. – эътиқод қилиш). Диний конфессия деганда муайян диний таълимот доирасида шаклланган ва ўзига хос хусусиятларга эга эътиқод ва ушбу эътиқодга эргашувчилар жамоаси тушунилади. Бир дин доирасида юзага келган бўлса-да, ақидалар борасида фарқланадиган жамоалар ҳам диний конфессиялар жумласига киради.

Кофир – имонсиз инсон. Ислом дини кўрсатмаларида келтирилган яккахудоликни инкор этувчи шахс.

Куфр – имонсизлик.

Мазолим девони – (араб. – «мазолим» - шикоят) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотигадаги ҳуқуқ-тартибот идораси.

Мазҳаб – (араб. – йўл) исломдаги шариат қонунлари тизими, фикҳий йўналиш.

Макруҳ – бажарилиши ёмон саналган амал.

Мандуб – бажарилиши тарқ қилинишидан афзал бўлган амал.

Мансух – (араб. – бекор қилинган, ўзгартирилган) Куръоннинг айрим оятлари, ҳукмлар ёки баъзи ҳадисларнинг амалдан қолиши, татбиқ этилмаслиги.

Манҳаж – (араб. – йўл, услуб) «салафийлар» ўз тутган йўли, диний ҳаёт тарзини ифодалаш учун манҳаж сўзини ишлатади. «Салафийлар» манҳажни ислом ақидасидан кенг мазмунга эга йўл-йўриқ, дастурул амал деб тушунади.

Манҳаж мувозанат – (араб. – ўрта йўл, васатий йўл) «Салафийлар» ўз қарашларини ўртаҳол эканини билдириш учун манҳаж мувозанатни ўзларига нисбатан ишлатадилар.

Масъул – (араб. – масъул, жавобгар) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотигадаги мансабдор шахс. У вилоят ёки туман ҳудудларидаги ҳалқа (гуруҳ)ларнинг раҳбари ҳисобланади.

Монотеизм – (қад. юнон. – «моно» – ягона, «тео» – илоҳиёт) яккахудолик.

Мубоҳ – бажариш мумкин бўлган амаллар, бундай амал учун савоб берилмайди, гуноҳ ҳам ёзилмайди. Уларни бажариш ёки бажармаслик инсоннинг ўз ихтиёрига топширилади. Ухлаш, чарчаганда ўтириш каби амаллар шулар жумласидандир.

Мужаддид – (араб. – янгиловчи) инсонларнинг диний эътиқодини кучайтирувчи шахс. Муҳаммад (алайҳис-салом) ҳадисларига биноан ҳар юз йилда мусулмонлар орасидан динда мужаддид чиқиши ҳақидаги башоратни ўзларича талқин қилиб, бир қатор фирқа ва оқимлар гўёки, ўз етакчиларини му-

жаддид, деб даъво қиладилар. Масалан, «Нурчилар» Саид Нурсийни, «Мусулмон биродарлар» Саййид Қутбни, «Салафийлар» эса Носируддин Албоний, Солиҳ ибн Фавзан, Муҳаммад ибн Солиҳ Усайминни мужаддид деб эълон қилганлар.

Мужтаҳид – (араб. – интилувчи, ғайрат қилувчи) – шаръий истилоҳда ижтиҳод ҳуқуқига эга бўлган, яъни Қуръон, суннат ҳамда бошқа шариат манбалари асосида ҳулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган кишига айтилади. Суннийликда олий даражадаги мужтаҳидлар деб, мазҳаббошилар эътироф этилган.

Мунофиқ – (араб. – товламачи, иккиюзламачи) мусулмонлар олдида ўзини мусулмон қилиб кўрсатиб, аслида қалбан имон келтирмаган иккиюзламачи одам. Ҳозирги кунда айрим диний-экстремистик оқимлар ўзига қўшилмаган мусулмонларни мунофиқликда айблашлари кузатилади.

Мурид – (араб. – хоҳловчи) тасаввуф йўлига кириб, муршидга қўл берган шогирд.

Муртад – (араб. – орқага қайтган, чекинган) диндан қайтган, ундан воз кечган, яъни исломни тарк этган киши китобларда «муртад» дейилган.

Муриди – (араб. – тўғри йўлга бошловчи) тасаввуф йўлига кирганларнинг сулукдаги устози, шайх.

Мусоид (ансор) – (араб. – ёрдам берувчи) «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотига ҳали аъзо бўлмаган, лекин партиёга хизмат қилувчи шахслар тоифаси.

Мустаҳаб – бажариш тавсия этилган амаллар, бундай амални бажармаслик учун гуноҳ ёзилмайди, жазога торлилмайдди. Бу амални бажариш эса, савобга лойиқ деб ҳисобланади. Нафл намоз ўқиш ва нафл рўза тутиш мустаҳаб амал ҳисобланади.

Мусҳаф – (араб. – саҳифаланган) Қуръони каримнинг номларидан бири.

Мутаассиблик – ўз фикр-мулоҳаза ва дунёқараши тўғрилигига ўта қаттиқ ишониб, бошқа диний эътиқодларга мурасасиз

муносабатда бўлиш. Мутаассибликка йўлиққан шахс ёки гуруҳлар жамиятда беқарорликни вужудга келтиришга уринадилар.

Мутавотир – (араб. – кетма-кет, узлуксиз) – ёлғонга йўл қўйиши мумкин бўлмаган, ростгўйлиги эътироф этилган даражадаги кўпчилик кишиларнинг бошдан охиригача ўзлари каби кишилардан нақл қилган ҳадисидир. Шунинг учун бундай ҳадисга ровийлари ҳақида баҳс юритмасдан туриб амал қилинади.

Мутакаллим – калом илми билан шуғулланган олим.

Мушрик – (араб. – шерик қилувчи) – Аллоҳнинг мавжудлигини эътироф этган ҳолда, ўзини Аллоҳга яқинлаштиради, деган тасаввурда бошқа маъбудларга ҳам сиғинадиган киши, яъни кўпхудоликда айбланган одам. Қуръонда мушрик тушунчаси худони якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп, деб тасаввур қилинадиган қабилавий динлар таълимотига эргашган кишига нисбатан ишлатилган.

Мушриф – (араб. – раҳбарлик қилувчи) «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотидagi халқа (гуруҳ)ларга дарс берувчи ўқитувчи.

Муътамад – (араб. – ишончли, суянса бўладиган) «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотига хос мансаб, лавозим. «Ҳизбут-таҳрир»нинг энг юқори лавозимли раҳбари амирул-аъзам томонидан тайинланадиган минтақа ёки давлат раҳбари.

Муқаллид – чиқарилган ҳукмга унинг далилини билмаган ҳолда эргашиш.

Муҳаддис – (араб. – ҳадис сўзловчи) ҳадислар билан шуғулланувчи олим.

Муҳожир – (араб. – кўчиб ўтувчи) Макка фатҳидан олдин Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг кўрсатмаларига мувофиқ, Мадинага кўчиб борган мусулмонларга нисбатан айтилади.

Нақиб – (араб. – бошлиқ, етакчи, раис) ўзларини Муҳаммад (алайҳис-салом) авлодларидан, деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоалари етакчиси ва раҳбарларининг лавозими. Нақиб

лавозим сифатида ўрта асрларда халифалар ҳукмронлиги даврларида вужудга келган. Ҳукмдорлар нақиблар орқали саййидлар жамоалари билан муомала қилган. Нақиблар хазинадан таъминлаб турилган. Кейинчалик нақиблар саййидлар жамоалари ва авлодларининг раҳбарлари, уларнинг ҳаёти ва турмушида йўл-йўриқ кўрсатувчи раҳнамолари сифатида иш кўрганлар. Нақиблик лавозими авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган. Шунингдек, бусўз ўтмишда Бухоро хонлигида юқори мансаблардан бирининг номи бўлган. Ҳозирда «Ҳизбут-тахрир» ташкилотида маҳаллий ҳудуд раҳбари.

Низомул ҳукм – (араб. – ҳукм тартиби) ҳизбчиларга кўра, халифалик низоми.

Никоҳ жиҳоди – аёл кишиларнинг ислом дини никоҳи остида ҳарбий лагерларда «жиҳод» қилишга тайёргарлик кўраётган эркакларни «қўллаб-қувватлаш», уларнинг меҳрини қозониш, жаннатий аёл бўлиш ва охиратда 70 та қариндошини шафоат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш ҳақидаги ёлгонларга учиб, уларга турмушга чиқишлари ва ҳарбий тайёргарликда бирга бўлишлари.

Ноиб – (араб. – ўринбосар) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотидаги мансабдор шахс, «нақиб»нинг ёрдамчиси. У ташкилотнинг юқори идоралари кўрсатмаларини ҳудудларда бажарилишини таъминлайди ва назорат қилади.

Носих – (араб. – бекор қилувчи, ўзгартирувчи) аввалги ҳукми кейингиси билан бекор қилиб келган оят ёки ҳадис.

Оҳод ҳадислар – ровийлар сони мутавотир даражасига етмаган ҳадис тури бўлиб, озчилик кишилардан ривоят қилинган ҳадисларга айтилади.

Панисломизм – XIX асрнинг охирларида Ўрта Шарқда вужудга келган, ислом мамлакатларини ягона байроқ остида бирлаштириш ғоясини кўтариб чиққан сиёсий оқим.

Пир – муршид, устоз.

Политеизм – (қад. юнон. – «поли» – кўп, «тео» – худо) кўп-худолик.

Рисолат – пайғамбарлик.

Ровий – (араб. – ривоятчи) ҳадис ривоят қилувчи киши.

Салаф – (араб. – аввалги, олдинги, ўтган, аجدод) Салаф олимлар – аввалги олимлар. Асосан, Пайғамбаримиз (алайҳис-салом) давридан кейин яшаган саҳобий, тобеъин ва табаъ-тобеъин давридаги мазҳаб эгалари ва мужтахидларга нисбатан «салафи солиҳлар», яъни «солиҳ аجدодлар» деб нисбат берилади, яъни ислом дини вужудга келгандан сўнг, уч аср давомида яшаб ўтган мусулмонлар тушунилади. Шунга кўра, ислом уламолари илк мусулмонларни «салаф солиҳ», яъни «солиҳ аجدодлар» деб ҳисоблашади. Ҳозирги пайтда эса бемазҳабликни тарғиб қилувчи оқимлар ўзларига «салафийлар» номини қўйиб олиб, гўёки, юқоридагилар йўлидан юраётганини даъво қилади.

Саҳобий – Расулудлоҳ (алайҳис-салом)ни имон келтирган ҳолда кўрган ва шу мусулмонлик ҳолида вафот этган киши.

Сунна (ёки суннат) – (араб. – одат, анъана, хатти-ҳаракат тарзи) исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари, яъни «Пайғамбар йўли».

Табарруот – (араб. – қурбонликлар, совғалар, инъомлар, ҳадялар, бадаллар) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотининг ҳар бир аъзоси ўз даромадининг 5-20%и миқдоридан тўлаши шарт бўлган молиявий тўлов тури.

Табарруъ – (араб. – қурбонлик, совға, инъом, ҳадя, бадал) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотига аъзо шахслардан табарруот (аъзолик бадали)ни тўпловчи шахс.

Тавҳид – (араб. – бирлаштириш, ягона худога эътиқод қилиш) Аллоҳнинг ягоналиги, битта ўзигагина таяниш тўғрисидаги ақида.

Такфир – (араб. – куфрда айблаш, инкор қилиш, осий бўлиш, тан олмаслик) куфр, яъни мусулмонни кофирликда, имон-

сизликда айблаш. Такфир масаласи даставвал, фақат ислом ақидасини қабул қилмаган, унга қарши зид гаплар, амаллар қилаётганларга нисбатан ишлатилган. Бирок хорижийлар оқими ва ҳозирги диний-экстремистик ташкилотлар томонидан ўзларига қўшилмаган мусулмонларни ҳам кофирликда айблаш кузатилмоқда. Ҳадисларга кўра, агар бирор бир мусулмон бошқа мусулмонни куфрда айбласа, айбловчининг ўзи диндан чиқади ва ўша шахсни ўлдиргандек бўлади.

Тасқиф – (араб. – маданийлаштириш) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотининг ўз мақсадларига эришиш учун тузиб чиққан уч босқичли режанинг биринчи босқичи. Бунда гуруҳга киритмоқчи бўлган инсонлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилади, ташкилотга киритиш чора-тадбирлари кўрилади.

Тафоул – (араб. – ўзаро ҳаракат) «Ҳизбут-тахрир» ташкилотининг ўз мақсадларига эришиш учун тузиб чиққан уч босқичли режанинг иккинчи босқичи. Бунда гуруҳга кирган шахслар билан биргаликда ҳаракат қилиш, инсонлар онгида инқилоб жараёнини бошлаш учун фикрий кураш олиб борилади.

Тақриз ҳалқа – «Ҳизбут-тахрир» ташкилотидаги бошқарув ходимлари малакасини оширувчи идора.

Террор – (лотин. – қўрқитиш, ваҳимага солиш) ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш. Бу йўлда суиқасд, қўпоровчилик каби усуллардан фойдаланилади.

Фанатизм – «мутаассиб», «ғазабланган», «жазаваси тутган» маъноларини билдиради.

Фарз – ислом дини таълимотига кўра, инкор қилиб бўлмайдиган даражада қатъий далил билан бажарилиши талаб қилинган амалга айтилади.

Фаришта – нурдан яратилган, нафс ва хоҳишга эга бўлмаган, фақатгина унга худо томонидан буюрилган муайян вазифаларни оғишмай бажарадиган, инсонлар кўзига кўринмайдиган хилқат.

Фатво – (араб. – саволга жавоб бериш, шариат масалалари юзасидан фатво чиқармоқ, маслаҳат бермоқ) «муфтийнинг ху-

лосаси» маъносини англатади. Истилоҳда эса, сўраган кишига шаръий далил асосида ҳукм чиқаришга нисбатан қўлланилади.

Фақиҳ – (араб. – англовчи, тушунувчи, идрок қилувчи) 1) ҳар бир шаръий масалани дақиқ жиҳатларигача тушунувчи илм эгасига нисбатан айтилади. 2) фикҳ илмини мукаммал даражада ўрганиб, фатво бериш даражасига чиққан олимга нисбатан қўлланади.

Фирқа – (араб. – ажралмоқ, фарқланмоқ) маълум бир ғоя асосида бирлашиб, исломдаги анъанавий диний жамоадан ажралган гуруҳлар ва тоифалардир.

Фикҳ – (араб. – тушуниш) шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи фан.

Фундаментализм – маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш, бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини ҳал қилиш мумкин, деган фикрни илгари суриш.

Халаф – (араб. – ўринбосар, ворис) Пайғамбаримиз (алай-ҳис-салом) давридан кейин яшаган саҳобий, тобейи ва табъ-тобсий давридаги мазҳаб эгалари ва мужтаҳидлардан кейинги даврдаги мусулмонларга нисбатан ишлатилади.

Халифа – (араб. – ўринбосар, ноиб) илк ислом даврида жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва Аллоҳ таоло кўрсатмаларига мусулмонлар томонидан амал этилишини назорат қилиш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари. Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) биринчи халифа, кейингилари Умар, Усмоъ, Али (р.а.)лар бўлганлар. Улар хулафои рошидунлар, яъни, тўғри йўлдан боровчи халифалар деб аталган. Улар билан, ҳадисларда айтилганидек, халифалик якунига етиб, подшоҳликлар давом этган. Бундан кейин келган раҳбарлар гарчи халифа деб аталсалар-да, амалда подшоҳлар бўлганлар.

Хорижийлар – (араб. – ажралиб чиққан, исёнчи) – исломни ниқоб қилиб фаолият олиб борган илк сиёсий-диний оқим тарафдорлари. Халифа Али билан умавийлар ўртасидаги кураш давомида еттинчи асрнинг иккинчи ярми бошларида вужудга

келган. Бу тўқнашув ислом тарихига «Сиффин жанги» деб кирган. Али (р.а.) Муовия (р.а.) тарафдорлари (умавийлар) билан музокара олиб боришга кўнган. Бу ҳол Али (р.а.) ҳақиқий ворислик ҳуқуқига эга, деб ҳисоблаган тарафдорларининг ўртасида норозилик туғдирган. Қўшиннинг бир қисми (12 минг киши) Али (р.а.)ни келишувчиликда айблаб, ундан ажралиб кетган. Улар Куфадан унча узоқ бўлмаган Ҳарура деган жойга кетдилар, шу боисдан дастлаб «ҳарурийлар» деб аталдилар. Кейинчалик хорижийлар Али (р.а.)га ҳам, умавийларга ҳам баб-баравар қарши кураш бошлаган. Хорижийлар катта гуноҳ содир этган мусулмонларни исломдан чиққан, деб эълон қилган ва уларни ўлдиришни ҳалол ҳисоблаганлар. Хорижийларнинг бу каби бузуқ ақидалари сабабли ҳокимият тепасига келган аксарият халифалар уларга қарши кураш олиб борганлар ва ҳозирда бу тоифа вакиллари деярли тугатилган. Лекин ислом уламолари мусулмонларни куфрда айбловчи ва улар қонини тўкишни ҳалол ҳисобловчи экстремистик ва террорчи оқимларни «замонавий хорижийлар» сифатида баҳолайдилар.

Хурофот – исломгача мавжуд бўлган қадимий диний эътиқодларга оид урф-одатлар, тўқима ривоят ва афсоналар, ирим-сиримлар, сеҳр, фолбинлик, қабр, тумор каби нарсалардан ёрдам тегишига ишониш ва динда бўлмаган ёлғон-яшиқ гаплар.

Шайхул ислом – қозиларнинг каттаси, муфтий, диний масалалар бўйича энг олий мансаб.

Шаҳид – (араб. – гувоҳлик, ҳозир бўлмок) ушбу даражага эришган инсонларга жаннат ёки кўплаб яхшиликлар башорат қилинганига фаришталар гувоҳ, яъни, шоҳид бўлгани сабабли, айнан ушбу сўз ишлатилган. Истилоҳда эса, уламолар «шаҳид»-ни уч турга ажратадилар:

– «дунё ва охираат шаҳиди» – Аллоҳ таоло йўлида душман билан бўлган жангда Ватани, оиласи, миллати, динини ҳимоя қила туриб вафот этган инсон назарда тутилади. Жумладаги

«дунё шаҳиди»дан мақсад, унинг ғусл қилдирилмаслиги ҳамда ўз кийимида дафн қилиниши каби бошқа маййитларга бўладиган ҳукмлардан ажралиб туриши бўлса, «охират шаҳиди»дан мурод, Қиёмат куни унга бериладиган мукофот ва ажрлардир. – «дунё шаҳиди» – бунга кўра, киши мол-давлат тўплаш, ўзидан ном қолдириш каби «шаҳидлик» ҳукмларига зид бўлган нарсаларни қасд қилган бўлади. Бу тоифа кишилар охиратда нияти туфайли азобланади. Ҳозирда ўзини портлатиб бошқаларнинг умрига зомин бўлган шахсларнинг амаллари асло «шаҳид» ҳисобланмай, ислом таълимотида энг оғир гуноҳ саналади.

– «охират шаҳиди» – қорин (ички) касаллиги, чўкиш, куйиш каби сабаблар билан вафот этган кишилар бўлиб, Расуллуллоҳ (алайҳис-салом) ўз ҳадисларида зикр қилганларидек, улар ҳам шаҳид ҳисобланади. Улар бошқа маййитлар сингари ювилади, кафанланади. Бу дунёда уларни бошқалардан ажратиб турувчи ҳукм бўлмайди. Бироқ охиратда савобга эришишлари сабабли шундай ном берилган.

Шиа – (араб. – гуруҳ, тарафдор) Исломдаги асосий йўналишлардан бири, Али ибн Абу Толиб ва унинг авлодларини Пайғамбар Муҳаммад (алайҳис-салом)нинг ягона вориси ҳамда маънавий давомчилари, деб эътироф этувчи турли гуруҳ ва жамоаларнинг умумий номи. Ўзининг тарқалиши ва ижтимоий-сиёсий моҳияти жиҳатидан суннийликдан кейин иккинчи ўринда туради. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8 фоизи шиаликка мансуб ҳисобланади.

Ширк – Аллоҳга бошқа бировни шерик қилиш.

Шўро мажлиси – Халифа атрофидаги маслаҳат кенгаши.

Экстремизм – (лотин. – ақл бовар қилмас даражада, ҳаддан ошиш) ўз мақсади йўлида турли ҳаддан ортиқ кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик, жамиятда қабул қилинган қонун-қоидаларга зид бўлган кескин радикал қарашлар.

Эъдод – (араб. – тайёргарлик кўриш) ҳозирда мутаассиб оқимларнинг жиҳодга жисмоний, моддий, руҳий жиҳатдан

тайёргарлик кўриши ҳамда қурол-яроғларни ҳозирлаш босқичига айтилади.

Ясриб – Мадина шаҳрининг ҳижратдан аввалги номи.

Қиёdot – (араб. – бошқарув) «Ҳизбут-таҳрир» ташкилотининг қонун чиқарувчи олий органи.

Қози – (араб. – тайин қилувчи, ҳукм чиқарувчи) мусулмонлар амалдор-ҳақамининг умум қабул қилинган номи, ҳукмдор томонидан тайинлаб, шариат асосида судловни бажарувчи, ҳукм чиқарувчи шахс.

Халқа – (араб. – халқа шаклидаги узук) «Ақромийлик»да учтадан ўн иккитагача бўлган шахслардан иборат жамоа.

Ҳаром – ислом таълимотига кўра, қатъий далиллар билан бажарилиши тақиқланган амал.

Ҳижрат – (араб. – бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, тарк қилиш). Истилоҳда эса, Расулуллоҳ (алайҳис-салом) даврларидаги мусулмонларнинг Ҳабашистонга, кейинчалик Расулуллоҳ (алайҳис-салом) ўзлари бошчилигида Мадинага кўчиб ўтишларига айтилади. Уламолар ҳижрат тўғрисида нозил бўлган оят ва ҳадисларни ўрганиб, уни икки қисмга ажратадилар. Бири юқорида таъкидланган «кўчиш» маъносидаги ҳижратдир. Иккинчиси, инсон гуноҳлардан ўзини тийиши ва уларни тарк қилиши, яъни ёмон хулқдан яхши хулққа кўчиш, тушунилади.

Ҳизб – (араб. – партия, жамоа, гуруҳ) бугунги кунда ислом ақидаларини ғаразли мақсадлари йўлида байроқ қилиб олган диний-экстремистик ташкилот.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012. – 624 б.
2. Саҳиҳи Бухорий: Ал-жомиъ ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам): 1-2-китоблар // Ал-Бухорий, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил / А.Мансур таҳрири остида. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008.
3. Каримов И. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 328 б.
4. Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
5. Каримов И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – 440 б.
6. Каримов И. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – 36 б.
7. Алиев Ж. Зулмат гирдоби. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.
8. Диний бағрикенглик ва мутаассиблик: (юз саволга-юз жавоб) Масъул муҳаррир О.Юсупов. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 156 б.
9. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – 160 б.
10. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари /Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 246 б.

11. Жўраев Ш. Бузгунчи даъватчилар. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 40 б.
12. Закурлаев А.К. Ўзбекистон ривожига таҳдид солаётган ғайриқонуний диний оқим ва террорчилик ташкилотлари. Тарикатчилик, аслият ва моҳият. – Тошкент, 2010. – 134 б.
13. Закурлаев А.К. Ғоялар кураши. – Тошкент: Мовароуннахр, 2000. – 64 б.
14. Ислом. Энциклопедия. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 313 б.
15. Ислом маърифати: аслият ва талқин. Ўқув-услубий қўлланма. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 160 б.
16. Комилов К., Ҳасанбоев Ў., Хошимов Н. Диний экстремизм ва халқаро терроризм – жамият тараққиётига таҳдид. (Маърифий-услубий қўлланма). – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.
17. Маърифат гулшани: диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун услубий қўлланма. Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2014. – 200 б.
18. Мелиқўзиев Ж. Ҳалокат тузоғи. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2013. – 32 б.
19. «Мусулмон жамиятларида тинчликни мустақамлаш» халқаро конференцияси материаллари. – Абу Даби, 2014 йил, 9 – 11 март.
20. Ражабова М. Диний экстремизм ва террорчиликка қарши кураш муаммолари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 397 б.
21. Тинчликни асраш – муқаддас бурч / У.Кўшаев, А.Аҳмедов, Ш.Жўраев ва б.; Масыул муҳаррир А.Очилдиев. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – 32 б.
22. Тинчлик ва осойишталик – олий неъмат. – Тошкент: Мовароуннахр, 2013. – 144 б.

23. Тулепов А. Ислом ва ақидапараст оқимлар. Тўлдирилган нашр. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Шарқ, 2014. – 536 б.
24. Тулепов А. Интернетга ин қурган «ўргимчаклар». – Тошкент: Мовароуннахр, 2014. – 80 б.
25. «Умуминсоний муштарак қадриятлар ва тинч-тотувлик» халқаро конференцияси материаллари. – Маскат, 2014 йил 6 – 9 апрель.
26. Шермухамедов К. Жаҳолат тўри. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 48 б.
27. Ғойибназаров Ш. Халқаро терроризм: илдизи, омиллари ва манбаи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 296 б.
28. Ҳасанов. А. А. Ислом тарихи дарслиги. – Тошкент: Тошкент ислом университети нашриёт матбаа-бирлашмаси, 2008.
29. Ҳидоят ортига яширинган залолат /Муаллифлар жамоаси. – Тошкент: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 136 б
30. Ahmad Mousalli. Wahhabism, Salafism and Islamism: Who is the enemy? Beirut: American University of Beirut, 2009.
31. Muhammad Tahir-ul-Qadri. Fatwa on suicide bombings and terrorism. – London: Minhaj-ul-Quran International, 2010.
32. Абдулраҳмон Жазирий. Ал-Фикҳ ала-л-мазаҳиб ал-арбаъа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, Ж.1. 2003.
33. Абу Абдуллоҳ Хароний. Сифату-л-фатва ва-л-муфти ва-л-мустафтий. – Байрут: Ал-Мактаб ал-исломий, 1976.
34. Ал-Мулла Али ал-Қори. Шарҳ ал-фикҳ ал-акбар ли Аби Ҳанифа ан-Нўъман. Дар ан-Нафоис: Байрут, 1997.
35. Ал-Қарафий. Ал-Фуруқ / Халил Мансур таҳқиқи. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1997.
36. Ал-Мавсуъа ал-фикҳийя ал-кувайтийя. Визаротул-авқоф ва-л-шуунил-исламийя. – Кувейт. Дарус-саласил. 1983.
37. Бутий, Муҳаммад Саид Рамазон. Ал-Жиход фи-л-ислам: кайфа нафҳамуху ва кайфа нуморисуху. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 1993.

38. Бутий, Муҳаммад Саид Рамазон. Ал-ламазҳабийя: ахтару бидъа таҳдид аш-шариати ал-ислаимийя. – Дамашқ: «Дар ал-Фарабий», 2005.
39. Бутий, Муҳаммад Саид Рамазон. Ас-Салафийя: марҳала заманийя муборака лаа-мазҳаб ислаимий. – Дамашқ: Дор ал-фикр, 2005. 270-б.
40. Мони ибн Ҳаммод ал-Жуҳаний. Ал-Мавсуат ал-муяссара фий ал-адян вал мазоҳиб вал аҳзоб ал-муосира. 5-нашр. 1-2-жилд. – Ар-Рийод: Дар ан-надва ал-олаимийя, 2003.
41. Муҳаммад Хайр Ҳайкал. Ал-Жиход ва-л-қитол фи-с-сиёса-ти-ш-шаръийя. – Дамашқ: Дор Ибн Ҳазм, 1996.
42. Носир Абдуллоҳ Маймон. Ал-Фатва: хатаруҳа, аҳаммиятуҳа ва мушкилатуҳа фи-л-аср ал-ҳазир. – Макка, 2008.
43. Салоҳ Абу Саъуд. Ал-Маржаъ ал-комил фи-л-фирақ ва-л-жа-маат ва-л-мазаҳиб ал-исламия. Миср, «Мактабат ан-нафи-за», 2005.
44. Тафсир ат-Табарий. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1999.
45. Файрузободий. Ал-Қомус ал-муҳит. – Байрут: Ар-Рисола, 2005.
46. Юсуф Қарзовий. Зоҳирату-л-ғулув фи-т-такфир. – Қоҳира: Мактабат Ваҳба, 1990.

ИНТЕРНЕТ ОРҚАЛИ ФОЙДАЛАНИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН ВЕБ-САҲИФАЛАР:

1. [http: www.tiu.uz](http://www.tiu.uz) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети веб-сайти;
2. [http: www.markaz.tiu.uz](http://www.markaz.tiu.uz) – Тошкент ислом университети қошидаги Исломшунослик илмий-тадқиқот маркази веб-сайти;
3. [http: www.religions.uz](http://www.religions.uz) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита веб-сайти;
4. [http: www.muslim.uz](http://www.muslim.uz) – Ўзбекистон мусулмонлари идораси веб-сайти;
5. [http: www.buxoriy.uz](http://www.buxoriy.uz) – Тошкент ислом институти веб-сайти;
6. [http: www.bukhari.uz](http://www.bukhari.uz) – Имом Бухорий халқаро маркази веб-сайти;
7. [http: www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz) – «Мовароуннаҳр» нашриёти веб-сайти;
8. [http: www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz) – Ахборот таълим тармоғи.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
«Салафийлик»	5
Нурчилик.....	10
Мусулмон биродарлар.....	16
Шабаб Муҳаммад	20
Ҳизбут-тахрир ал-исломий.....	22
Жамоат ал-муслимин.....	31
Ҳизбуллоҳ (Туркия)	36
Лашкари тойба	44
Абу Саййаф.....	46
Толибон	48
Туркистон ислом ҳаракати	53
Акромийлар	59
Ал-Қоида	64
Исломий жиҳод иттиҳоди	70
Боко ҳарам.....	73
Ироқ ва Шом ислом давлати.....	78
Жабҳат ан-нусра (нусра fronti).....	84
Иловалар	88
Глоссарий.....	138
Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати.....	154
Интернет орқали фойдаланишга тавсия этиладиган веб-саҳифалар.....	158



Диний-ижтимоий нашр

**ИСЛОМ
НИҚОБИ ОСТИДАГИ
ЭКСТРЕМИСТИК
ВА ТЕРРОРЧИ УЮШМАЛАР
(МАЪЛУМОТЛАР ТЎПЛАМИ)**

Ношир: С.Саиджалолов

Муҳаррир: С.Очиллов

Мусахҳиҳ: Т.Норматов

Саҳифаловчи: Л.Абдуллаев

Нашриётнинг гувоҳнома рақами АИ № 224. 2012 йил. 16 ноябрь.

Босмахонага 2017 йил 22 мартда берилди.

Бичими 60×84 1/16 Шартли б.т. 9,30. Нашр т. 9,30.

Адади 2500 дона. Буюртма № 27.

Баҳоси шартнома асосида.

«Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа

бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.

100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.

ИСЛОМ

НИҚОБИ ОСТИДАГИ
ЭКСТРЕМИСТИК ВА
ТЕРРОРЧИ УЮШМАЛАР

МАЪЛУМОТЛАР ТУПЛАМИ

